

The book cover features a central image of a globe with a grid of latitude and longitude lines. To the left of the globe, there is a stack of gold coins. The entire image is framed by a dark blue background with green wavy borders at the top and bottom. The author's name is at the top, and the publisher's name is at the bottom.

МАМАЮНУС
ПАРДАЕВ

**ИҚТИСОДИЁТГА ОИД
АТАМАЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ**

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М. Қ. ПАРДАЕВ

**ИҚТИСОДИЁТГА ОИД
АТАМАЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ**

ТОШКЕНТ–2022

Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. — Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022. 148 б.

ISBN 978–9943–7802–3–1

“Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари” бўйича ишлаб чиқилган мазкур китобда иқтисодиётга оид фанларда қўлланиладиган калитли сўзлар, уларнинг таърифлари ва атамаларнинг луговий маънолари алфавит тарзида берилган. Ушбу таърифлар асосан биз томонимиздан ишлаб чиқилган, бир қисм бошқа адабиётларда келтирилган таърифлардан олинди, улар ҳам такомиллаштирган ҳолда берилган. Айрим таърифлар олимлар ва мутахассислар томонидан бир тўхтамга келинган тан олинган таърифлар бўлиб, иқтисодий адабиётларда ва лугатларда келтирилган. Бундай таърифлар асл ҳолида олинган. Қайси адабиётлардан фойдаланилган бўлса, уларнинг номлари адабиётлар рўйхатида келтирилган. Мақсадимиз ҳозирги илмий тадқиқотчилар, магистрлар ва талабаларнинг иқтисодий категория ва атамалар бўйича таърифларини бир жойда ўқиш ва ўрганишни оsonлаштиришга қаратилган. Шунингдек, ушбу таърифларнинг аксарият қисми илк бор шу тарзда берилаётганлиги туфайли илмий тадқиқотчиларга мунозара учун қулайлик туғдириш ҳам мақсад қилиб олинган.

УЎК:51.9
КБК 65я2

Тақризчилар: Б. Наврўз – Зода - и.ф.д., профессор (БухДУ)
М. М. Муҳаммедов – и.ф.д., профессор (СамИСИ)
Р. Х. Эргашев – и.ф.д., профессор (ҚарМИИ)
Г. М. Шадиева – и.ф.д., профессор в.б. (СамИСИ)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги 5-сон қарорига асосан нашрга тавсия этилди

ISBN 978–9943–7802–3–1

© М.Қ.Пардаев, 2022.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022.

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022

Абитуриент деганда, ўрта мактабни битириб, олий ёки ўрта махсус таълим муассасасига кириб ўқишга давогар киши тушунилади.

Абонемент деганда, бирор нарсадан маълум бир муддатда фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат тушунилади. Масалан, фуқароларга йўловчи ташиш транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат, дўкондан маълум товарларни олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат ва ҳ.к.

Абонент деганда, абонементдан фойдаланувчи шахс, абонент эгаси тушунилади.

Абстракт меҳнат деганда, товарнинг қийматини яратадиган умумий меҳнат мажмуи тушунилади.

Авангард деганда, бирор жамоа, ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг илғор қисми тушунилади.

Аванс деганда, товар жўнатишни, бирорта хизматни кўрсатишни (ишни бажаришни) зиммасига олган субъектга олдиндан тўлаб бериладиган маблағ тушунилади.

Авиалиния деганда, самолётларнинг маълум маршрутлар бўйича қатнашга мўлжалланган ҳаво йўли тушунилади.


Авиатариф деганда, маълум масофага битта йўловчига кўрсатиладиган ташиш хизматларнинг қиймати тушунилади.

Авиакомпания деганда, йўловчи ва юк ташиш хизматларини кўрсатишга мўлжалланган ҳаво транспорти билан таъминланган корхона тушунилади.

Авлиё деганда, эътиқодли, азиз, Аллоҳга яқин, каромат кўрсата оладиган, башорат қилувчи, мўжизалар кўрсата оладиган, диндор, дарвешсифат киши тушунилади.

“Авлод” сўзига Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида умумий тарзда “ўғиллар, болалар, насл”, деган тушунчани берган. Булардан ташқари 4 та изоҳи келтирилган. 1. Ота-бободан қолган насл (аждодга нисбатан). 2. Ота-бобо ва унинг насли; сулола; зот. 3.Замоннинг маълум қисмига мансуб одамлар; бўғин. 4.Замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарининг ва бошқа техник жиҳозларнинг янгиланган, такомиллашган туркуми.

Автобус деганда, йўловчиларни, багажни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда 8 тадан ортиқ ўриндиққа эга бўлган автотранспорт воситаси тушунилади.



Автодўкон деганда, асосан қишлоқ жойларда ва бозорларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари билан савдо қилишга мўлжалланган, шунга мос ҳолда жиҳозланган автомобиль тушунилади.

Автокар деганда, ички ёнув двигатели қуввати билан юрадиган вакзалларда, корхоналар ҳавлисида, қурилиш майдончаларида юк ташиш ишлатиладиган резина ғилдиракли ўзинорар аравача тушунилади.

Автовокзал (автостанция) деганда, автомобилларнинг тўхташ ва жўнаш жойи бўлиб, транспорт-экспедиция ва ташиш хизматларини амалга оширувчи ва йўловчиларга бошқа хизматларни кўрсатувчи ташкилот тушунилади.

Автоколонна деганда, йўлда кетма-кет тизилиб келаётган автомобиллар қатори тушунилади.

Автокорхона деганда, аҳолига автомобиллар билан юк ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатишга мўлжалланган корхона тушунилади.

Автокран деганда, юкларни кўтариш ва туширишга мўлжалланган автомобилларга ўрнатилган кўтарма кран тушунилади.

Автолавка деганда, автомобилларда энг зарур бўлган товарларни дўконлардан узоқ ҳудудларда жойлашган аҳолига олиб бориб сотишга мўлжалланган автодўкон тушунилади.

Автомагистраль деганда, автомобилларнинг қатнови учун мўлжалланган халқаро ва шаҳарлараро аҳамиятга эга бўлган, тегишли инфратузилмаларга эга катта ва кенг йўл тушунилади.

Автомат деганда, ҳар қандай ишни ички механизмлар ёрдамида одамнинг бевосита иштирокисиз тезликда ўзи мустақил бажарадиган аппарат ёки машина тушунилади.

Автомобилсозлик деганда, автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган шу соҳага оид саноатнинг тармоғи тушунилади.

Автомобиль деганда, йўловчилар ёки юкларни ташишга мўлжалланган, ички ёниш двигатели ёрдамида ҳаракатланадиган, ғилдиракли, рельсиз транспорт воситаси тушунилади.

Автоматлаштирилган ахборот технологияси деб маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун қўлланиладиган юқори тезликда автоматлиштирилган ҳисоблаш

техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари мажмуига айтилади.

Автомашина деганда, ерда юрадиган йўловчи ва юк ташиш хизматларини амалга оширишга мўлжалланган моторли транспорт воситаси тушунилади.

Автопавильон деганда, йўловчиларга ва автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган автомобиль йўлидаги махсус ташкил қилинган иншоот тушунилади.

Автопарк деганда, автомобиллар сақланадиган ва таъмирланадиган шароитга эга бўлган автокорхона тушунилади.

Авторитаризм деганда, яккахокимлик хусусиятига эга бўлган, давлат бошқаруви шахсий диктатурага асосланган, антидемократик давлат тузими тушунилади.

Автотуризм деганда, туристик маршрутнинг асосий қисмини автомобиль транспортдан фойдаланиш орқали амалга оширадиган туризм тури тушунилади. Ушбу туризмни ташкилий равишда турфирмалар ташкил қилади. Аммо ўзларининг шахсий автомобилларида оилавий туризмни ҳам амалга ошириш мумкин.

Автосалон деганда, автомобилларни нақд, пул ўтказиш ва кредитга сотишга ҳамда уларнинг рекламасини ташкил қилишга мўлжалланган муассаса тушунилади.

Автосервис деганда, автомобилларни таъмирлашдан тортиб барча бошқа хизматларни кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Автостанция деганда, автомобиллар тўхтайдиган, йўловчиларни миндириш ва тушуришда хизмат кўрсатишга тегишли шароитлар яратилган жой тушунилади.

Автотранспорт деганда, юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган турли русумдаги автомобиль транспортлари мажмуи тушунилади.

Автоулов деганда, йўловчиларнинг ҳаракатланишига мўлжалланган улов вазифасини ўтайдиган барча ҳайдаш воситалари тушунилади.

Автоуй деганда, мавсумий ишларни бажариш давомида яшаш учун олиб келинган, тегишли шароитга эга бўлган кўчма вагон, автобус шаклидаги уй кабилар тушунилади.

Агентлик деганда, маълум фаолият билан шуғулланувчи турли субъектлар ишларини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил

килинган саҳага оид ташкилот тушунилади. Масалан: Ахборот агентлиги, Телеграф агентлиги, Матбуот агентлиги ва ҳ.к.

Агломерация деганда, бирор ҳудудда ёки давлатда, битта соҳага оид корхоналар ва ташкилотларнинг яхлит ҳолда қўшилиб, бирлашиб кетиш жараёни тушунилади.

Аграр соҳа деганда, ер-сув, ерга эгаллик ва улардан фойдаланиш эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадиган субъектлар мажмуи тушунилади.

Агрокимё деганда, қишлоқ хўжалигида ўсимликларни озиклантириш, юқори барқарор ҳосил олиш мақсадида уларни ўғитлаш, кимёвий воситалар ёрдамида зараркундалардан сақлаш каби кимёвий жараёнлар ҳақидаги фан тушунилади.

Агромелиорация деганда, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш мақсадида ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Агрономия деганда, қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ва деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, унинг қонун қоидаларини ўргатадиган илмий-назарий ва амалий билимлар тўғрисидаги фан тушунилади.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки – молия институти бўлиб, иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган банк муассасаси ҳисобланади. Мазкур банк 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган.

Агросаноат деганда, бир жойда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган тармоқ ва унга мансуб бўлган корхоналар мажмуи тушунилади.

Агросервис деганда, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган субъектларга соҳага оид хизматларни кўрсатиш тушунилади.

Агротехника деганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, уларни парвариш қилиш технологияси тушунилади.

Агротехника қоидалари деганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, уларни парвариш қилишда қатъий технологик тартибга амал қилиш йўллари тушунилади.

Агротуризм деганда, қишлоқ жойларга, асосан қишлоқ хўжалик соҳасидаги ноёб бўлган чорвачилик, деҳқончилик, зироатчилик каби соҳаларни ўрганишга ва уларни тамоша қилиб завқланишга мўлжалланган туризм тушунилади.

Агрофирма деганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш билан шуғулланувчи фирма тушунилади.

Адвокат деганда, Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган лицензияни (сертификатни) олган олий юридик маълумотга эга шахс тушунилади.

Адекват деганда, ҳодиса ва жараёнлар ҳамда предметларнинг бир-бирига мос ва тенг келишини турли йўллар билан билиш тушунилади.

Администрация деганда, корхона, ташкилот, вазирлик, идора-лар ва давлатни бошқаришга масъул бўлган ходимлар мажмуи.

Адъютант деганда, ҳарбий бошлиқ ихтиёрида бўлган штаб ишларини ва хизмат топшириқларини бажаришга мўлжалланган ёрдамчи офицер тушунилади.

Азалий қадрият деганда, бошланиш даври номатлум асрлар давомида амал қилиб, қўлланилиб келинаётган урф-одатлар мажмуи тушунилади.

Азимкор деганда, ғоят катта ишларга қодир бўлган ва уни амалга оширишга киришган шахс тушунилади.

Азмкор деганда, бирорта мақсадга эришиш йўлида қатъий истак ва шижоат билан интилиб ҳаракат қиладиган шахс тушунилади.

Айрибошлаш деганда, бирор наросани иккинчи қиймати ва қимматига мос келадиган нарсага алмаштириш тушунилади.

Академия деганда, илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун ташкил қилинган юқори малакали олимларга эга бўлган олий илмий муассаса тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Аккорд деганда, ишнинг ҳажми ва муддати кўрсатилган ҳолда шартнома асосида бажариладиган ишбай иш тушунилади.

Аккредитация деганда, давлатларнинг бошқа давлатлардаги ваколатхоналарида раҳбар ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотлардаги доимий вакили лавозимига тайинлаш ва шу лавозимга киришиш билан боғлиқ тadbирлар мажмуи тушунилади.

Аккредитив деганда, томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб олиб бориладиган ишончли банк ҳисоб варағи тушунилади.

Аксиома деганда, бирорта ҳодиса, жараён ёки предметни асл ҳолида ортиқча исбот талаб қилмайдиган, борица қобул қилинадиган ҳолат тушунилади.

Активлар дейилганда, корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия баланси актив қисмида жойлашган асосий воситалар, номоддий активлар, жорий ва молиявий активлардан иборат қимматликлар мажмуи тушунилади.

Акциз деганда, истеъмол товарлари ва хизматларга қўйиладиган эгри (билвосита) солиқ тушунилади.

Акция деганда, акциядорлик жамияти тамонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғоз тушунилади.

Акциядорлик жамияти деганда, турли юридик ва жисмоний шахслар тамонидан уюшган ҳолда пул маблағларини шерикчилик асосида бирлаштирган жамият тушунилади. Акциянинг миқдори пул эгасининг акциядорлик жамиятидаги улушини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

Алимент деганда, оилада эр билан хотин ажралгандан кейин болаларини моддий таъминлаш учун эр тамонидан қонунда белгиланган тартибда мажбуран тўланадиган маблағ тушунилади.

Айирбошлаш деганда, бирор нарсани бошма-бош ёки бошқа бир шарт билан товар (иш, хизмат)ларни бир-бири билан (кўп ҳолларда пулга) алмаштирмақ тушунилади.

Айланма маблағлар деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар йиғиндиси тушунилади. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағларни ўз ичига олади.

Алоқа деганда, турли воситалар (почта, телефон, телеграф, радио, телевидение ва бошқалар) ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ кишилар, корхоналар, муассасалар, давлатлар ўртасидаги боғланиш жараёнлари мажмуи тушунилади.

Алоқа хизматлари деганда, турли ахборотларни бир шахсдан иккинчи шахсга турли воситалар орқали узатадиган жараёни ташкил қилувчи одамлар меҳнатининг мажмуи тушунилади.

Альтернатив деганда, бир қанча бир-бирига ўхшаш нарсa, восита, жараёнлардан бирини муқобиллик асосида танлаш тушунилади.

Альтиметр деганда, учип аппаратларининг ердан баландлигини ўлчовчи асбоб тушунилади.

Альянс деганда, давлатлар, давлатлар ичидаги соҳаларнинг халқаро миқёсда бирлашган иттифоқи тушунилади. Масалан, дунё миқёсида ягона бўлган кооператив альянс.

Амалдор деганда, бирорта фаолиятни, хўжалик юритувчи субъект ёки бошқа ташкилотларда раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётган шахс тушунилади.

Амалиёт деганда, бевосита ишлаш жараёнида фаолият олиб бориб, амалий тажриба орттириш тушунилади.

Амалий экология деганда, жамият ва табиатда содир бўладиган турли экологик муносабатларнинг ижтимоий, иқтисодий, муҳандислик жиҳатларини ўргатадиган таълимот тушунилади.

Амбулатория деганда, қатнаб даволанувчиларга ва уйда ётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиладиган кичик даволаш профилактика муассасаси тушунилади.

Амортизация деганда, меҳнат воситаларининг (бино, иншоат, жиҳозлар каби) эскиришига қараб, улар қийматини муайян давр мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига қўшиб бориш йўли билан эскирган воситалар баҳосини қоплаш тушунилади.

Амфитеатр деганда, ярим доира шаклида қия кўтарилиб боровчи ўриндиқларга эга оммавий томошаларни ўтказишга мўлжалланган маҳобатли театр, томоша қилинадиган бино, иншоат тушунилади.

Аналогия деганда, предметлар, ходиса ва жараёнларнинг бир-бирига ўхшашлик жиҳатлари тушунилади.

Анархизм деганда, жамиятда ҳар қандай ҳокимият ва давлат тузимини рад этувчи ва алоҳида шахсни раҳбар сифатида тан

олувчи, фақат унинг хоҳиш-иродаси билан ҳаракат қилувчи ижтимоий-сиёсий оқим тушунилади.

Анархия деганда, давлатда ҳамма учун мажбурий қонун-қоидаларнинг, одоб-ахлоқ меъёрларининг, тартиб-тамойилларга амал қилишнинг йўқлиги, уларни тартибга соладиган ҳокимиятнинг заифлиги (ҳокимиятсизлиги) тушунилади.

Андоза деганда, кийим бош, пойабзал ва шу кабиларни бичиш, тикиб тайёрлаш учун қолин қоғозлардан ясалган нусха, қолип тушунилади. Бундан ташқари чиройли ҳаммага манзур бўлган нарсаларни ҳам одамлар тамонидан андоза сифатида қабул қилиб, шунга ўхшатишга ҳаракат қилишади.

Анжуман деганда, бирорта байрам ёки бошқа оммавий тарзда ўтказилиши лозим бўлган тантанали мажлис тушунилади.

Аник (конкрет) меҳнат деганда, товарнинг шакли ва шамоили бўйича истеъмол қийматини яратишга қаратилган меҳнат тушунилади.

Анкета деганда, бирорта ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида одамларнинг фикрларини билиш мақсадида тегишли маълумот олиш ва тўплаш учун оммавий тарзда тарқатиладиган белгиланган сўровнома тушунилади.

Аннотация деганда, китоб, мақола каби яхлит асарларнинг мазмунини ифода этадиган қисқача маълумот ёки таъриф тушунилади.

Аннуляция деганда, туристнинг ёки тур операторнинг (тур агентнинг) ёзма равишда шартномада кайд этилган мажбуриятларни бажармаслиги тўғрисидаги хати тушунилади.

Ансамбль деганда, ўзаро мос, уйғун қисмларнинг бирикувидан иборат бирорта соҳа, бино ва иншоотлар, бир бутун бадий жамоа, бир йўналишдаги ўзаро боғлиқ бир-бирини тўлдирувчи кийим-кечаклар мажмуи тушунилади.

Антогонизм деганда, келиштириб бўлмайдиган турли қарама-қарши қарашларга, фикрларга эга бўлган гуруҳлар, оқимлар тушунилади.

Анъана деганда, маълум миллат ёки элат ҳаётида қарор топган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган удум, урф-одат, қонда ёки бошқа амаллар мажмуи тушунилади.

Аппарат деганда, муайян бир ишни бажариш учун хизмат қиладиган асбоб, мослама, механизм каби воситаларнинг номи

тушунилади. Унинг иккинчи изоҳи: Аппарат деганда, жамиятнинг маълум вазифаларини бажаришга қаратилган ташкилот тушунилади.

Аптека деганда, дори дармон ва бошқа тиббиёт молларини сақлайдиган ва шифокор ёзиб берган дориларни тайёрлаб, уларни ҳам сотадиган дорихона тушунилади.

Арава деганда, одам ёки юк ташишга мўлжалланган икки ёки тўрт гилдиракли от, эшак ёки ҳўкиз қўшадиган транспорт воситаси тушунилади.

Арбитраж деганда, низоли масалаларни ҳал қилиш учун махсус ташкил этилган ва доимо фаолият кўрсатувчи суд органи. Ҳозирги кунда ушбу суд иқтисодий суд деб номланиди ва функциясида бирмунча ислохотлар рўй берди.

Аргумент деганда, бирор ҳодиса ёки жараёнларнинг содир бўлганлигини исботлаш учун фойдаланилган яққол далил тушунилади.

Арғумон деганда, одамларнинг одамларга, давлатларга, давлатларнинг одамларга ва давлатларга совғаси, яъни тўхфаси тушунилади.

Арка деганда, тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза, эшик, дераза каби қисмлари тушунилади.

Археология деганда, қадимий моддий-маданий ёдгорликлар асосида халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуши, маданиятини, қадриятларини ўрганувчи фан тушунилади.

Архив деганда, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи давлат ёки нодавлат муассасаси, идоравий архив тушунилади.

Архив кўчирмаси деганда, архив ҳужжати матнининг муайян бир факт, воқеа, шахсга тегишли қисми сўзма-сўз баён этилган, архив шифри ва сақлов бирлиги варақларининг рақамлари кўрсатилган, архив бланкида тузилган архив ҳужжати тушунилади.

Архив ҳужжатлари деганда, фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамиятлилиги сабабли сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасмалар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, ҳариталар, шунингдек, бошқа моддий манбалардаги ёзувлар тушунилади.

Архив коллекцияси деганда, бир ёки бир нечта белгилари (мавзуси, қимматлилиги, объекти, муаллифлилиги, даврийлиги ва бошқалар)га кўра бирлаштирилган, келиб чиқиши турлича бўлган алоҳида ҳужжатлар йиғиндиси тушунилади.

Архив нусхаси деганда, тегишли тартибда тасдиқланган, архив шифри ва сақлов бирлиги varaқларининг рақамлари кўрсатилган архив ҳужжатининг сўзма-сўз баён этилган нусхаси тушунилади.

Архив маълумотномаси деганда, юридик кучга ва суровнома асосидаги ҳужжатли маълумотга эга бўлган, берилаётган ҳужжатларнинг шифри, сақлов бирлиги varaқларининг рақамлари кўрсатилган, архив бланкида тузилган архив ҳужжати ҳисобланади.

Архив фонди деганда, юридик ёки жисмоний шахслар фаолияти натижасида яратилган, тарихий ёки мантиқий жиҳатдан ўзаро алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи тушунилади.

Архивни жамлаш манбаи деганда, архив ҳужжатлари билан фондга тегишлилигига кўра жамланиб борувчи архивнинг фонд ташкил этувчиси тушунилади.

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш деганда, архив ҳужжатларини хизмат, ишлаб чиқариш, илмий, маданий, маърифий, таълим мақсадида ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа мақсадларда архивлар томонидан фойдаланувчиларга тақдим этиши тушунилади.

Архив ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини (мавжудлигини) текшириш деганда, сақланаётган архив ҳужжатларининг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш ва йўқолган ҳужжатларни топишни ташкил этиш учун уларни аниқлаш, консервацион-профилактик ва техник ишлаш лозим бўлган архив ҳужжатларини ҳисобга олишдаги камчиликларни аниқлаш ва баргараф этиш мақсадида амалга ошириладиган ишлар мажмуи тушунилади.

Архив ҳужжатларининг мавзули шарҳи деганда, фойдаланувчининг сўрови ёки архивнинг тапаббусига кўра маълум мавзу бўйича архив ҳужжатлари, сақлов birlikлари/ҳисоб birlikларининг санаси ва архив шифрлари кўрсатилган ҳолда тузилган қисқа ёки изоҳланган сарлавҳалари рўйхати тушунилади.

Архив ҳужжатларининг ҳисоби деганда, архивлар томонидан архив ҳужжатлари ва архив фондларининг мунтазам равишда келиб тушиши, мавжудлиги ва ҳолатини белгиланган birlikлар асосида

аниқлаш ҳамда уларни ҳисоб ҳужжатларида акс эттириш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш тушунилади.

Архив ҳужжатларини сақлаш деганда, архивларда архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Архитектор деганда, бино ва иншоотларни лойиҳаловчи, курувчи ва безовчи мутахассис, меъмор тушунилади.

Асбоб деганда, кишилар фаолиятида меҳнат қуроли сифатида фойдаланадиган асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар, уй-рўзгор буюмлари каби ашёлар мажмуи тушунилади.

Асос деганда, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ёки табиат ҳодисаларининг негизини ташкил этувчи, бирор нарсани ушлаб, кўтариб турувчи таянч, пойдевор тушунилади.

Асосий материал деганда, яратилган маҳсулотнинг асосий қисмини ташкил қиладиган неъматлар (хом ашё ва материаллар) тушунилади.

Аспирант деганда, маълум бир фан бўйича номзодлик диссертациясини бажариш учун узлуксиз таълимнинг охириг олий таълимдан кейинги босқичидаги уч йиллик муддат давомида ўқиётган шахс тушунилади.

Ассистент деганда, олий ўқув юртларида профессорларга кўмакчи бўлган ўқитувчилик лавозими тушунилади.

Ассамблея деганда, битта ташкилот миқёсида йиғилиш, мажлис, кенг миқёсда халқаро ташкилотлар раҳбар органларининг номланиши тушунилади.

Ассортимент деганда, товар ва маҳсулотларнинг ҳар хил номлари, навлари ва турлини ифода этадиган тўплам тушунилади.

Ассоциация деганда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўладиган жараён ёки ҳодисаларни бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни кўзлаб тузилган уюшма тушунилади.

Астрономия деганда, умумий коинотнинг тузилиши, шу жумладан, осмон жисмларида содир бўлган ва бўладиган ўзгаришлар тўғрисидаги фан тушунилади.

Астрофизика деганда, астрономия фанида осмон жисмларининг физик ҳолатини ва кимёвий таркибини ўрганадиган фан тушунилади.

Асфальт деганда, асосан йўлларда, бошқа инфратузилма объектларида, саноат ва бошқа тармоқларнинг бир қанча йўналишларида, хонадонларни текислаб қоплашда ишлатиладиган табиий ёки сунъий қарамтир смоласимон модда тушунилади.

Ателье деганда, аҳолига кийим-кечак, пойафзал кабиларни тикиш ва таъмирлаш, майший асбобларни (радио, телевизор кабиларни) таъмирлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатишга мўлжалланган устакхона тушунилади.

Атмосфера деганда, инсон ва барча жонзотларнинг яшаш таъминлаш учун зарур бўлган ер ва бошқа планеталарни ўраб турадиган газсимон қобик тушунилади.

Атрибут деганда, предмет ва ҳодисаларнинг ўзига хослигини таъминлайдиган, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим характерли хусусиятига эга бўлган жиҳатлар тушунилади.

Атроф-муҳит деганда, инсонларнинг яшаб турган жойига яқин ерлар, инфратузилма, кишилар, улар билан боғлиқ ижтимоий ва маънавий муҳит тушунилади.

Атрофлича ўрганиш деганда, атрофимизда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ҳодиса ва жараёнларни ҳамда ҳаётий зарур ашёларни асосли равишда ҳар томонлама синчиклаб ўрганиш тушунилади.

Аттестация деганда, соҳада фаолият олиб бораётган ходимлар малакаси, билим даражаси, маънавияти, маданияти, ҳуқ-атворини аниқлашга қаратилган махсус экспертлар томонидан ўрганиш тадбири тушунилади.

Атторлик маҳсулотлари деганда, ишлаб чиқарилган, олиб келинган ва савдога қўйилган атир-упа, турли дориворлар, ҳушбўй нарсалардан иборат маҳсулотлар мажмуи тушунилади.

Аудитор деганда, ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг экспертизаси ва таҳлили билан шуғулланадиган аудиторлик ваколатига эга шахс тушунилади.

Аудитория деганда, бевосита мулоқот қилинишга мўлжалланган машғулот, маърузалар ўтказиладиган хона ҳамда масофавий тарзда радио ва телевидение орқали бериладиган эшиттириш ва кўрсатувларни тинглайдиган кишилар гуруҳи тушунилади.

Аукцион деганда, бозор муносабатлари шароитида кўп тарқалган сотишга қўйилган товарнинг (нарсанинг) нархи ўсиб боришга асосланган ашкора кимошди савдоси тушунилади.

Афоризмлар деганда, чуқур мазмунга эга, ихчам ифода этилган муаллифи аниқ бўлган, теран тафаккур маҳсули бўлган ҳикматли сўзлар мажмуи тушунилади.

Афсонавий шаҳар деганда, ақл бовар қилмайдиган манзара ва иншоатларга бой бўлган, эшитганда ишониш қийин, кўрганда ҳайратланидиган ғаройиб шаҳар тушунилади.

Атроф-муҳит деганда, бизни ўраб турган ва бизга таъсир қиладиган барча неъматлар, яъни оламда мавжуд жонли ва жонсиз нарсалар мажмуи тушунилади.

Ахборот деганда, шахслар, предметлар, ҳодисалар, жараёнлар, воқеалар, корхоналар, ҳудудлар, давлатлар каби бирликлар ва ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар мажму тушунилади.

Ахборотлаштириш деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари, ахборот тизимлари каби ахборот воситаларидан фойдаланиш учун ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий жараёнларни тартибга солиш тушунилади.

Ахборот инфратузилмаси деганда ахборотларни ишлаб чиқиш, тизимлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун зарур бўлган турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуи тушунилади. Бу мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар тизимидан иборатдир.

Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) деганда, хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар, қоидалар ва технологиялардан фойдаланишни таъминловчи ахборотлар билан боғлиқ соҳалар мажмуаси тушунилади. АКТ микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият

соҳаларини тартибга солувчи расмий ва норасмий қоидаларни қамраб олади.

Ахлат деганда, супуриш-сидириш натижасида тўпланган ифлос нарсалардан иборат ташландиқлар мажмуи тушунилади.

Ашё деганда, бирор нарсага қарашли, шунга оид буюмлар тушунилади. **Хом ашё** ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотлар тайёрлаш учун фойдаланиладиган нарсалар тушунилади.

Аэровокзал деганда, аэропортларда ҳаво транспорти йўловчиларига хизмат кўрсатадиган бино ёки бинолар мажмуи тушунилади.

Аэродром деганда, самолётларнинг учishi ва қўниши учун керакли бўлган барча нарсаларни ўзида жамлаган кенг майдон тушунилади.

Аэрология деганда, инсон организмга ҳавонинг таъсирини ўрганишга қаратилган фан тушунилади. Унинг замирида аэротерапия вужудга келган.

Аэронавигация деганда, учish аппаратларини тегишли асбоб ва воситалар ёрдамида белгиланган йўлдан боришини кўрсатадиган воситалар тушунилади.

Аэропорт деганда, ҳаво транспортининг мунтазам қатновини ташкил қилиш учун лозим бўлган барча иншоот ва жиҳозларни ўзида мужассам этган самалётлар ва бошқа учувчи транспорт воситаларининг учishi ва қўнишини таъминлайдиган махсус жой ва қурилмалар мажмуи тушунилади.

Аэротерапия деганда, ҳавонинг таъсиридан фойдаланган ҳолда даволаш ва соғломлаштиришга қаратилган даволаш йўллари тушунилади.

Акида деганда, одамларнинг бирор нарсага тўғри ёки нотўғри эканлигидан қатъи назар, унга ишонч билан эътиқод қилиши тушунилади.

Ақиқа деганда, оилада янги меҳмон, яъни чақолоқ дунёга келганда 7 ёки 14 ёхуд 21 кун бўлганда ўтказиладиган маросим, марака тушунилади.

Ақонд деганда, одамлар ўртасида эътиқод қилинадиган ақидалар ва қоидалар мажмуи тушунилади.

Ақча деганда, ҳозирги пулнинг олдинги номи тушунилади.

Аҳамият деганда, инсонлар, жамоалар, жамият ва давлатнинг фаолиятида жуда муҳим бўлган предметлар, ҳодиса ва жараёнлар тушунилади.

Аҳднома деганда, иккита бир-бири билан тижорат ёки бошқа муносабатларда келишиши керак бўлган кишиларнинг ўртасида турилган расмий шартнома тушунилади.

Аҳил жамоа деганда, ўзаро тотув, бир-бирига адоват йўқ, ҳаммаси ўз ўрнини биладиган, вазифасига виждонан ёндошадиган, бир-бирига иноҳ ва бир-бирини самимий ҳурмат қиладиган меҳнат жамоаси тушунилади.

Аҳоли даромадлари деганда, алоҳида шахс ёки оила (уй ёки хонадон ҳўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғим, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга сарфланадиган пул ва натурал маблағлар мажмуи тушунилади.


Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш деганда, давлат томонидан аҳолига ҳаёт кечириши учун тегишли шарт-шароитларни яратишга қаратилган мақсадли йуналтирилган барча қафолатлар тизими тушунилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш деганда, аҳолини бозор муносабатларининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш, шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Аҳолининг реал даромадлари деганда, нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати тушунилади.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш деганда, мулкчилик шаклларида ва бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий тузулишидан қатъи назар, бирлашма, корхона, ташкилот, ҳўжалик юритувчи бошқа субъектлар, шунингдек, фуқароларга уларнинг шахсий буюртмалари асосида яқка тартибда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган хусусий шахслар томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар мажмуи тушунилади.

Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси – узок муддатли ижтимоий-иқтисодий дастурлар, республикани ва унинг



минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади, аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, муҳандислик, транспорт ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, тарихий-маданий мерос объектларини сақлашга, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Аҳоли пул даромадлари деганда, иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоииз, дивиденд, рента шаклида олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган пул даромадлари тушунилади.

Аҳолининг реал даромадлари деганда, нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати тушунилади.

Аҳолининг турмуш даражаси деганда, кишиларнинг иқтисодий ва интеллектуал имкониятларини ишга солишга қаратилган, уларнинг моддий, маиший, маънавий ва маърифий эҳтиёжларини муттасил қондириб борилиши натижасида ҳаёт сифатини ифода этувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ва кўрсаткичлар мажмуи тушунилади.

Б

Багаж автомобили деганда, йўловчиларнинг багажларини (юкларини) ташишга мўлжалланган автомобиль тушунилади.

Багаж (юк) деганда, жўнатиш учун идишга жойланган ва йўловчи томонидан транспорт воситаларида олиб кетиладиган буюмлар (юклар) тушунилади.

Багаж квитанцияси деганда, багажни ташиш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи махсус тасдиқланган шаклидаги ҳужжат тушунилади.

Багажхона (юкхона) деганда, транспорт воситаларида ташиш жараёнида багажларни (юкларни) сақлашга мўлжалланган махсус жой тушунилади.

Базель қўмитаси талаблари деганда, банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмун бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайдиган талаблар тушунилади.

Бандлик деганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, даромад келтирадиган меҳнати билан шуғулланадиган фаолияти тушунилади.

Бандлик хизмати деганда мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширувчи ва фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаб берувчи давлат хизмати тушунилади.

Банк активлари деганда, банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи тушунилади. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта кўринишидаги маблағларидан иборат.

Банк депозитлари деганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари тушунилади.

Банк капиталининг етарлилик даражаси деганда, жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши ва ундан кам бўлмаган миқдор тушунилади.

Банк операциялари деганда, товар-пул муносабатларини амалга ошириш учун маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича қилинадиган операциялар тушунилади.

Банк тизимининг ликвидлиги деганда, банкнинг ўз мажбуриятларини ўз маблағлари билан ўз вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти тушунилади.

Банк фойдаси (маржа) деганда, бир ҳисобот даври давомида олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ тушунилади.

Банк фойда нормаси деганда, банк соф фойдасининг ўз капиталига нисбатининг фойдаси ифодаси тушунилади.

Банклар деганда, товар-пул ва кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи махсус давлат ва нодавлат тижорат муассасалар тушунилади.

Банклар ликвидлиги деганда, банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти тушунилади. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Банкларнинг кредит портфели деганда, тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси тушунилади. Улар қуйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларининг маълум санага ссуда счетиларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиги) ҳисобланади.

Банк-молия тизимининг барқарорлиги деганда, банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиш қобилиятининг мавжудлиги тушунилади. Бу ҳолатни баҳолаш учун банкларнинг ликвидлигини, капиталнинг етарлилигини, активлар сифатини, банклар рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Банкрот деганда, хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган хўжалик юритувчи субъект тушунилади. Унинг луговий маъноси – қарзини тўлашга қурби етмай қолган, синган касб-ҳунар эгаси ёки корхона.

Баркамол сўзига Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли лугатида иккита тушунча берилган. 1. Жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга эришган, вояга етган. 2. Етукликка эришган, камол топган, беками кўст, мукаммал.

Баркамол авлод деганда, жисмоний соғлом, маънавий етук ва ақлий жиҳатдан камолотга эришган билимдон, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган келажак эгалари бўла оладиган бугунги даврнинг етук ёшлари (ўғил ва қизлари) тушунилади.

Барқарор иқтисодий ўсиш деганда, реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати 5,0 %дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилиши тушунилади.

Барқарорлик деганда, турли ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиши ва ривожланишининг бир маъромда таъминланиши тушунилади. Ушбу ўзгаришларга ички ва ташқи омиллар таъсир этиши билан кескин ўзгаришлар юз бермайдиган ўзига хос муайянлик ҳолати тушунилади.

Баҳоли рақобат деганда, рақобатчиларнинг бир хил сифатдаги товар (иш, хизмат)ларига нисбатан кам баҳода сотиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни тушунилади.

Баҳосиз рақобат деганда, баҳони инобатга олмасдан маҳсулот (иш, хизмат) нинг сифатини ошириш, илғор технологияларни жорий қилиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни тушунилади.

Билиш туризми деганда, саёҳатчиларнинг бирор объектга қизиқиши туфайли, уларни ўрганиш ва идрок этиш учун қилинган туристик саёҳат тушунилади.

Бизнес деганда, бизнес субъектлари томонидан даромад (фойда) олишга қаратилган, қонунга асосланган фаолият (тадбиркорлик) тури тушунилади.

Бизнесмен деганда, даромад (фойда) олиш мақсадида қонун доирасида бизнес билан шуғулланувчи, мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олган таваккалчилик ва ташаббускорлик билан иш юритувчи шахс тушунилади.

Бизнес муҳити деганда, бизнеснинг барча турлари билан шуғулланувчи субъектларга ўз фойдасини кўпайтиришга қаратилган, ҳамма учун бир хил шарт-шароитлар яратилган эркин фаолиятни таъминлайдиган ҳолатнинг мавжудлиги тушунилади.

Биологик хилма-хиллик деганда, экологик тизимнинг таркибий қисми бўлган ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар ҳамда уларнинг япashi билан боғлиқ муҳит тушунилади.

Биотерроризм деганда, биологик йўл ва усулларни қўллаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини ва атмосфера ҳавзасини заҳарлаш хавфини туғдириш натижасида аҳоли ўртасида воҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадида қилинган зўравонлик ҳаракатларини амалга ошириш тушунилади.

Биозкология деганда, жонли организмларнинг (инсонлар, ҳайвонот олами, қушлар каби) бир-бирига таъсирини ўргатадиган таълимот тушунилади.

Бирлаштирилган архив фонди деганда, бир-бири билан тарихий ва/ёки мантикий алоқаларга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ ташкилотлар, шунингдек, ўзаро тарихий ва/ёки мантикий боғлиқ алоқаларга эга бўлган фуқароларнинг фаолияти жараёнида пайдо бўлган архив ҳужжатларидан иборат архив фонди тушунилади.

Бозор деганда, харидор ва сотувчилар ўртасида товарлар (иш, хизматлар)нинг олди-сотди жараёни содир бўладиган жой тушунилади.

Бозор иқтисодиёти деганда, эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополияни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган, талаб ва таклиф ҳамда турли қонун ва қонуниятлар асосида бошқариладиган иқтисодий тизим тушунилади.

Бозор конъюктураси деганда, муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик ўзгариб турадиган иқтисодий вазият тушунилади. Бу қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришдаги ўзгаришлар; қурилиш қўлами ва динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Бозор рақобати деганда, ҳар бир субъектнинг бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида қиладиган ҳаракатлар жараёни тушунилади.

Больнеология деганда, сувнинг одам организмга таъсирини ўрганадиган фан тушунилади. Бундан келиб чиққан ҳолда больнеотерапия шакллланган. Больнеотерапия - минерал сувларни даволаш мақсадида қўллаш усуллари ўргатади.

Бошқарув меҳнати деганда, жамоани сафарбар қиладиган, тегишли қарорлар қабул қилиб, уларнинг бажарилишини амалга оширишни таъминлайдиган бошқарув ходимларнинг бажарадиган меҳнати (ишлари) тушунилади.

Бошқарув усули деганда, ҳар бир субъектнинг ўз вазифасини бажаришда қўллайдиган усуллар мажмуи тушунилади. Булар икки гуруҳга бўлинади: маъмурий бошқарув (мажбурлаш ва қуруқ

вадалар билан ишонтириш йўли билан) ва иқтисодий бошқарув (қилинган меҳнатининг натижасига қараб рағбатлантириш йўли билан)

Бошқарув усулларини модернизациялаш деганда, бутун жараёни (ишлаб чиқариш, технологик, хизмат кўрсатиш, назорат, инновация каби) бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда бошқариш тушунилади.

Буйруқ деганда, ташкилот, муассаса, корхона, ҳарбий қисм кабиларнинг бошлиғи, раҳбарининг ўз тасарруфидаги ташкилот, муассаса, корхона бўйича чиқарадиган расмий фармойиши, амри ва шундай фармойиш ёзилган қоғоз тушунилади. Буйруқ ташкилотнинг расмий ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Хизматнинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида буйруқлар оғзаки шаклда ҳам берилиши мумкин.

Бунгало деганда, енгил метал ёки бошқа материаллардан қурилган айвон билан ўралган, асосан ёз мавсумига мўлжалланган бир қаватли турар жой, уй тушунилади.

Буюмлашган меҳнат деганда, ўтган даврда сарфланган меҳнат бўлиб, унинг натижасида меҳнат воситалари, меҳнат премерлари ва тайёр маҳсулотлар яратилиши тушунилади.

Бюджет деганда, муайян вақт учун ишлаб чиқилган, меёрлаштирилган ва қонуний тарзда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси тушунилади. Бунинг оилавий бюджетдан тортиб давлат бюджетигача турлини ўз ичига олган кўплаб шакллари мавжуд.

Бюджет дефицити деганда, бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик тушунилади.

Бюджет профицити деганда, бюджет даромадларининг бюджет харажатларига нисбатан ошиб кетиши натижасида вужудга келган ортиқча маблағнинг вужудга келиши тушунилади.

В

Вагон деганда, темир йўл транспортида йўловчи ёки юк ташиш хизматларини амалга оширишга мўлжалланган, локомотив ёки бир-бирига таркаладиган гилдиракли темир йўлда юрадиган транспорт воситаси тушунилади. Айрим темир йўлдан ташқари йўлларда

махсус қурилмаларда ташиладиган уй вагонлар ҳам мавжуд. Улар туристларга мавсумий хизмат қилади, айрим ҳолларда бошқа вақтинчалик кўчма уй вазифасини ҳам бажаришга мўлжалланган.

Вазирлик деганда, конституциявий давлатларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий ҳаётнинг йирик тармоғига раҳбарликни амалга оширадиган ва унинг бугунги ва келгуси тақдирига жавоб берадиган марказий бошқарув давлат органи тушунилади.

Вазирлар Маҳкамаси деганда, Ўзбекисон Республикаси (ЎзР)нинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларини бажаришга қаратилган ЎзР Қонунлари, ЎзР Олий Мажлиси қарорлари, ЎзР Президентининг Фармон, Қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминловчи ижро этувчи давлат ҳокимияти тушунилади.

Ваколат деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳокимиятдан фойдаланиш ҳуқуқ ва имкониятлари тушунилади.

Вакансия деганда, корхонанинг штат жадвали бўйича банд қилинмаган иш ўрни тушунилади.

Вакцина деганда, туристларнинг бошқа мамлакатларга боришидан олдин турли юқумли касалликларни орттириб келмаслик чораси сифатида қўлланиладиган дори воситаси тушунилади. Уни турли касалликларнинг олдини олиш учун туристларни эмлашда ишлатишга мўлжалланган. Ундан юқумли касалликлар эпидемияси пайтида ҳам профилактика (сакланиш) учун ҳам фойдаланилади.

Вакцинация деганда турли юқумли касалликларнинг олдини олиш учун турли тиббий препаратлар, яъни вакциналар билан эмлаш тушунилади.

Валеология деганда одамларнинг соғлигини сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча фанларнинг (тиббиёт, экология, этика, психология, социология, философия, педагогика каби) уйғунлигида ривожланадиган фан тушунилади.

Валюта деганда, ҳар бир давлатларнинг ўз ҳудудида эркин алмаштирилишга мўлжалланган пул бирлиги тушунилади. Мамлакатимизда у сўмда ифодаланади. Халқаро валюта сифатида АҚШ долларидан фойдаланилади ва ҳ.к.

Валюта айрибошлаш деганда, мазкур мамлакат конвертацияланган валютасининг бошқа мамлакат валютасига чекланмаган миқдордаги айрибошлаши тушунилади.

Валюта алмашув пунктлари деганда, бир мамлакат валюта-сининг бошқа мамлакат валютасига белгиланган нархда алмаштирадиган банкларнинг валюта алмаштириш шахобчаси тушунилади.

Валюта бозори деганда, хорижий валюталарнинг бир-бири билан белгиланган нархларда эркин алмаштириш билан боғлиқ муносабатларни амалга оширишга мўлжалланган жой тушунилади.

Валюта демпинги деганда, миллий валютанинг ички бозорга нисбатан ташқи бозорда арзон сотилиши тушунилади. Бунда экспортёрлар товарларни паст ички нархларда сотиб олиб, ташқи бозорда анча қадрлироқ валютага сотиш эвазига фойда кўришга эришади.

Валюта назорати деганда, миллий ва хорижий валюталарни чегарадан олиб ўтишда белгиланган нормаларга амал қилиш даражасини текшириш амалиёти тушунилади.

Валюта паритети деганда, давлат қонуни ва ҳукуматлараро келишув асосида валюта қийматларини белгилаш тушунилади. 1978 йилгача олтин миқдори билан белгиланган. 1979 йилдан бошлаб Халқаро валюта фонди уставига кўра белгиланади.

Валюта ҳисоби деганда, корхона, фирма ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари хорижий (конвертацияланган валюта) шаклида сақланиши тушунилади.

Валютанинг конвертацияси деганда, миллий валютанинг хорижий пул бирликларига белгиланган расмий валюта курсига мувофиқ эркин алмаштириш тушунилади.

Вальвация деганда, хорижий мамлакатлар валютасини миллий валютага таққослаб баҳосини билиш тушунилади.

Вандализм деганда, турли ўсимликлар ва бошқа жониворларнинг ўсиб ривожланиш даври тушунилади.

Ваучер деганда, товар, хизматлар, реклама кабиларнинг босма матбуотда эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тушунилади.

Веб-Сайт деганда, интернетдан фойдаланувчига зарур бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, шахсий, тижорат кабилар билан боғлиқ ахборотларни топишмумкин бўлган жой (саҳифа) тушунилади.

Веб-Саҳифа деганда, браузер ёрдамида тамоша қилиш учун очиқ бўлган битта саҳифа ёки битта ҳужжат тушунилади.

Вегетация даври деганда, бирор дарахт, ўсимлик ва шу кабиларнинг ривожланиш, ўсиш даври тушунилади.

Ведомость деганда, бирор гуруҳ кишилар, ходиса ва жараёнлар тўғрисида қайднома, рўйхат тушунилади.

Вексель деганда, муайян суммадаги қарзларни белгиланган муддатда пул, чек ва бошқа тўлов воситалари ўрнида қўлланиладиган, қонун билан белгиланган кредит ҳужжати тушунилади.

Вексель курси деганда, хорижий давлатлар вексел қийматининг маҳаллий валютада баҳоланиши тушунилади.

Вексель ҳуқуқи деганда, ўз мажбуриятларини вексель ёрдамида расмийлаштирган шахслар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи ва тартибга солувчи номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи тушунилади.

Венчур корхоналар деганда, давлатнинг, йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, муҳандислик ишланмаларини, инновацияларни яратиш ва жорий этиш билан шуғулланадиган корхона, ташкилот ва муассасалар каби субъектлар тушунилади.

Венчур операциялари деганда, инновациялар, илмий-техникавий ишланмалар ва ихтироларни молиялаштириш билан боғлиқ банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар тушунилади.

Венчурли капитал деганда, инновация ва бошқа техника ва технологияларни жорий қилишни молиялаштиришда юқори таваккалчилик даражасига эга бўлган капитал тушунилади.

Венчурли фирма деганда, инновация, илмий техник, муҳандислик ишланмаларни, янги ғояларни таваккалчилик асосида молиялаштирадиган субъектлар тушунилади.

Вербаль деганда, томонларнинг оғзаки шартномалари ва бир-бирига берадиган ахборотлари тушунилади.

Верификация деганда, ходиса ва жараёнлар акс этган ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар ва бошқаларнинг аниқлиги ва тўғрилигини текшириш тушунилади.

Вертикал диверсификация деганда, корхонанинг янги флиалларини, қўшма ва шўъба корхоналарини очиш, янги товарларни ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш), янги бозорларни топиш эвазига олдинги ҳолатини кенгайтириш тушунилади.

Вертикал интеграция деганда, битта корхонанинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида иккинчи корхона билан

қўшилиши тушунилади. Буларга ҳозирги пайтдаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги кластерларни мисол келтириш мумкин.

Вето деганда, қандайдир бир органнинг қарорини тўхтатиб қўядиган ёки унинг кучга киришига йўл қўймайдиган ҳаракат тушунилади.

Виждон эркинлиги деганда, фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи тушунилади.

Виза деганда, хорижга чиқиш учун паспорт ёки бошқа ҳужжатга чет давлатларга бориш ва ундан қайтиш учун расмий ташкилотлар (элчихоналар, консулликлар) томонидан берилган розилик белгиси тушунилади.

Визит деганда, бирор давлатга ёки бирор кишини кўриш учун ташриф тушунилади.

Визит қоғози (карточкаси) деганда, шахс ҳақида батафсил маълумот жойлаштирилган унча катта бўлмаган тегишли жойларга ташриф учун рухсат бериладиган қаттиқ қағоз тушунилади.

Виртуал банк деганда, миқозларга интернет тармоғи орқали махсус дастурлар таъминотидан фойдаланиб хизмат кўрсатишни амалга оширадиган банк тушунилади.

Виртуал бозор деганда, сотувчилар ва харидорлар бир-бири билан олди-сотди муносабатларини компьютер ва бошқа ахборот технологиялари орқали амалга оширадиган электрон тижорат тушунилади.

Виртуал ташкилот деганда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқ мақсадларни амалга ошириш мақсадида келишилган тартибда биргаликда фаолият кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Волюнтаризм деганда, шахснинг ўз субъектив иродасига таянган ҳолда, жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини инкор қилиб, имконият ва шароитларни инобатга олмасдан фаолият кўрсатиши тушунилади.

Воситачи деганда, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида, уларнинг олди-сотди муносабатларига кўмаклашадиган шахс (юридик, жисмоний) тушунилади.

Воситачиларсиз тўғридан-тўғри сотиш деганда, тавар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқарувчилар томонидан почта, интернет

орқали тўғридан-тўғри жўнатиш орқали чакана сотувчиларни четлаб ўтган ҳолда сотиш тушунилади.

Вотум латинча сўздан келиб чиққан бўлиб хоҳиш, ирода маъноларини англатади. Вотум кўп ҳолларда бошқарувнинг парламентар шаклида қўлланилади. У ишонч вотуми (бирор ташкилотнинг сиёсий йўли ёки қонун лойиҳасини маъқуллаш) ва ишончсизлик вотумидан (бирор ташкилотнинг сиёсий йўли ёки қонун лойиҳасини маъқулламаслик) иборат.

Г

Галотерапия деганда, нафас олиш йўлларини даволашга мўлжалланган микроклимни ҳосил қилувчи тузли муҳитли ғорларда даволаш тушунилади.

Гаров деганда, олинган қарз, берилган ваъда ёки бошқа мажбуриятларни бажариш учун қолдирилган омонот ҳамда шартнома асосида қўйилган қарз миқдорига мос мулк тушунилади.

Гаров шаҳодатномаси деганда, тижорат операцияларини амалга ошириш ва қарзлар учун гаровга қўйилган омонот (мол-мулк)нинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжат тушунилади.

Гелиология – одам организмга қуёш таъсирини ўрганадиган фан. Ушбу фан замирида гелиотерапия вужудга келган.

Гелиотерапия деганда, даволаш ва соғломлаштириш мақсадида қуёш нурининг таъсиридан фойдаланиш йўлларини ўргатадиган фан тушунилади.

Геосиёсат деганда, давлатларнинг ташқи сиёсатини амалга оширишга қаратилган, маълум бир давлатнинг жойлашуви билан боғлиқ бўлган (давлатнинг катта-кичиклиги, денгизга яқин ёки узоқлиги, унинг қандай давлатлар билан чегараланганлиги, халқаро йўл-коммуникацияларнинг ўтиши, тупроғининг серҳосиллиги каби) географик омиллар мажмуи тушунилади.

Геоэкология деганда, инсон организмга таъсир қиладиган жонсиз атроф-муҳитни ўрганишга қаратилган таълимот тушунилади.

Гид деганда, маълум ҳудуднинг табиий, тарихий ва маданий обидаларини туристлар ва сайёҳларга изоҳлаб берадиган тегиншли тайёргарликдан ўтган махсус ходим тушунилади.

Гид-таржимон деганда, хорижий туристларга мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатиб унинг тарихини тўлиқ

айтиб бера оладиган, хорижий тилларни мукаммал биладиган махсус тайёргарликдан ўтган ходим тушунилади.

Гид-экскурсиячи деганда, махсус сертификатга (гувоҳномага), ўша ҳудуд бўйича барча ахборотларга эга бўлган, туретларга турли сайёҳлик, ташкилий-ахборот хизматларини кўрсатадиган, тур иштирокчиларига шартнома асосида профессионал хизматни ташкил қила оладиган ходим тушунилади.

Гидротерапия деганда, сув билан даволашга мўлжалланган махсус муолажа тушунилади.

Гиперинфляция деганда, товар-пул муносабатларининг издан чиқиш, тўлов айланмасининг бузулиши натижасида пул бирлиги кескин қадрсизланиши оқибатида товарлар нархи ва пул массасининг назоратсиз ошиб кетишига олиб келадиган омиллар мажмуи тушунилади.

Гипермаркет деганда, маҳобатли ва улкан бинога жойлашган бўлиб, 3000 м² ва ундан кўпроқ майдонга эга бўлган супермаркет тушунилади.

Гипотеза деганда, табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларни умумлаштириш ва баҳолаш учун илгари суриладиган ғоя ва мулоҳазалар мажмуи тушунилади.

Гистограмма деганда, маълумотларнинг график кўринишида ифодаланган шакли тушунилади.

Глобал деганда, бутун жаҳон мамлакатларига тегишли бўлган биологик, ижтимоий, иқтисодий каби ҳодиса ва жараёнлар мажмуи тушунилади.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор деганда, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона ҳўжалик тарзида амалга оширилишига асосланган молиявий-иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз деганда, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида молиявий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мутаносиблик ва муносабатларнинг кескин издан чиқиши натижасида барча мамлакатларда бир вақтнинг ўзида беқарорлик ва чуқур танглик ҳолатининг вужудга келиши тушунилади.

Глобаллашув деганда, ҳодиса ва жараёнларнинг ер шарни миқийёсида бир бутун тарзда қурралашуви (қамраб олиши) тушунилади.

Горизонтал диверсификация деганда, корхонанинг олдинги кўллаётган технологиясидан бошқа ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологияни кўллаб, уларни кенгайтирган ҳолда ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) йўлга қўйиши тушунилади.

Горизонтал интеграция деганда, маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳар қандай вазиятда биргаликда гуруҳланиши тушунилади. Масалан, бирор нарсанинг тўлиқ бўлиши учун турли ишлаб чиқарувчилардан тўплаб яхлит ҳолга келтирилишини (компьютер жамламасини) олиш мумкин.

Горизонтал маркетинг деганда, битта бозорда фаолиятини амалга ошираётган турли компаниялар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик тушунилади.

Грант деганда, илмий-тадқиқот, конструктор, ташкилий, технологик каби ишларни амалга ошириш мақсадида давлат, хорижий мамлакатлар ёки алоҳида юридик ва жисмоний шахслар томонидан маълум миқдорда ҳақ тўлаш эвазига буюртма бериш тушунилади.

Гудвил деганда, фирманинг номоддий активларидан бири бўлган ишбилармонлик обрў-эътибори, емирилмайдиган асосий капитали тушунилади.

Д

Давлат бошқаруви деганда, давлат органларининг амалдаги қонунлар асосида ташкиллаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти тушунилади. Мазкур бошқарув тизимининг қонунийлигини халқ депутатлари ва жамоатчилик томонидан назорат қилиб борилади. Энг кучли ва таъсирчан назорат жамоатчилик назорати бўлиб ҳисобланади.

Давлат буюртмаси деганда, танлов асосида у ёки бу товарларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш учун давлат вакиллариининг корхоналар (фирмалар) билан тузиладиган шартномаси тушунилади.

Давлат бюджети деганда, давлат даромадлари ва харажатларининг молиявий режаси тушунилади. У даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат бўлиб, ЎЗР Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва ҳар йили бир марта тасдиқланади.

Давлат бюджети профицити деганда, давлат бюджет даромадларининг бюджет харажатларига нисбатан кўпроқ бўлиши

натижасида вужудга келган молиявий ресурслар ортиқчалиги тушунилади.

Давлат бюджети таҳчиллиги деганда, бюджет харажатларининг бюджет даромадларига нисбатан ошиб кетиши натижасида молиявий ресурслар етишмовчилигининг вужудга келиши тушунилади.

Давлат кредити деганда, аҳоли, фирма, корхона, ташкилот, тижорат банклари кабиларнинг давлатга (заёмларни маълум муддатга олиш ёки харид қилиш шаклида) қарз бериши тушунилади.

Давлат органи деганда, давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат номидан иш кўрадиган, унинг манфаатини қўриқлайдиган, давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий каби сиёсатини амалга оширадиган субъект тушунилади.

Давлат солиқлари деганда, ваколатли органлар томонидан белгиланган давлат (маҳаллий) бюджетга тегишли миқдор ва муддатларда юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш деганда, давлат мулкидаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва сотиш натижасида нодавлат мулки шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш ва хусусий мулк эгаларига бериш тушунилади.

Давлатнинг ташқи қарзлари деганда, чет эл кредиторлари томонидан берилган халқаро молиявий қонучиликка асосланган ҳолда давлатнинг олган қарзлари суммаси тушунилади.

Даромад деганда, фирма ва компанияларнинг товарлар, иш ва хизматларни сотишдан олган соф тушумлари тушунилади.

Даромад солиғи деганда, фуқароларнинг ҳар ойда иш ҳақидан ушлаб қоладиган солиқ суммаси тушунилади. У аҳолининг декларацияси бўйича бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинadиган мажбурий тўлов (солиқ) шаклида ҳам намоён бўлади.

Даромад солиғи ставкалари деганда, аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинadиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари тушунилади.

Дебитор деганда, юридик ёки жисмоний шахслардан қарздор бўлган корхоналар, ташкилотлар каби хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Дебитор қарздорлик деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа субъектлардан ундириб олиши лозим бўлган қарз суммасининг миқдори тушунилади.

Девальвация деганда, миллий валюта курсининг олтин стандарт қийматига ва бошқа валюта курсларига нисбатан камайиши тушунилади.

Дезинфляция деганда, рецессия даврида сотувларнинг камайиши оқибатида нархларнинг ҳам ўсиш суръатининг пасайиши тушунилади.

Декорт деганда, олинадиган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлар учун олдиндан ҳақ тўланганлиги ёки уларнинг сифати шартномада кўзда тутилганига нисбатан пастлиги туфайли белгиланган нарх миқдоридан чегирма бериши тушунилади.

Декувер деганда, мол-мулк баҳоси ва суғурта суммаси ўртасида суғурта қилувчилар зиммасида қолдириладиган фарқ тушунилади.

Демаркетинг деганда, маълум маҳсулот, хизмат ва ишлардан фойдаланишни чалғитишга қаратилган маркетинг амалиёти тушунилади. Масалан, спиртли ичимликлар, сигарета каби зарарли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг ёмон оқибатларга олиб келишини қайд қилиш.

Демографик муҳит деганда, аҳолининг сони, зичлиги, жинси, ёши, ирқи, касбий йўналиши каби кўрсаткичлар мажмуи тушунилади.

Демографик сегментлаш деганда, бирорта маҳсулотнинг истеъмолчиларини демографик жиҳатдан турли категорияларга (аҳолининг жинсий таркиби, ёши, касби кабилар бўйича) бўлиш тушунилади.

Демократик онг деганда, кишиларнинг озодлик, эркинлик, ижтимоий адолат, фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик ва мулоҳазалар эркинлиги ҳақидаги ҳис-туйғулари, қарашлари, ғоялари, назарияларнинг мажмуи тушунилади. Демократик онг ҳам янги ҳодиса, аммо чуқур тарихий илдизларга эга. Халқнинг озодлик, эркинлик, адолат, ошкоралик, мулоҳазаларининг хилма-хиллиги ҳақидаги ўзига хос интилишлари, қарашлари удумлари асосида бундай онгнинг тарихий заминлари шаклланган ва ривожланади.

Демократик парламентаризм деганда, демократик сайловлар асосида ташкил этилган парламент бўлиб, унинг фаолиятини демократик тамойиллар асосида амалга ошириш жараёnlари тушунилади.

Демократик тамойиллар деганда, халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда фойдаланадиган, яъни ҳокимият ва бошқарув органлари чиқарган қарорлардан халқнинг хабардорлиги, ушбу қарорлар бажарилиши устидан халқнинг назорати, қонун ва қарорларни қабул қилишда халқнинг иштирокининг таъминланишига қаратилган асосий тамойиллар мажмуи тушунилади.

Демократия деганда, халқнинг ўзини-ўзи маълум тартиб ва қонун-қоидаларга таянган ҳолда бошқариш тамойилига асосланган ҳокимияти тушунилади.

Демократиянинг асосий хусусиятлари деганда, барча демократик давлатлар учун бир хил бўлган эркин сайловларнинг амалга оширилиши, сиёсий партияларнинг мавжудлиги, давлатнинг халқ томонидан назорат этилиши, конституцион ҳукуматнинг фаолият кўрсатиши ва хусусий секторнинг (ташкilotларнинг) мавжудлиги тушунилади.

Демократия шакллари деганда, билвосита (вакиллик) демократияси ва бевосита демократияларнинг мавжудлиги тушунилади. Бевосита демократия деганда, давлат ва жамоат ишларида аҳолининг вакиллари орқали иштирок этиши тушунилса, бевосита демократияда эса, ҳар бир фуқаро давлатни бошқаришда шахсан иштирок этиши, қонун лойиҳаларида, референдум, фуқаролар йиғинларида ёки давлат органларига таклифлар киритишдаги иштироки орқали амалга оширилиши тушунилади.

Демпинг деганда, маълум товарлар бўйича ташқи бозорни эгаллаш ва рақобатбардошликни мустаҳкамлаш мақсадларида уларни ташқи бозорда ички бозордаги нархларига нисбатан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст баҳога сотиш тушунилади.

Денонсация деганда, томонларнинг шартномадан соз кечиши тушунилади.

Депозит деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг оборотдан ортиқча пул ва қимматли қоғозларини шартнома асосида банкларда сақлаш учун қўйиш тушунилади.

Депозитарий деганда, қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга тегишли бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиб бориш хизматларини кўрсатувчи юридик шахс тушунилади.

Депозит сертификати деганда, кредит муассасасининг омонотчига депозитга қўйилган пул ёки қимматли қоғозлар учун берилган ёзма гувоҳномаси тушунилади.

Депонент деганда, банк муассасаларига қўйилган депозит эгаси бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Депорт деганда, қимматли қоғозлар баҳосининг пасайиши натижасида курсдаги фарқни қўлга киритишни мўлжаллаб фонд биржасида тузиладиган муддатли битим тушунилади.

Депрессия деганда, иқтисодий инқироздан кейинги келадиган иқтисодий ривожланиш фазаси тушунилади.

Дефицит деганда, бирор неъматнинг талабга нисбатан етишмаслиги тушунилади. Товар дефицити – товарнинг талабга нисбатан етишмаслиги. Бюджет дефицити – бюджет маблағларининг харажатларни тўлиқ қоплаши учун етишмаслиги.

Дефлятор деганда, товарнинг реал баҳоси билан жорий нархлар ўзгаришини қайта ҳисоблаш учун қўлланиладиган нархлар индекси тушунилади.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus* - ҳар хил ва *facere* - қилмоқ, бажармоқ). Диверсификация деганда, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтиришга қаратилган ҳаракат тушунилади.

Диверсификация стратегияси деганда, корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожлантириш стратегияси тушунилади. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга ва тасоддиқларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва ўз фаолиятини бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкинлигидан иборатдир.

Дивиденд деганда, акциядорлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акциядорларга нақд пул ёки акциялар билан тўланадиган қисми тушунилади.

Диетология деганда, овқатланишнинг одам организмига таъсирини ўргатадиган фан тушунилади. Ушбу фан замирида диетотерапия вужудга келган.

Диетотерапия деганда, овқатланиш орқали одамларни даволаш усуллари билан шугулланадиган даволаш усули тушунилади.

Дилер деганда, қимматли қоғозлар, валюта, қимматбаҳо металллар каби қимматликлар олди-сотдиси билан шугулланадиган профессионал воситачи тушунилади.

Дилинг деганда, бир вақтнинг ўзида савдо, воситачилик ва ишбилармонлик билан боғлиқ комплекс хизматларни кўрсатиш тушунилади.

Дипломатия деганда, давлат ва ҳукмат бошлиқлари ва махсус ташқи алоқа органларининг давлатнинг ташқи сиёсати мақсади ва вазифаларини, чет элларда унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган расмий фаолият тушунилади.

Директор лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, йўналтирмоқ, йўл кўрсатмоқ маъноларини англатади. Корхона нуқтаи назаридан унинг раҳбари (мудири, бошқарувчиси) тушунилади.

Дирекция деганда, корхона, муассаса, ўқув даргоҳларининг директор бошчилигидаги раҳбарлик аппарати тушунилади.

Дирҳам деганда, кумуш пул ва оғирлик ўлчов бирлиги тушунилади. Ҳозир Бирлашган Араб Амирлиги ва Марокаш падшоҳлигида расмий пул бирлиги ҳисобланади. Дирҳам Миср ва Суданда қимматбаҳо металлларнинг ўлчов бирлиги сифатида қўлланилади. 1 дирҳам 3,12 грамга тенгдир.

Диск деганда, ясси доира шаклидаги айланма жихоз тушунилади.

Дисквалификация деганда, ажратиш, маҳрум қилиш, инкорни билдирувчи сўз тушунилади. Масалан, спортда мусобақа қоидаларини техник жиҳатдан бузганлиги туфайли спортчини эришган натижаларидан маҳрум қилиш ёки уни мусобақаларга қатнашишдан вақтинча четлатиш.

Дисконт деганда, товарлар, қимматли қоғозлар каби қимматликларнинг сотиб олиш ва сотиш давридаги нархлардаги фарқи тушунилади.

Дискотека деганда, ёшларнинг мусиқа тинглаш ва рақс тушуши учун мўлжалланган кўнгилочар маскани тушунилади.

Дискриминация деганда, бирор бир миллатни ёки халқни камситиш, уларнинг маълум ҳуқуқларини чеклаш тушунилади.

Дискуссия деганда, бирор масалани тўғри ҳал қилиш учун матбуотда ёки илмий йиғинларда оммавий тарзда эркин муҳокама қилиш тушунилади. Мунозарада хоҳлаган одамнинг иштирок этиши, фикрини эркин ифода этиши чекланмайди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалаларини ҳал қилишда анча мунозарали ва дискуссияга сабаб бўладиган масалалар ҳали жуда кўп.

Дислокация деганда, ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи шахобчаларнинг мамлакат ёки ҳудуд миқёсида, истеъмолчи талабидан келиб чиқиб жойлаштирилиши тушунилади.

Диспансер деганда, айрим касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олишга мўлжалланган махсус ихтисослашган тиббий-профилактик муассаса тушунилади.

Диспропорция деганда, нарсаларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги, ўзаро номутаносиблиги тушунилади. Хизмат кўрсатиш соҳасида режаларнинг ҳақиқий ҳолатга тўғри келмаслиги, талабнинг таклиф билан мос келмаслиги кабиларни мисол келтириш мумкин.

Диспут деганда, бирорта масаланинг ечими бўйича турли бахс ва мунозара қилмоқ тушунилади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини бағишлашда турли мунозаралар айтилиши (диспут бўлиши) мумкин.

Диссертация деганда, илмий даража олиш мақсадида бирорта муаммони тадқиқ қилиш натижасида ёзилган ва махсус илмий кенгаш мажлисида ҳимоя қилишга мўлжалланган ҳамда тегишли талаблар асосида тайёрланган илмий асар тушунилади.

Дистанция деганда, турли нарсаларнинг, субъектларнинг, босқичларнинг ўртасидаги масофа, оралиқ тушунилади. Масофадан ўқитиш, масофадан бошқариш кабиларни мисол келтириш мумкин.

Дифференциация деганда, бир бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажратилиши, бўлиниши, табақаланиши тушунилади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг турли тармоқлар бўйича уларнинг аҳамиятидан ва заруратидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилиши, тадқиқ қилиниши, молиялаштирилиши кабилар.

Дов деганда, бўйи баланд, бели йўгон, бақувват киши тушунилади. Хизматни қойил-мақом қилишга дов йигитлар пайланиб турибдилар.

Дов-дарахт деганда, кўп, турли хил дарахтларнинг мавжудлиги тушунилади.

Довдирлик деганда, телбалик, анқовлик тушунилади. Хизмат кўрсатишда ўта хушёрлик керак. Довдирликка мойил одамларнинг ушбу соҳада ишлаши қийин кечади.

Довон деганда, тоғ ёки тепаликдан ошиб ўтадиган қулай жойи, ошув, бирор мақсадга эришишда мўлжалланган марра тушунилади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улушини 50,0 %га етказиш ва ундан ошириш мақсад қилинган эди. Эндиликда ушбу давондан ошдик.

Доврук деганда, доғи кетган, шон-шуҳрат қозонган, машҳур кишилар, жойлар, мамлакатлар ҳақидаги турли талқинларнинг тарқалиши тушунилади. Туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанднинг доврўғи дунёга тарқалибди.

Довул деганда, войронлик келтирувчи кучли бўрон тушунилади. Довул электр симларини узиши натижасида иссиқлик таъминоти билан боғлиқ хизматларни ишдан чиқариши мумкин.

Е

Евро деганда, Европа Иттифоқи давлатларининг 1999 йил 1 январидан муомалага чиқарилган пул бирлиги тушунилади.

Европа давлатларининг иқтисодий уюшмаси (ЕДИУ) у 1957 йилда Германия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург давлатлардан иборат олти мамлакатнинг келишуви асосида ташкил бўлган. Ҳозир унинг таркибига барча Европа давлатлари аъзо бўлишган.

Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) олти мамлакатни ўз ичига олади: Австрия, Исландия, Норвегия, Финляндия, Швеция ва Швейцария.

Егулик деганда, одамларнинг истеъмол қилишга мўлжалланган ейиладиганозик-овқат маҳсулотлари тушунилади.

Егулик-ичгулик деганда, одамларнинг истеъмол қилиши ва чанқоғини бостиришга мўлжалланган ейиладиган-ичиладиганозик-овқат маҳсулотлари тушунилади.

Ёйилиш деганда, буюмлар сиртининг ўзаро ишқаланиши натижасида емирилиши тушунилади.

Елвизак деганда, қарама-қарши эшик ва деразалар очиқ бўлган вақтда ёки тор ораликдан ўтиб турадиган ҳаво оқими тушунилади.

Елиб-югурмоқ деганда, одамларнинг бирор иш ташвишига у ёқ-бу ёққа тез ҳаракат қилиши тушунилади.

Елим деганда, буюмларни бир-бирига улаш ёки ёпиштиришга мўлжалланган ёпишқоқ модда тушунилади. Ушбу иборани хиралик қилиб ёпишаверадиган шилқим одамга нисбатан ҳам ишлатилади.

Елкадош деганда, ишда, меҳнатда ёнма-ён турадиган, бир ғоя учун бирлашиб курашадиган одамлар гуруҳи тушунилади.

Елпатак деганда, одамнинг атрофида гирдикапалак бўлиб, унинг хизматида елиб-югуриш тушунилади.

Ем деганда, ҳайвонларга бериладиган ғалла маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган озуқа тушунилади.

Емакхона деганда, одамларнинг овқатланадиган жойи, ошхонаси тушунилади.

Емин деганда, одамлар ёки ҳайвонлар учун озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинадиган маҳсулотлари, овқатлиги тушунилади.

Енг деганда, одамлар кийимларининг кўлга кийиладиган қисми тушунилади.

Енгил автомобиль деганда, йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда 8 тадан кўп бўлмаган ўриндиққа эга бўлган автотранспорт воситаси тушунилади.

Енгилтак деганда, оқибатини ўйламай иш қиладиган, енгил табиатли, одобсиз киши тушунилади.

Ер-кўк деганда, бутун атроф, ер ва осмон, бутун коинот тушунилади.

Ерлик аҳоли деганда, шу ернинг ўзида туғилиб ўсган, туб жойлик маҳаллий аҳоли тушунилади.

Етакчи деганда, одамларни бошқарувчи, йўлбошчи, раҳбар киши тушунилади.

Етимхон деганда, ота-онасиз ва қоровсиз қолган болаларни тарбиялайдиган ва ўқитадиган муассаса тушунилади.

Етишмовчилик деганда, бирор ишни қилиш ёки бирор нарсани бажариш учун тегишли нарсаларнинг камчилиги ёки танқислиги тушунилади.

Етук деганда, жисмоний, аклий жихатдан мукаммал ва барча соҳада етарли даражага, малакага эга бўлганкиши тушунилади.

Ечим деганда, масала, муаммо ва шу кабиларнинг жавобининг топилиши ёки одамлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг ҳал бўлиши тушунилади.

Ё

Ёв деганда, одамларнинг бир-бирига қарама-қарши, рақиб томони, душманлиги ва ғанимлиги тушунилади.

Ёввойи деганда, табиат қўйнида эркин ҳаёт кечирадиган, хонакилашмаган ҳайвонлар, парандалар, маданийлаштирилмаган ўсимликлар тушунилади.

Ёвуз деганда, ўтакетган йиртқич, ашаддий душман, ёмон ниятли жохил инсон тушунилади тушунилади.

Ёвғон ош деганда, гўштсиз, зироварларсиз, фақирона суюқ овқат тушунилади.

Ёдгарлик деганда, бирор шахс ёки воқеани эслатиб турадиган совға, хотираси учун тикланган ҳайкал, бюст, меъморий обида тушунилади.

Ёзишма деганда, одамларнинг ўзаро алоқаларини турли хатлар орқали ўрнатилиши тушунилади.

Ёзлик деганда, одамларнинг ёзда яшаш учун бино, кийиниши учун кийим ва шунга ўхшаш иссиққа чидамли ҳамда иссиқдан саловчи нарсалар тушунилади.

Ёзувчи деганда, бадий асар ёзиш билан шуғулланадиган шахс, адиб тушунилади. Шунингдек, одамларни бир-бирига қарама-қарши, рақиб қилиш мақсадида, тўхматларни ёғдириб ёзадиган ифвогарлни ҳам халқимизда шундай атайдилар.

Ёлғиз қўл деганда, уй-рўзғорда, ишда кўмаклашувчи кишиси йўқ одам тушунилади.

Ёлланма меҳнат деганда, мулкдор ёки давлат каби ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан маълум иш ҳақига келишган ҳолда ёлланиб ишлайдиган ходим меҳнати тушунилади.

Ёллаш деганда, одамларни маълум шартлар асосида бирорта ишни бажариш учун пул бериб ишлатмоқ тушунилади.

Ёмонлик қилиш деганда, бирортаодамга душманлик мақсадида, унга нисбатан турли бўҳтонларни тарқатиб, ярамас ишлар билан қабихлик қилиш тушунилади.

Ён-атроф деганда, ёнимиздаги ҳамма нарса ёки тўрт томон тушунилади.

Ёнғокзор деганда, ёнғок дарахти билан банд ер майдони тушунилади.

Ёпирилиб келмоқ деганда, бирор нарсанинг қўшилиб, гала бўлиб ҳужум қилиши, келиб қолиши тушунилади.

Ёпиқ акциядорлик жамияти деганда, акциядорлик жамиятининг акциялари маълум шахслар доирасида тақсимланган бўлиб, уларни очиқ обуна ўтказишга ва очиқ савдога қўйиб сотишга рухсат этилмайдиган жамият тушунилади.

Ёрдамчи деганда, бирор кишига, асосан раҳбарнинг техник ишларига кўмак берувчи, мададкор киши тушунилади.

Ёрдамчи материаллар деганда, бирорта маҳсулотни тайёрлашда асосий материал бўлмаган, аммо унинг сифатини таъминлайдиган тайёр маҳсулотда иштирок этадиган материаллар тушунилади. Масалан, кастюмнинг сифатли бўлиши учун ишлатиладиган тугма.

Ёрдамчи хизматлар деганда, асосий хизматнинг мукамал бўлишини таъминлайдиган хизматлар тушунилади. Масалан, туризм хизматининг мукамал бўлиши учун тилни яхши биладиган гид таржимоннинг мавжудлиги.

Ёритмоқ деганда, бирор нарсани ёзиб баён қилиш билан унинг моҳиятини очиб бермоқ тушунилади.

Ёрма дон деганда, оқланган ва йирикрок ҳажмда майдаланган ғалла маҳсулоти тушунилади.

Ёруғ дунё деганда, ер юзи, олам, тириклик дунёси тушунилади.

Ёруғ кун деганда, бахтли кун, мурод-мақсадга эришган дақиқалар тушунилади.

Ёрқин ҳаёт деганда, бахтиёр, бахтли, нурафшон, тиниқ ва тинч ҳаёт тушунилади.

Ёстик деганда, одамларнинг боши остига қўйиб ётиш, ёнбошлаш ва суяниш учун ишлатиладиган юмшоқ буюм тушунилади.

Ётиб емоқ деганда, бирор жойда ишламай, пул топмай, ўз жамғармаси ёки бировнинг (одатда отасининг) маблағи ҳисобига яшайдиган ҳолат тушунилади.

Ёш категорияси деганда, аҳолини ёшига қараб тақсимланиши (болалар, ўсмирлар, катта ёшдагилар, кексалар, узоқ умр кўрувчилар каби) тушунилади.

Ж

Жалб қилиш деганда, бирор нарсани бажаришга, амалга оширишга бир қанча кишиларни ва боқа воситаларни сафарбар қилиш тушунилади..

Жамият эҳтиёжи деганда, жамиятнинг ривожланиши учун зарур бўлган моддий, маънавий, молиявий, меҳнат ресурслари каби ашёлар мажмуи тушунилади.

Жамланма диверсификация деганда, корхонанинг технологик жараёнларни кескин ўзгартирмасдан олдинги ишлаб чиқарётган товарига (хизматига) ухшаш янги товарни ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) кўпайтириш тушунилади.

Жамлаш деганда, архивни архив ҳужжатлари билан мунтазам тўлдириб бориш мақсадида амалга оширилувчи архив фонди доирасида архив ҳужжатларини фондлаштириш ҳамда ташкил этиш ва жамлаш манбаларидан уларни қабул қилиб олиш мақсадида йўналиши ва даражаси бўйича зарурий архив ҳужжатлари билан тўлдириб боришга доир ишлар мажмуи тушунилади.

Жамоат ташкилоти деганда, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун хоҳиш-иродасини эркин билдириш натижасида бирлашган нодавлат мақомига эга ихтиёрий тузилма тушунилади.

Жамоат транспорти деганда, маълум манзилдан манзилгача маршрутларда қатнайдиган ҳамма манфаатдор бўладиган, транспорт тури тушунилади. Масалан, шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро автобуслар ва бошқа аҳоли фойдаланадиган транспорт воситалари.

Жарима деганда, қонун қоидага амал қилинмасдан бажариладиган ҳаракатлар учун тўланадиган эъзоз тушунилади.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институти. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюнктураси – жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жаҳон бозори рақобати деганда, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг энг қулай ва фойдали вариантларини ахтариш борасида бир қанча мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари ва товар жўнатувчиларининг бир-бирига узвий боғлиқ ва таъсир этувчи иқтисодий жараёнларда иштирок этиши тушунилади.

Жаҳон молия институтлари – жаҳон молиявий ва иқтисодий тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида ушбу жараёнларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқадаган, турли восита ва йўллар билан қўллаб-қувватлайдиган ва тавсиялар берадиган халқаро ва миллий молиявий ташкилотлар.

Жисмоний маданият деганда, ҳаракат билан фаол дам олишни ва жисмоний маданият орқали даволаш йўлларини ўргатадиган усуллар мажмуи билан шугулланадиган фан тушунилади.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматлари деганда, одамлар соғлигини мустаҳкамлашга, жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама баркамол бўлишга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, фаол дам олишга қаратилган хизматларни амалга оширишга сарфланган меҳнатлар мажмуи тушунилади.

Жонли меҳнат деганда, ходимларнинг истеъмоли қийматини яратишга қаратилган жисмоний, ақлий, онгли меҳнатини сарфлаш жараёни тушунилади.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи ва ўзгарттирувчи иқтисодий омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айна даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

3

Завод деганда, товар-моддий бойликлар ва турли ашёларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик корхона тушунилади.

Завқли ҳолат деганда, кишиларнинг бирор нарсадан лаззатланиб, кайфияти кўтарилган вазият тушунилади.

Закалат деганда, бирорта ишни бажариш ёки товарларни беришдан олдин тўланадиган ҳақ, гаров тушунилади.

Закот деганда, шариатга мувофиқ, рўза пайтида пулдор, бадавлат мусулмонларнинг ўзига қарашли бир йиллик мол-

мулкидан қирқдан бир улуши миқдорида бева-бечораларга бериладиган хайр-садақаси тушунилади.

Замон деганда, бирор муҳим ўзига хос ҳодиса, тарихий воқеа рўй берган ёки бирорта шахс, сулоланинг ҳукумронлик қилган вақти, даври тушунилади.

Замонавий деганда, ҳар бир даврга мос ва шу давр учун илғор ва самарали жиҳатлар тушунилади.

Замонавий бозор деганда, бугунги давр талабига жавоб берадиган ва шу давр учун илғор ва самарали бўлган турли бозорлар тушунилади.

Замонавий демократия деганда, катта жамоаларда, йирик шаҳарларда, барча халқни бир жойга йиғиб масала ҳал этишга имкони йўқлиги туфайли уларнинг вакиллари иштирок этадиган демократик тadbир тушунилади.

Замонавий демократиянинг амалга оширилиши деганда, қонунлар ва бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилишда йирик жамоалар номидан иштирок этиш учун ўзларининг шаҳарлари ёки юртларидан бир гуруҳ вакилларини сайлаш орқали иштирок этишининг таъминланиши тушунилади. Фуқаролар томонидан сайланган вакиллар бирлашмаси кенгаш, қонун чиқарувчи ҳокимият, парламент ёки конгресс каби номлар билан аталади. Халқ томонидан мустақил тарзда сайланган вакиллар орқали бошқариладиган халқ ҳокимияти баъзида республика ҳукумати ёки демократик республика деб ҳам аталади.

Замонавий экология деганда, бир қанча табиий фанларни, хусусан, биология, геология, иқлималогия, ландшафталогия каби фанларни ўз ичига олган фундаментал фан тушунилади.

Замонасозлик деганда, ҳар бир даврга, унинг оқимиға ва талабига мос иш тутишлик тушунилади.

Замондош деганда, бирор инсон билан бир даврда яшаган киши тушунилади.

Занжир деганда, бир-бирига тартиб билан, бирин-кетин ўтказилган халқа шаклидаги металллар улами тушунилади.

Занжирбанд деганда, бир-бирига тартиб билан, бирин-кетин ўтказилган халқа шаклидаги металллар улами билан боғланган, кишанланган одам тушунилади.

Запас деганда, келажакда фойдаланиш ёки бирор мақсад учун жамғариб, ажратиб қўйилган нарса, захира тушунилади.

Заповедник деганда, экотизим таркибидаги тирик турларни сақлашга қаратилган хўжалик ва бошқа фаолият юритиш учун ажратилган дахлсиз, қўриқланадиган табиий ҳудуд тушунилади.

Зарар деганда, фаолият натижасида олинган даромадга нисбатан турли сарф-харажатлар ва чиқимларнинг ортиб кетиши тушунилади.

Зараркунанда деганда, ўзига, оиласига, жамоасига, жамиятга моддий ва маънавий зарар келтирувчи кимса, жиноятчи тушунилади.

Зарар кўрмаслик таҳлили (ЗКТ) деганда, сарф-харажатлар ва чиқимларнинг ялпи тушумга нисбатан тенглигини, яъни зарарсизлик нуқтасини аниқлайдиган таҳлил тушунилади.

Зарарни қоплаш деганда, бирор кишининг айби билан келтирилган зарарни натура ёки қиймат шаклида тўлиқ ўрнига қўйиш тушунилади.

Зарбдор жамоа деганда, жадал суръатлар билан самарали ишлайдиган ва бошқаларга намуна бўладиган меҳнат жамоаси тушунилади.

Заргар деганда, олтин, кумуш ва бошқа қиммали металллар ва тошлардан турли буюмлар ясайдиган уста тушунилади.

Заргарлик деганда, олтин, кумуш ва бошқа қиммали металллар ва тошлардан турли буюмлар ясайдиган усталар яшайдиган қишлоқ, ҳудуд, жой тушунилади.

Зарурий ашё деганда, бирорта фаолият ёки ишни бажариш учун керак бўладиган нарса тушунилади.

Зарурий маҳсулот деганда, мулкдорга ёлланиб ишлаётган ходимларнинг иш ҳақи шаклида оладиган даромади тушунилади. Бунда ходимнинг даромади ходим томонидан яратилади.

Заршунос деганда, зар, олтин билан боғлиқ фаолият билан шуғулланадиган ёки бирорта нозик соҳанинг сир-асрорларини чуқур биладиган шахс тушунилади.

Зарҳал ҳарф деганда, олтин, кумуш ва бошқа нодир металллар кукунидан тайёрланган ялтироқ бўёқ билан ёзилган ҳарф тушунилади.

Захира деганда, келажакда маълум эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган товар-моддий бойликлар ва бошқа ашёлар тушунилади.

Захарли маҳсулот деганда, таркибида заҳари бор инсонни бетоб қиладиган зарарли маҳсулот тушунилади.

Заҳматкаш хизматчи деганда, машаққатли меҳнат қилишдан чўчимайдиган жафокаш хизматчи тушунилади.

Зебра деганда, отсимонлар оиласига мансуб бўлган, африка саванналарида яшайдиган, танаси оқ ва қаро чизиклар билан қопланган ёввойи ҳайвон тушунилади.

Зерикарли ўйин деганда, кишини зериктириб, тоқатини тоқ қиладиган, кизиғи йўқ ўйин Зиёли ходим деганда, тушунилади.

Зиёлиходим деганда, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилмга эга, ўқимингли, маърифатли киши тушунилади.

Зиёрат туризмидеганда, диний туризмнинг бир тури бўлиб, муқаддас қадамжолар, азиз авлиёлар ва бошқа диний объектларга сиғиниш мақсадида амалга ошириладиган сайёҳлик тушунилади.

Зийнатли буюм деганда, чирой бериш учун безатилган ва паржозланган нарса тушунилади.

Зилдай буюм деганда, кўтариб бўлмас даражада жуда оғир нарса тушунилади.

Зилзила деганда, табиий сабабларга кўра вужудга келадиган ер ости силкениши ва тебраниши тушунилади.

Зилзилабардошли бино деганда, табиий сабабларга кўра вужудга келадиган ер ости силкениши ва тебранишига чидайдиган, бардош берадиган бино тушунилади.

Зимистон деганда, совуқ қиш ёки офтоб нури тегмайдиган, қоронғи жой тушунилади. Агар уни инсон ҳаётига тадбиқ қилинса, бирорта рушнолик кўрмайдиган, зиёдан маҳрум ҳаёт тушунилади.

Зиндон деганда, амирлик ва хонлик даврларда ер остига қурилган зах ва қоронғи қомоқхона тушунилади.

Зировар деганда, овқатни хушбўй ва хуштаъм қилувчи бир қанча ўсимликлардан тайёрланган аралашма тушунилади.

Зироат деганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш билан боғлиқ деҳқончилик тушунилади.

Зикна раҳбар деганда, ўтакетган қизғанчиқ, хассис ва тез тажанг бўлувчи киши тушунилади.

Золим менежер деганда, раҳм-шафқат қилмайдиган зулумкор бошқарувчи тушунилади.

Зомин деганда, рўй берган кўнгилсиз ҳодисаларга сабабчи жараён тушунилади.

Зонтик деганда, куёш ва ёгингарчиликлардан ҳимояловчи қурилма тушунилади.

Зоопарк деганда, турли ҳайвонлар сақланадиган ва парвариш қилинадиган махсус ҳайвонот боғи тушунилади.

Зот деганда, бирорта ҳайвон ёки одамга мансуб авлод тушунилади.

Зогора деганда, маккажўхори ёки оқ жўхори унидан ёпилган нон тушунилади.

Зукко раҳбар деганда, дона, зехни ўткир, фаросатли ва ўта хушёр раҳбар тушунилади.

Зурриёт деганда, бир аجدоддан тарқаган авлод, фарзанд тушунилади.

И

Ижтимоий адолат деганда, ҳар бир ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, жамиятнинг барқарор ва тўлақонли ривожланиши учун унинг ҳаётини тартибга солишда қўлланиладиган тенг ҳуқуқчиликни таъминлайдиган адолатли омиллар тизимининг мавжудлиги ва уларнинг изчиллик билан амал қилиши тушунилади. Бунда бир қанча талабларнинг амалга оширилиши таъминланиши лозим. Биринчидан, шахс, жамият, давлат алоқадорлигида тенглик ва ўзаро ҳамкорлик таъминланиши даркор. Иккинчидан, мазкур тамойил шахснинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий неъматлардан баҳраманд бўлишда тенг ҳуқуқчиликни таъминлашга қаратилган мезонлар ва кафолатларнинг мавжудлигини ва уларнинг амал қилинишини таъминлаган бўлиши лозим.

Ижтимоий ёрдам деганда, ишсизлик, меҳнатга лаёқатсизлик, каби сабаблар оқибатида кам таъминланган аҳоли қатламига давлат томонидан бериладиган мақсадли ёрдам тушунилади.

Ижтимоий ёрдамга муҳтожлар деганда, саломатлиги, ёши, даромад олиш имкониятининг чекланганлиги туфайли ўзгаларнинг кўмагига муҳтож шахслар ва oilалар тушунилади.

Ижтимоий соҳа деганда, аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи, бевосита инсоннинг камолоти, унинг шаклланиши ва ривожланиши билан

боғлиқ хизматларни кўрсатувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи тушунилади.

Ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар деганда, бевосита инсоннинг камолоти, унинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш тушунилади. Булар жумласига таълимнинг барча турлари, тиббий хизматлар ва бошқа инсон камолоти билан боғлиқ хизмат турларини киритиш мумкин.

Ижтимоий соҳа объектлари деганда, аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи тушунилади. Булар каторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқа инсоннинг камолотига хизмат қилувчи объектларни киритиш мумкин.

Ижтимоий фикр деганда, аҳолининг муайян гуруҳлари, қатлами, табақаларининг воқеликдаги турли ходиса ва ҳаракатларга нисбатан билдирадиган оммавий фикри, баҳоловчи муносабати тушунилади. Бундай баҳо маъқуллаш, қоралаш ёки бетараф позицияда намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик деганда, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигида олиб бориладиган фаолияти тушунилади.

Илмий-маълумотнома аппарати (ИМА) деганда, архив ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги ягона илмий-услубий асосда тузилган, бир-бири билан боғлиқ, ўзаро тўлдирувчи архив маълумотномалари мажмуи (архивнинг илмий-маълумотнома тизими) тушунилади.

Импорт деганда, мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни ташқаридан, хорижий мамлакатлардан олиб келиш тушунилади. Импорт халқаро меҳнат тақсимооти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвентаризация деганда, корхоналар, фирмалар, ташкилотларда ҳақиқатда мавжуд бўлган нақд пул, мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш, тушунилади. Бу жараён натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларини

ҳисобга олиш заруратидан келиб чиқади. Инвентаризация орқали ҳақиқатда мавжуд пул ва моддий бойликларнинг қайдномаларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш жараёни содир бўлади.

Инвестициялар деганда, даромад олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар (пул, техника, технология ва бошқа кўринишдаги) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар мажмуи тушунилади.

Инвестицион кредитлар деганда, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни куриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури деганда, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури тушунилади.

Инвестицион сиёсат деганда, савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўллари тиклашни назарда тутадиган сиёсат тушунилади.

Инвестицион солиқ кредити деганда, солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти бериладиган, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичида босқичма-босқич тўлаш мумкин бўладиган ҳолатлар мажмуи тушунилади.

Инвестицион ҳамкорлик деганда, халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, техник ва технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган ҳамкорлик тушунилади.

Инвестиция деганда, иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли

қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлар тушунилади.

Инвестиция дастури деганда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодийнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур тушунилади.

Инвестиция комплекси деганда, инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси тушунилади.

Инвестиция муҳити деганда, инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи тушунилади.

Инвестиция фаолияти деганда, инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият тушунилади. Инвестиция асосан ортиқча маблағи бор, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Бу жараён инвестицион фаолиятни ташкил қилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари дейилганда, буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатадаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотлар вакиллари тушунилади.

Инвесторлар деганда, хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари тушунилади. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадиладар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инновация деганда, илғор ғоялар асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса тушунилади.

Инновацион технологиялар деганда, иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турлари тушунилади.

Инновация жараёни деганда, янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантикий изчилликда ҳаракатланувчи жараён тушунилади. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташқилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш (амалиётга тадбиқ қилиш) ва такомиллаштириш.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари деганда, инсонга бекаму-кўст япаш имкониятларини берувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом тушунилади. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг асосидир.

Инсон омили деганда, амалга оширилаётган барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берувчи ва ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётни ҳаракатга келтирувчи инсон капитали билан боғлиқ бўлган асосий омиллар мажмуи тушунилади.

Инсон омили таркибан икки муҳим жиҳатдан, яъни инсон капиталини такомиллаштиришга қаратилган давлатнинг доимий эътиборини ва шахснинг ўзини-ўзи такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатларни қамраб оладиган жараёнларни ўз ичига оладиган тадбирлардан иборат бўлади.

Инсон таракқиёти деганда, иқтисодиётни барқарор ривожланиш заруриятини, ҳозирги ва келажак авлоднинг ҳаёт

сифатини юксак даражасини таъминлашишига қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига оладиган жараёнлар мажмуи тушунилади.

Инсон ҳуқуқлари деганда, кишиларнинг яшаши, ишлаши, дам олиши каби фаолиятларнинг фаоллашиб бориши учун уларга берилган ҳуқуқлар мажмуи тушунилади.

Инсон экологияси деганда, инсонларнинг ўзгарувчи атроф-муҳитга мослашишини, уларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганишга қаратилган ижтимоий экологиянинг бир қисми тушунилади.

Институционал сиёсат деганда, давлат томонидан мулкчилик, меҳнат, молиявий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янги иқтисодий институтларни шакллантириш, эскиларини йўқотиш, мавжудларини трансформациялаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар, ҳатти-ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Интермодаль марказ деганда, юк ташишлар бўйича халқаро коммуникация ва логистика маркази тушунилади.

Интернет хизматлари деганда, абонентларнинг интернет тармоғидан электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, воқеий вақтдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш каби хизматларни тақдим этувчи функционал имкониятлар мажмуи тушунилади.

Инфляция деганда, пул муомаласи қонуниятларининг бузилиши туфайли миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида нархларнинг ўсиши тушунилади.

Инфляция даражаси деганда, маълум вақт ичида (ой, йил) камида 300 та товар ва хизматлардан ташкил топган истеъмол савати бўйича нархлар даражасининг фойздаги ўзгариши тушунилади.

Инфратузилма деганда, асосий фаолиятнинг самарали ишлашига қўмаклашадиган қўшимча соҳа ва тармоқлар комплекси тушунилади. Масалан, товар ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган инфратузилмага ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплексини, яъни йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш кабиларни киртиш мумкин.

Инкироз деганда, бирор бир соҳанинг ривожланишида мувозанат ва мутаносибликнинг кескин издан чиқиши натижасида беқарорлик ва чуқур танглик ҳолатининг вужудга келиши

тушунилади. Инқироз иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий каби соҳаларда рўй бериши мумкин.

Инқирозга қарши чоралар дастури деганда, инқирозга қарши ва унинг таъсиридан ҳимояланишга қаратилган комплекс чоралар дастури тушунилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланган чоралар дастури ишлаб чиқилди. Унда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Ипотека деганда, банкнинг кўчмас мулк гарови ёки кафолат хати асосида муайян муддатга бериладиган ссуда тушунилади.

Ипотека кредити деганда, жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредити тушунилади. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

Истеъмол деганда, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси бўлиб, ижтимоий маҳсулот (иш, хизмат)лар билан аҳолининг барча талабларини қондириш ва уларни ишлатиш, фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар тушунилади.

Истеъмолчи деганда, ижтимоий маҳсулот (иш, хизмат)лардан маълум эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган, ишлатадиган истеъмол қилувчилар ва харидорлар тушунилади.

Истеъмол кредити деганда, банklar ва бошқа махсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит тушунилади. Мазкур кредит марказий банк томонидан иқтисодий барқарорлик даврида қўлланиладиган товар-пул сиёсатини амалга ошириш дастаги сифатида фойдаланилади.

Истеъмол соҳасида кўрсатиладиган хизматлар деганда, инсонларга истеъмоли жараёнида кўрсатиладиган барча хизматлар мажмуи тушунилади. Бундай хизматлар жумласига ресторанларда ва бошқа овқатланиш шаҳобчаларида кўрсатиладиган хизматларни, транспорт хизматларини, меҳмонхоналарда кўрсатиладиган хизматларни, инсонларнинг шахсий ҳолатини ўнглашга таъсир

қиладиган (уқалаш, сартарошлиқ, пардоз-андоз каби) хизматларни қиритиш мумкин.

Истеъмол товарлари деганда, инсон эҳтиёжини қондиришга қаратилган пулга сотиб олинадиган, истеъмол қилинишга мўлжалланган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматларнинг товар шаклидаги ифодаси тушунилади.

Иш деганда, буюртмачиларнинг бирорта меҳнат талаб қиладиган ишларини унинг материаллари ва бошқа ашёлари асосида ижрочилар томонидан бажариш билан боғлиқ фаолият тушунилади. Иш хизматнинг бир қисми бўлиб, буюртмачининг материаллари ва бошқа ашёлари асосида, унинг талабига мос ишни бажариб беради. Масалан, уйни таъмирлаш, реконструкция қилиш қабилар. Хизматда эса, буюртмачидан материаллар ва бошқа ашёлар кўп миқдорда талаб қилинмайди, бунда фақат ижрочининг меҳнатидан фойдаланилади.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли деганда, ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларда, шу жумладан касаначилик ва хусусий якка тадбир-корлик соҳасида рўйхатдан ўтиб иш билан таъминланган қисми тушунилади.

Иш билан таъминлаш деганда, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўз эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ қонун доирасидаги фаолият билан шуғулланиб, иш ҳақи ёки даромад келтирадиган фаолият билан банд бўлишлиги тушунилади.

Иш вақти деганда, ходимнинг ўз вазифасини бажариш лозим бўлган қонун билан белгиланган вақт тушунилади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан тартибга солинади.

Иш вақтидан ташқари вақт деганда, ходим учун белгиланган кунлик иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун сарфланган вақт тушунилади.

Иш кучи деганда, ходимнинг моддий ва маънавий неъмат ишлаб чиқаришга қаратилган жисмоний ва интеллектуал (ақлий) меҳнат қилиш қобилияти тушунилади.

Иш кучига талаб деганда, иш берувчиларнинг тегишли мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари тушунилади.

Иш кучининг истеъмол қиймати, деганда ходимнинг ёлланган жойида ўз иш кучи қийматига нисбатан кўпроқ қиймат яратиши, яъни қўшимча қиймат яратиши тушунилади.

Иш кучининг қиймати, деганда ходим ва унинг оиласининг нормал фаолияти ва яшашини таъминлайдиган харажатларни қоплай оладиган қиймати тушунилади.

Ишга келган ходимлар сони деганда, бир тақвим кунида рўйхатдаги ходимлардан фақат ишга келган қисмининг сони тушунилади.

Ишга келган ходимларнинг ўртача сони деганда, бир тақвим кунида рўйхатдаги ходимлардан ҳар куни ишга келган ходимлар сонини кўшилиб, шу даврдаги иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланган кўрсаткич тушунилади.

Ишлаб чиқариш деганда, маълум даврда алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан товарлар ва хизматларни яратиш жараёни тушунилади. Ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини белгилайди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси деганда, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи тушунилади. Булар таркибига темир ва автомобил йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор ҳўжалиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш воситаларини модернизациялаш деганда, эски ишлатилиб келинаётган ишлаб чиқариш воситаларини (техникаларни) бугунги кун талабига мос ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилаш, яъни янги техникаларга алмаштириш тушунилади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни

бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш муносабатлари деганда, одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш ҳамда уларни сотиш жараёнларида бир-бири билан бўладиган муносабатлари мажмуи тушунилади

Ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар деганда, мураккаб техника ва технологик жараёнларда қўлланиладиган асбобларни таъмирлаш, уй-жой коммунал хизматлари, турли маслаҳатлар, консалтинг, молния-кредит соҳасида кўрсатиладиган хизматлар, суғурта хизматлари, ҳуқуқий (юридик) хизмат сингари хизматлар мажмуи тушунилади. Ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар етакчи хизматлар турларига киради. Аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг ҳам кўлами ва турлари кенгайиб бормоқда.

Ишсизлар деганда, меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтган меҳнат қобилиятига эга бўлган меҳнат ресурси ёшидаги аҳоли тушунилади.

Ишсизлик деганда, иқтисодий жиҳатдан фаол, меҳнатга қобилиятли аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси сафида, ишсизлар рўйхатига кириб қолган аҳоли қатлами тушунилади.

Ишчанлик туризми деганда, хизмат юзасидан турли конференцияларга, конгрес ва бошқа тадбирларга ҳамда хизмат билан боғлиқ маълум ишни бажаришга вақтинча хизмат сафари билан борган ва ўша жойда даромад қилмайдиган ходим тушунилади.

Иқтисодиёт субъектларининг баҳо сиёсати деганда, қисқа ва узоқ муддатли барча мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этадиган, бозор табиатига мос келадиган, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайдиган, харажатларини қоплаб маълум даражада фойда олишга эриштирадиган имкон қадар бозорни эгаллайдиган баҳо миқдорини белгилаши тушунилади

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги деганда, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқара олиш, мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиши, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиши ва кенгайтира олишини таъминлайдиган қобилиятига эга

бўлган иқтисодиётнинг мавжудлиги тушунилади. Бунинг даражаси: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, уларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлиги, инфратузилманинг ривожланганлиги даражаси, мутлақ ва нисбий устуңликларнинг мавжудлиги каби кўрсаткичлар билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг реал сектори деганда, иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси тушунилади. Уларнинг таркибига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини киритиш мумкин.

Иқтисодий кўрсаткич деганда, жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.

Иқтисодий ночор корхона деганда, кредиторларнинг товар (иш, хизмат)лар ҳақини тўлаш бўйича талабларини қондириш, шунингдек, бюджет ва нобюджет фондларига мажбурий тўловларни таъминлашга лаёқатсиз бўлган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Иқтисодий ночорлик аломатлари деганда, муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолюқ, банкротлик эҳтимоли юқори бўлган самарасиз субъектлардаги аҳвол тушунилади.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деганда, иқтисодиётнинг турли қисм ва соҳалари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатларнинг мавжудлиги.

Иқтисодий ўсиш деганда, реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши тушунилади. Агар унинг ўсиш суръати 5,0 %дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилса, бундай ўсиш барқарор ўсиш деб баҳоланади.

Йиғмажилд (хужжат)лар рўйхати деганда, сақлов бирликлари/хисоб бирликлари таркиби ва мазмунини очиб бериш, уларнинг фондлар ичида тизимлаштирилиши ва ҳисобини мустаҳкамлаш учун мўлжалланган архив маълумотномаси тушунилади.

Йўл деганда, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва ундан фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий қурилган иншоот юзаси тушунилади.

Йўл кўрсаткич (архив хизматида) деганда, муайян тартибда фойдаланувчининг архив фондлари таркиби ва мазмуни билан умумий таништиришга мўлжалланган архив фондлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган архив маълумотномаси тушунилади.

Йўловчи ташиш хизматлари деганда, махсус рухсатномага (лицензиясига) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари орқали тижорат асосида йўловчилар ва улар юқларининг ҳаракатларини таъминлашга қаратилган хизматлар тушунилади.

Йўналиш деганда, йўловчи ташишга мўлжалланган транспорт воситаларининг муайян манзиллар оралигида белгиланган қатнов йўли тушунилади.

Йўналиш паспорти (йўналиш ҳужжатлари) деганда, йўналиш тўғрисидаги асосий маълумотларни тавсифловчи ва тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган махсус ҳужжат тушунилади.

Йўналишли автобус деганда, йўловчилар ва бағажни ташишга мўлжалланган ва маълум графиклар асосида қатнови йўлга қўйилган, белгиланган йўналиш (маршрут) бўйича ҳаракатланадиган автобус тушунилади.

Йўналишли таксилар деганда, мунтазам йўналишларда йўловчиларни ташишга мўлжалланган йўловчиларнинг талабига кўра ёки махсус бекатда тўхтаб ўтадиган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль) тушунилади.

Йўналишсиз таксилар деганда, йўловчиларнинг талабидан келиб чиқиб, уларнинг буюртманомаларига кўра таксометр (ҳисоблагич) кўрсаткичи ва келишилган нархлар билан ҳақ тўлаш ҳисобига йўловчининг йўналиши бўйича ташиш хизматлари кўрсатувчи автотранспорт воситаси тушунилади.

Йўловчи деганда, ташиш хизматини кўрсатувчи транспорт эгалари билан ташиш шартномасига мувофиқ (сотиб олинган чипта асосида) ташиш хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахс тушунилади.

Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлиги деганда, маълум вақт бирлигида ташилган йўловчилар ва сотилган хизматлар ҳажмининг сарфланган харажатлар ва ишлатилган ресурсларга нисбати билан ўлчанадиган кўрсаткичларнинг доимий равишда ўсиш тенденциясига эга бўлишлиги ёки барқарор ҳолатда сақланиб туришлиги тушунилади

Йўналиш схемаси деганда, транспорт воситалари йўналишларининг шартли белгилари қўйилган график тасвири тушуниланган ва тегишли тарзда тасдиқланган йўналиш кўрсаткичлари тушунилади.

К

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий таърибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган дастур ҳисобланади.

Камерал текширув деганда, солиқ тўловчининг ҳисоботлари ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари асосида солиқ идоралари ходимлари томонидан солиқ тўловчиларнинг ишгирикисиз текширув тушунилади.

Капитал қурилиш деганда, янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, илғор техника ва технология билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан, лойиҳа-қидирув ишларини бажаришга қаратилган ишлар тушунилади.

Капитал қўйилмалар деганда, қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория тушунилади. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналарни қуришга ёки амалдаги корхоналарни реконструкция қилиш ва қайта капитал таъмирлашга йўналтирилиши ҳам мумкин.

Капитал таъмирлаш деганда, асосий воситаларни йирик қўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмирлаш тушунилади.

Капитал харажатлар деганда, асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсишига қўйилган харажатлар мажмуи тушунилади.

Касаначилик деганда, йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ меҳнат жараёни тушунилади.

Каталоглар деганда, архив фондлари, сақлов бирлиги/ҳисоб бирлиги, архив ҳужжатлари (ёки уларнинг қисмлари) мазмуни тўғрисидаги маълумотлар мавзу ёки соҳа бўйича белгиланган таснифлаш схемаси асосида жойлаштирилган архивнинг фондлараро архив маълумотномаларидан иборат ҳужжатлар мажмуи тушунилади.

«Катта йигирмалик» деганда, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоизини ишлаб чиқарадиган йирик 20 та жаҳондаги энг бой ва йирик ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи тушунилади.

Келиб чиқиши шахсий (оила, уруғ)архив фонди деганда, айрим шахс, оила, уруғ ҳаёти ва фаолияти жараёнида шаклланган ҳужжатлардан таркиб топган архив фондидан иборат ҳужжатлар мажмуи тушунилади.

Кемпинг деганда, автосаёҳатчилар учун мўлжалланган кичик уйчалар, чодирлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш жойларига эга бўлган ёзги оромгоҳ тушунилади.

Кинезитерапия деганда, инсон организмни ҳаракат билан даволаш усулларини ўргатадиган фан тушунилади. Унинг замирида жисмоний маданият вужудга келган. Жисмоний маданият – ҳаракат

билан фаол дам олишни ва жисмоний маданият орқали даволаш йўлларини ўргатадиган усуллар мажмуи билан шуғулланадиган фан.

Кичик бизнес субъектлари деганда, корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар тушунилади. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Кичик корхона деганда, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра унда ишловчилар сонининг соҳалар бўйича чегараланган миқдорда белгиланган кичик бизнес субъектларининг бир тури тушунилади. Хусусан, саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Кластер деганда, бир ишни самарали бажариш учун бир хил хусусиятга эга бўлган, бир-бирига ўхшаш бир қанча кучларни ёки элементларни бирлаштириш натижасида вужудга келган мустақил бирлик тушунилади.

Климатология деганда, иқлимнинг одам организмига таъсирини ўргатадиган иқлим ҳақидаги фан тушунилади. Бунинг натижасида климототерапия вужудга келган.

Климототерапия деганда, иқлим билан одамларни даволаш ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиш йўллари билан шуғулланади даволаш усули тушунилади.

Комил инсон деганда, вужудида ақл, иймон, виждон ва билим жойлашган, ҳасад ва жаҳлдан ҳоли фаросатли инсон тушунилади. Бундай инсон миллий ва умум башарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ва бунёдкор ғоя асосида тарбияланган шахсдир.

Коммунал хизматлар деганда, маҳаллий ҳудуд ҳаёти билан боғлиқ уй-жой, транспорт, электр таъминоти, газ, сув каби аҳолининг яшашини яхшилаш билан боғлиқ хизматлар билан

шугулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар мажмуи тушунилади.

Конституцион бурч деганда, Ўзбекистон фуқароларининг ЎЗР Конституциясида белгилаб қўйилган, фуқаролар бажаришлари шарт бўлган мажбуриятлар мажмуи тушунилади. Бундай бурч хизмат қилувчилар ва уларнинг истеъморчиларида бир хил амал қилади.

Конституцион ҳукумат деганда, демократик ҳукумат қонунга ва айниқса ёзма ҳужжат — конституциясига асосланган ҳолда фаолият олиб борадиган ҳукумат тушунилади. Конституция ҳукуматнинг ваколати ва мажбуриятларини таъминлайди. Шунингдек, улар қонунлар қандай тайёрланиши ва ҳаётга татбиқ этилишини ҳам ўзида акс эттиради. Ҳаётимизнинг барча томонларини тартибга солишга асос бўладиган қомусий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Конъюнктура деганда, бозорда маълум бир вақтда юзага келган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг ҳолатини белгилувчи вазият тушунилади.

Кооперация алоқалари деганда, турли соҳа ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш ёки бирорта ишни биргаликда бажариш бўйича узоқ муддатга ўрнатилган алоқалар тушунилади.

Корхоналарга преференция бериш деганда, миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек, асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши тушунилади.

Корхоналарни техник қайта қуrolлантириш деганда, корхоналар фаолиятини, яъни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини кўтариш ва ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга, товарлар нархининг камайтирилишига йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти деганда, корхонанинг бозор муносабатлари шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш ва оладиган фойдасини кўпайтириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган янгиликларни жорий қилиш асосида ривожланиш қобилияти тушунилади. Корхонанинг инновацион салоҳияти унинг ички инновация жараёнидаги барча босқичларини (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон берадиган имкониятидир.

Кредит деганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Курорт деганда, табиий даволовчи минералларга, сув, ҳаво ва бошқа даволовчи ресурсларга бой ҳудудларни одамларни даволаш мақсадида ўзлаштириб, тегишли санатория бинолари, иншоотлар ва инфратузилма объектлари барпо қилинган комплекс тушунилади.

Курорт иши (фаолияти) деганда, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва тиклаш жараёнини табиий даволаш усуллари билан амалга ошириш йўллари ташкиллаштириш, зарур ҳолларда куриш, уларни ишга тушириш, бошқариш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Курорт хўжалиги деганда, одамларни даволаш, соғломлаштириш ва дам олдириш мақсадида санатория-курорт хизматларини кўрсатишга қаратилган махсус ихтисослашган субъектлар мажмуи тушунилади.

Курортология фани деганда, табиий-иқлим ва минералларнинг инсон организмга таъсирини, уларнинг даволавчи хусусиятларини ўрганадиган тиббий фан тармоғи тушунилади.

Кутилаётган инфляция даражаси деганда, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлгуси даврдаги инфляция даражаси тушунилади.

Кучли давлат деганда, омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизимига, ривожланган иқтисодиётга, юксак маънавиятга эга бўлган, халқаро муҳитда ўзининг ўрнига эга бўлган, тенглар

ичида тенг бўлган давлат тушунилади. Бундай давлат сиёсий жиҳатдан мустақил, мустаҳкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг қудрати фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги, маънавий барқарорлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик тамойилларига, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси ва уларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш деганда, мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган, демократик кадриятлар қарор топган, маънавий-маърифий юксакликка эришган ва бошқарувнинг демократик услублари шаклланган давлатдан жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган жамоатчилик фикри, ташаббуси ва давлат идоралари устидан назоратни амалга ошириш устувор аҳамият касб этадиган, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари роли муттасил ортиб борадиган жамиятга ўтиш концепцияси тушунилади.

Кучли жамият деганда, мустаҳкам негизнинг барқарорлиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида ўзларини ўзлари бошқара оладиган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадриятларга айланган жамият тушунилади.

Кўрсаткичлар (архив идораларига ҳос) деганда, архив ҳужжатларида келтирилган предмет номларининг улар ҳақидаги маълумотлар архив шифрини кўрсатган ҳолда, алифболи, тизимли ёки бошқа бирон-бир белгисига кўра тузилган архив маълумотномаларидан иборат ҳужжат тушунилади.

Л

Лаборант деганда, лабороторияда ишлайдиган ёки профессор-ўқитувчиларга ёрдам берадиган ходим тушунилади.

Лаборатория деганда, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, амалий тажрибалар ўтказиш учун махсус жиҳозлар билан таъминланган хона тушунилади.

Лавозим деганда, бирорта корхона, ташкилот ва бошқа субъектларга раҳбар этиб сайланиши ёки тайинланиши натижасида ушбу жамоани бошқариш масъулияти юкланган шахс тушунилади.

Лагман деганда, ҳамирдан ингичка ҳолда узун кесилиб тайёрлан ва устига турли масалликлар солинган миллий таъом

тушунилади. Бу асли уйғурларнинг миллий таъоми, деган қарашлар ҳам бор.

Лаззатли деганда, нозик табли одамларга ҳам манзур бўладиган, ўзининг ишқибозларига эга бўлган ширин таъомлар тушунилади.

Лайнер деганда, катта сизимга эга бўлган тез учар йўловчи самалёт ва йирик денгиз кемаси тушунилади.

Ландшаф дейилганда, иклим, сув, тупроқ ўсимлик ва ҳайвонот олами каби асосий копанентларга эга табиий географик мажмуа тушунилади.

Ландшаф дегредацияси деганда, салбий оқибатлар натижасида рўй берадиган атроф-муҳитнинг аста-секинлик билан бузулиши, емирилиши тушунилади.

Ларёк деганда, чегараланган товар ва маҳсулотларни сотишга мўлжалланган кичик савдо дўкони тушунилади.

Латериал маркетинг деганда, харидор томонидан харид қилинган мавжуд товарларга қўшимча тарзда илова қилиб, бепул бериладиган товарлар ва хизматлар тушунилади.

Лизинг деганда, эгалик ҳуқуқини сақлаган ҳолда турли иншоотлар, бинолар, транспорт воситаларини қийматини аста-секинлик билан қайтариш шарти билан ижарага бериш тушунилади.

Лимит деганда, бирор нарсадан фойдаланиш ёки бирор нарсага сарфлаш учун белгиланган сарфларнинг ёки харажатларнинг чегаравий нормаси тушунилади.

Лимонад деганда, асосан лимон ёки бошқа хил мева шарбатига сув, шакар, карбанат кислота, хушбўй моддалар қўшиб тайёрланадиган ширин чанқоқбости ичимлик тушунилади.

Лимонзор деганда, лимон дарахта эълган майдон, боғ тушунилади.

Лингафон деганда, говушларни ёки сўзларни аниқ эшитиш ва тўғри талаффуз қилишга ёрдам берадиган асбоб тушунилади.

Литцензия деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум фаолият билан шуғулланиш учун белгиланган вақтга бериладиган рухсатнома тушунилади.

Лицензия талабгори деганда, лицензияловчи органларга аниқ фаолият турини амалга ошириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Лобзак деганда, ёғоч ёки юмшоқ металдан тайёрланган буюмларни шаклдор, жимжимадор аралаш учун қўлланиладиган дастаки асбоб ва унга қистириб қўйиладиган энсиз аррача тушунилади.

Логистика деганда, ишлаб чиқаришдан истеъмолгача жараёни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ инфра-тузилмалар тизими тушунилади.

Логотип деганда, корхон, ташкилотлар, фирма ёки компанияларнинг номи битилган чизмалардан иборат товар ёки субъектлар белгилари тушунилади.

Логорифм деганда, асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтаришда берилган (керакли) сонни ҳосил қилиш мумкин бўлган даража кўрсаткичи тушунилади.

Лойиҳа деганда, бино, иншоат, машина кабиларни қуриш ёки тиклаш учун тайёрланган чизма, ҳисоб-китоб, андозалар битилган ҳужжатлар мажмуи тушунилади.

Лойиҳачи деганда, бино, иншоат, машина кабиларни қуриш ёки тиклаш учун тайёрланган чизма, ҳисоб-китоб, андозалар битилган ҳужжатларни тузувчи мутахассис тушунилади.

Локализация деганда, битта тизимдан айрим ўзига хос жараён ёки ҳодисаларни ажратиб олган ҳолда чегаралаш тушунилади.

Локация деганда, бирорта жойни электромагнит тўлқинлари асосида аниқлаб, унинг ўрнини акс эттириш тушунилади.

Локоматив деганда, темир йўлда ўзига тиркаладиган вагонларни тортиб кетадиган паравоз, электровоз, тепловоз шу кабилар тушунилади.

Ломбард деганда, кўчмас мулк ва қимматбаҳо буюмларни гаровга олиб, вақтинча фойдаланиш учун пул (қарз) бериб турувчи кредит муассасаси (гаравхона) тушунилади.

Лотерея деганда, махсус сотиладиган билет бўлиб, аҳоли маблағларини ихтиёрий равишда тўплаб олиб, бир қисмини ютуқ сифатида пул ёки буюм шаклида бериладиган жараёнда иштирок этувчи ҳужжат тушунилади.

Люкс деганда, юқори сифати буюм, қимматбаҳо ва ҳашомали нарсалар билан безалган ҳамда истеъмолчиларга бошқаларига нисбатан анча қулайликларга эга бўлган меҳмонхона, дўкон, поезд вағони, параход купеси кабилар тушунилади.

Люстра деганда, бир қанча лампалар ўрнатилган осма электр чироғи тушунилади.

М

Маданий хизматлар деганда, одамларнинг дам олишини ташкил қилишда турли кўнгилочар тамошаларга, маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган маданий-оммавий йиғинларга, маданият, санъат университетлари ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларга қатнашиш ва кириш ҳамда мусиқа, бадий, хореография, студиялар ва санъат каби мактабларда таълим олишларни ташкил қилиш билан боғлиқ хизматлар тушунилади.

Маиший хизмат деганда, инсонларнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган, уларнинг индивидуал ривожланиши ва фаол дам олишини таъминлашга, бўш вақтини кўпайтиришга йўналтирилган хизматларни кўрсатишга қаратилган турли фалият тизими тушунилади.

Макроиктисодий кўрсаткичлар деганда, мамлакат иқтисодиётининг макро даражасидаги (барча тармоқ ва соҳалар мажмуидаги) ижтимоий-иктисодий жараён ва ҳодисаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тушунилади. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция, бандлик даражаси ва бошқалар.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарт сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этишга қаратилган Давлат дастуридир. Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ кучга киритилди. Мазкур Фармонға Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрда ПФ-3661-сон Фармониға мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. Бу фармонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий бўғинларидан бири мактаб таълимини

ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилганлигидан далолат бериб турибди. Бу ўз навбатида таълим хизматларини таълимнинг барча босқичларида такомиллаштиришни тақозо қилади.

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги деганда, мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг бошқа давлатларга нисбатан юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти тушунилади.

Мамлакат тўлов баланси деганда, мамлакат резидентлари (уй ҳўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини оладиган мувозанат тушунилади.

Маркетинг рақобати деганда, харидорларнинг талабидан келиб чиқиб, товар (иш, хизмат)лар баҳосини ўзгартириш, баҳосини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган рақобат тушунилади.

Махсус йўналишлар деганда, корхона ва ташкилотлар ходимларини яшаш жойидан иш жойигача ва иш жойидан яшаш жойигача ташийдиган хизматдаги транспорт воситаларининг ҳаракатини белгиловчи масофа тушунилади.

Маҳаллийлаштириш деганда, импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва уларнинг экспортини йўлга қўйиш тушунилади.

Маҳсулот деганда, инсонларнинг табиатга таъсир кўрсатиши натижасида унинг неъматларини инсоннинг истеъмол эҳтиёжларига мос ҳолга келтириган фойдали буюм ёки самара берадиган фаолият (хизмат) маҳсули тушунилади.

Маҳсулотларни сақлаш хизмати деганда, сақлаш хизматини амалга оширувчи, маълум миқдордаги бойликни муайян муддатда маҳсулотнинг сифатини пасайтирмаган ва миқдорини камайтирмаган ҳолда, белгиланган хизмат ҳақи эвазига кўтариб бериш мажбуриятини билан сақловчи ва мулк эгаси ўртасида тузилган шартномага асосланган муносабат тушунилади.

Маҳсулотларни сотиш хизмати деганда, маҳсулот (товар)нинг бир шахсдан иккинчи шахсга пул ёки бошқа шунга тенглаштирилган бойликка алмаштириш эвазига мулк эгасининг

(мулкка эгалик ҳукукининг) ўзгаришини таъминлаш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Мелиорация деганда, ернинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми тушунилади.

Метро деганда, йўловчи ташишга мўлжалланган ер остига қурилган шаҳар электр темир йўл транспорти тушунилади.

Метрология деганда, ўлчов ва торозилар ҳақидаги таълимот, фан тушунилади.

Меҳмон деганда, турли сабаларга кўра (мажлис, йиғилиш, кенгаш, тўй, зиёфат) шаҳарга (қишлоққа, хонадонга) вақтинчалик ташриф буюрган шахс тушунилади.

Меҳмонхона деганда, турли сабаблар билан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб оладиган ва уларнинг қисқа вақт давомида бемалол яшашини таъминлайдиган, тегишли шароитларга эга бўлган махсус бино тушунилади.

Меҳмонхона апартамент деганда, яшаш учун барча шароитларга эга бўлган, ўз-ўзига хизмат қилишга асосланган бир қанча хоналардан иборат квартира типидagi оилавий ва жамоавий саёҳатчиларга мўлжалланган меҳмонхона тушунилади. Булар 400 ўрингача бўлган йирик меҳмонхоналар бўлиб ҳисобланади.

Меҳмонхона бизнеси деганда, меҳмонларнинг барча талабларини қондиришга қаратилган маълум ҳақ эвазига амалга ошириладиган хизматлар мажмуи тушунилади.

Меҳмонхона занжири деганда, бир қанча меҳмонхона ва меҳмонларга хизмат қилишга мўлжалланган инфратузилмалардан иборат, ягона бошқарувга асосланган комплекс тушунилади.

Меҳмонхона индустрияси деганда, меҳмонхоналар, улардаги хоналар сони, уларга меҳмонларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт воситаларида ташиш, сайр қилдириш, дам олиш (рекреация), кўнгил очар тадбирларни ташкил қилиш каби хизматларни амалга ошириш имкониятлари мажмуи тушунилади.

Меҳмонхона хўжалиги деганда, меҳмонларга тегишли шароитни яратиш мақсадида тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказилган, ушбу фаолият билан шуғулланишга тегишли рухсатнома эга бўлган ва фойданинг бир қисmini солиқ шаклида давлат бюджетига тўлаш мажбуриятини олган меҳмонларга хизмат

кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Меҳмонхона хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар деганда, меҳмонларнинг қулай яшашини таъминлашга қаратилган, белгиланган ҳажмдаги ҳақ эвазига барча кўрсатиладиган хизматлар (меҳмонларни жойлаштириш, овқатлантириш, ташиш, томоша қилдириш, кўнгил очар тадбирларни ташкил қилиш ва б.) мажмуи тушунилади.

Меҳмонхона хўжалиги хизмати сифати деганда, меҳмонхона хизматидан фойдаланаётган миждозларнинг турли-туман хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлалигича юқори савияда қондиришга қаратилган ва уларга кам харажатлар билан тегишли даражада моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтирадиган нуқсонсиз хизматлар мажмуи тушунилади.

Меҳнат деганда, одамларнинг табиат ва жамият неъматларини ўз эҳтиёжига мослаштириш иақсадида амалга ошириладиган онгли фаолият жараёни тушунилади.

Меҳнат биржаси деганда, иш берувчилар ва ёлланма ишлайдиган ходимларнинг иш кучини олди-сотди пайтида воситачилик қиладиган ташкилот тушунилади.

Меҳнат бозори деганда, меҳнатга қобилиятига эга аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни талаб ва тақлиф асосида тартибга солувчи ижтимоий-иқтисодий тизим тушунилади. Булар иш кучи соҳибининг ва иш берувчиларнинг малакаси ва манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида бозор тамойилларини ўзида акс эттирадиган мураккаб иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир.

Меҳнат воситаси деганда, меҳнат қилувчиларнинг жисмоний меҳнатини осонлаштиришга хизмат қиладиган жиҳоз, ускуна каби меҳнат қуроллари тушунилади.

Меҳнат жараёни деганда, табиат ва жамиятнинг бирорта неъматини қўлга киритиш мақсадида меҳнат, меҳнат предмети ва меҳнат воситасининг биргаликда таъсири туфайли содир бўладиган жараён тушунилади.

Меҳнат интенсивлиги деганда, бир вақт бирлигида иш кучининг сарфланиш даражаси тушунилади. Агар бир вақт билигида 40 та шартли меҳнат сарф қилиниши керак бўлса, ҳақиқатда 45 та

шартли меҳнат сарф қилинса, бунда меҳнатнинг интенсивлиги ошган ҳисобланади.

Меҳнат кооперацияси деганда, бир қанча кишиларнинг бир хил ёки бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган турли хил меҳнат жараёнида иштирок этишдан иборат меҳнатнинг ташкил қилиниши тушунилади.

Меҳнат предмети деганда, меҳнат натижасида бирорта нарсани яратиш учун ишлатиладиган ва унинг таркибига кириб, ўз шаклини ўзгартирадиган хом ашё ва материаллар мажмуи тушунилади.

Меҳнат ресурси деганда, меҳнатга қобилиятли ёшдаги (аёллар 16 - 55 ёшда, эркеклар 16 - 60 ёшда), меҳнатни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлган фаол ва фаол бўлмаган аҳоли сони тушунилади.

Меҳнат салоҳияти деганда, ходимнинг маълум бир вақт бирлигида бирорта ишни бажариши мумкин бўлган жисмоний ва интеллектуал қобилияти тушунилади. **Корхонанинг меҳнат салоҳияти** деганда, мазкур субъектда фаолият кўрсатаётган барча ходимлар (ёшидан қатъи назар) сони тушунилади.

Меҳнат сифими деганда, маълум вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига тўғри келадиган шу даврда қилинган меҳнат харажатлари (иш ҳақи), меҳнат ресурслари ёки салоҳияти (ходимлар сони) тушунилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун меҳнат кўрсаткичларини ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмига бўлинади.

Меҳнат тақсимооти деганда, турли хил меҳнат фаолиятининг ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, алоҳида шаклланиши тушунилади.

Меҳнат унумдорлиги деганда, маълум вақт бирлигида битта ходим томонидан ўртача ишлаб чиқарилган маҳсулоти (товари, хизмати ва иши) ҳажми тушунилади.

Меҳнат характери деганда, меҳнат қилинадиган жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ифода этадиган меҳнатнинг табиати тушунилади.

Меҳнат харидори деганда, меҳнат бозорида бўш иш ўринлари билан иштирок этадиган иш берувчи тушунилади.

Меҳнат ҳақи деганда, иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун жорий даврда берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар тушунилади. Меҳнат ҳақи бажарилган иш учун ҳисобланган барча суммалар йиғиндисидан ташкил топади

ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Меҳнатнинг иқтисодий асослари деганда, мулкчилик шакли, рақобат муҳити ва нархларнинг эркинлигини таъминлайдиган ҳолатлар тушунилади.

Меҳнатнинг нафлилиги деганда, сарфланган меҳнатнинг натижасидан аҳоли (ходимлар, мулкдор, давлат, жамият, меҳнат соҳиби қабилар) маълум миқдорда наф кўриши тушунилади.

Меҳнатнинг фойдалилиги деганда, маълум вақт бирлигида битта ходимга тўғри келадиган фойда миқдори билан ўлчанади.

Меҳнатнинг қиймати деганда, унинг малакаси ва ишнинг мураккаблигига қараб маълум бир вақт бирлигида ёки маълум бир ишни бажарганлиги учун тўланадиган иш ҳақида тушунилади.

Меҳнатнинг қуролланганлиги деганда, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрстиш соҳасида) банд бўлган ходимларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлик даражаси тушунилади.

Меъморий режалаштириш лойиҳаси деганда, иморатлар қуришнинг ҳажм-макон ва архитектура-бадий ечимини, биноларнинг неча қават бўлиши ва турларини, иморат қуриш ва ердан фойдаланишни тартибга солишнинг қизил чизиклари, чегараларини, ердан фойдаланувчилар ҳудудларининг чегараларини, кўчаларнинг кўндаланг кўринишини белгилаб берадиган, шунингдек, ҳудудларни муҳандислик юзасидан тайёрлаш тадбирларини, атроф-муҳитини муҳофаза қилишни назарда тутадиган лойиҳа тушунилади.

Мижоз деганда, товар (иш, хизмат)ларни шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга сотиб олувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Микроиқтисодиёт деганда, иқтисодиётнинг қуйи, бирламчи бўғинида фаолият олиб борадиган корхона, фирма, фермер хўжалиги каби иқтисодиёт субъектлари мажмуи тушунилади.

Микроиқтисодиёт фани деганда, иқтисодиётнинг қуйи бўғини (корхона, фирма, фермер хўжалиги каби) муаммоларини ўрганишга бағишланган фан тушунилади.

Микрокредит деганда, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар тушунилади. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50

баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Микрофирма деганда, кичик бизнес билан шуғулланувчи ва унда ишловчилар сонининг чегараланган миқдори тармоқлар ва соҳалар бўйича чегараланган кичик корхонасининг бир тури тушунилади. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Миллий боғ деганда, экологик таълим ва тарбияни амалга ошириш ва атроф-муҳитни асл ҳолида сақлаш мақсадида алоҳида қўриқланадиган табиий ландшафт тушунилади. Бунга заповедниклар, ререацион зона кабилар киради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги деганда, иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилияти тушунилади.

Модернизация деганда, кўп қиррали сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга эришиш тушунилади.

Молия тизими деганда, молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси тушунилади.

Молия-банк тизими деганда, тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит муассасалари мажмуи тушунилади.

Молиявий «кўпиклар» деганда, реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши тушунилади.

Молиявий институтлар деганда, белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари тушунилади.

Молиявий манбалар деганда, иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари тушунилади. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий

инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

Молиявий реклама деганда, молиявий муассасаларнинг (банклар, суғурта компаниялари, биржалар каби) молиявий фаолияти (кредит бериш, суғурталаш, ипотека кредитлари, ссудалар каби) бўйича қилинган рекламаси тушунилади.

Мониторинг деганда, кундалик турмушимизнинг барча жараёнларида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини кузатиш орқали уларга тегишли равишда баҳо бериш тушунилади.

Монополлашган рақобат деганда, бозорда битта йирик корхонанинг бир хил товар бўйича юз фоиз ишлаб чиқариб сотишда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўтказиши тушунилади.

Мотель деганда, автотуристлар учун мўлжалланган, бир қанча хизмат турларини кўрсатадиган, яъни техник хизматини кўрсатиш, ёқилғи қуйиш станциялари, гаражлар, тўхташ жойларига эга бўлган меҳмонхона комплекси тушунилади.

Мулк деганда, табиат ва жамиятдаги моддий ва номоддий неъматларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳамда ҳўжалик фаолияти натижаларини ўзлаштириш билан боғлиқ кишилар ўртасидаги мулккий муносабатлар тизими тушунилади.

Мулкдан фойдаланиш деганда, ўзининг ихтиёри билан ўз манфаати йўлида ишлатиш тушунилади.

Мулккий муносабатлар деганда, мулкдан фойдаланган ҳолда, уни кўпайтириш, ўзлаштириш ва истеъмол қилишга қаратилган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга оширишга таъсир қиладиган омиллар билан боғлиқ кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатлар мажмуи тушунилади.

Мулккий муносабатларда эркинлик деганда, мулкка эгалик қилиш, ундан эркин фойдаланиш ва уни тўлиқ тасарруф этиш жараёнини амалга оширишни таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий тизимнинг яратилганлиги ва унинг ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилганлиги тушунилади.

Хусусий мулк деганда, жисмоний шахсга тегишли бўлган моддий ва номоддий неъматлар тизими тушунилади.

Мулкка эгалик қилиш деганда, моддий ва номоддий неъматларни ўз ихтиёрига олиш тушунилади.

Мулкни тасарруф этиш деганда, ўз мулкига тўлиқ эгалик қилиши, ўз манфаати йўлида фойдаланиш (ишлатиш, истеъмол

қилиш, сотиш кабилар) каби ҳуқуқларнинг мавжудлиги тушунилади.

Мулкнинг ҳуқуқий муносабатлари деганда, мулк эгаларининг (жисмоний шахс, юридик шахс, меҳнат жамоаси, давлат каби) мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва фаолият натижаларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар тизими тушунилади.

Мураккаб меҳнат деганда, маълум даражада малака талаб қиладиган ва махсус тайёргарликни ўтаб тегишли мутахассислик (касб) асосида такомиллашган меҳнат қуролларидан фойдаланган ҳолда бажарадиган меҳнат тушунилади.

Мутахассислар деганда, асосан ижодий меҳнат билан шуғулланадиган, бажариданг ишлари кўп жиҳатдан такрорланадиган ва раҳбарларга тўғри ахборотларни етказиб берадиган етакчи ходимлар (иқтисодчилар, бухгалтерлар, менежерлар, муҳандислар каби) тушунилади.

Мустақиллик деганда, эркин ва озод равишда, бошқаларнинг раҳбарлигисиз, ҳеч кимга тобе бўлмасдан, ўз ихтиёри билан қарам бўлмасдан иш юрита билиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар (шахс, корхона, компания, давлат, ҳудуд ва ҳ.к.) тушунилади. Мустақиллик барча жабҳаларда муносабатларни меъёр-мезонга солади, ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади. Мустақиллик – ўзаро ҳурмат, бир-бирларини қадрлаш, миллий ва умум башарий қадриятларга таяниб иш қўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккурга таяниб яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради.

Н

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган бўлиб, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш,

шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонвий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх деганда, товарлар (иш, хизматлар) қийматининг пулдаги ифодаси тушунилади.

Нархлардан ташқари рақобат деганда, рақобатнинг нархдан ташқари сифати, бренд нуфузи, ишончилиги, фойдаланишга қулайлиги, кафолатланганлиги каби жиҳатлари билан сотилиш эҳтимолининг юқорилиги тушунилади.

Натурал даромад деганда, меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган натурал маҳсулотларнинг жами миқдори тушунилади.

Негоциант деганда, асосан бошқа мамлакатлар билан улгуржи савдо-сотиқни амалга оширадиган савдогар, коммерсант тушунилади.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари деганда, мулкий ва ташкилий жиҳатдан давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар мажмуи тушунилади.

Нодавлат мулк деганда, бирорта нодавлат субъектига тегишли бўлган давлат тасарруфида бўлмаган моддий ва номоддий неъматлар тизими тушунилади.

Нодавлат мулкдор деганда, моддий ва номоддий неъматларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган нодавлат субъекти тушунилади.

Номинал даромад деганда, аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида пул кўринишида олинган барча даромадларининг умумий миқдори тушунилади.

Нотижорат маркетинг деганда, фойда кўришни кўзда тутмайдиган нодавлат-нотижорат ташкилотлари, турли ижтимоий фондларда қўлланиладиган маркетинг тушунилади.

“НОУ-ХАУ” деганда, ишлаб чиқариш ва бошқа жараёнларнинг техникавий, конструкторлик сирлари ошкор қилинмайдиган ҳолат тушунилади.

Нувориш деганда, тижоратда тез бойиш оқибатида жамиятнинг олий табақасига чиқиб олган бойвачча тушунилади.

Нул ставка деганда, Европа Иттифоқи ҳудудида амал қиладиган қўшилган қиймат солиғисиз сотиладиган товарлар ва хизматларнинг бир тури тушунилади.

О

Облиго деганда, векселлар бўйича умумий қарздорлик суммаси тушунилади.

Оверборт деганда, қандайдир това ёки хизматлар харидларининг солмоқли ҳажмининг кўтарилиб кетиши натижасида нархларнинг кескин ошиб кетиши тушунилади.

Овердрафт деганда, мижознинг қарзи банкдаги ҳисоб рақамидаги суммадан кўп бўлган ҳолатда банкнинг қисқа муддатга қарзини ёпиш учун тўлаб берадиган кредитнинг тури тушунилади.

Оверсолд деганда, бозорга талабдан кўп катта ҳажмдаги маҳсулот келиб тушганлиги оқибатида, унинг нархи кескин пасайиб арзонлашиб кетишига сабаб бўлган жараён тушунилади.

Овертайм деганда, кемага ёки бошқа транспорт воситасига юк юклаш ёки тушуриш жараёнида ходимлар томонидан сарфланган устама вақт тушунилади.

Оддий меҳнат деганда, махсус тайёргарлик талаб қилмайдиган, ҳамма бажариши мумкин малакасиз меҳнат тушунилади.

Оддий меҳнат кооперацияси деганда, бир қанча кишиларнинг бир хил ишни қўл меҳнати билан бажариш жараёни тушунилади.

Оила хўжалиги деганда, оила аъзоларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятини амалга ошириш ҳамда фойдани оила доирасида ўзлаштириш мақсадида бир-бири билан эр-хотинлик, бола-чақалик ва қариндошлик асосида бирга яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади.

Оила хўжалиги фаровонлиги деганда, оила аъзоларининг ҳаёт сифатини ва муносиб яшашини таъминлаш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, хизматлар ва шароитлар билан етарли даражада таъминланганлик даражаси тушунилади.

Оила хўжалиги тўлайдиган пулли хизматлар деганда, аҳолининг уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланганлиги, ётоқхона, меҳмонхоналарда яшаганлиги, хусусий шахслар уй-жойини ёллаш, уй-жойларни олди-сотди, айирбошлаш ишлари бўйича воситачилик қилганликлари, ижарага олинган уй-жой - хоналарда яшаганлиги, фуқароларнинг яқка тартибда буюртмаси асосида кадастр ташкилоти томонидан кўрсатилган хизматлари учун тўланган ҳақ йиғиндисидан иборат сумма тушунилади.

Оқура деганда, маҳаллий ҳудудларга олиб кириладиган ички бож бўлиб, унинг миқдорини маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланади ва маҳаллий бюджетга тушадиган бож миқдори тушунилади.

Олигополлашган рақобат деганда, маълум даражада чегараланган бўлиб бозордаги товарни ишлаб чиқариш ва сотишда озчиликни ташкил қиладиган бир қанча йирик корхоналарнинг иштироки тушунилади.

Олигопсония деганда, бозорда харидорлар ёки истеъмолчилар камроқ бўлган ҳолат тушунилади.

Оммавий бозор деганда, харидорлар ва сотувчилар жуда кўп бўлган ва уларни янада оммалаштириш учун ОАВда реклама қилинадиган харажатларни қоплаб, фойда олишга эриша оладиган бозо тушунилади.

Оммавий товарлар дўконлар деганда, фақат товарни сотиш учун тегишли шароит яратилган, турли кўшимча хизматлардан холи бўлган дўконлар тушунилади.

Омбудсман деганда, инсон ҳуқуқларини турли маъмурий органлардан ҳимоя қиладиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган махсус ташкилот тушунилади.

Омологация деганда, сотилаётган товарларнинг техник тавсифини маҳаллий аҳоли талабларига, урф-одатларига мослаштириш тадбирлари тушунилади.

Онлайн банкинг деганда, банк ҳисоб рақмларини телефон (телебанкнинг), портатив компьютер ва Интернет (Интернет-банкнинг)

ёки ихчам курилмалар (мобил банкинг) орқали масофадан бошқариш тушунилади.

Онлайн брокур деганда, компьютер тармоқларидан фойдаланиб ўзининг воситачилик хизматларини тақдим этиш орқали брокерлик вазифасини бажариш тушунилади.

Оролсимон пештахта деганда, супермаркет ёки ўзига-ўзи хизмат қиладиган дўконларнинг олдида ўтқинчи миждозларни айрим товарларга эътиборини тортиш учун қўйиб қўйишга мўлжалланган пештахта тушунилади.

Ортиқча таклиф деганда, бозорда талаб даражасидан кўп бўлган товар ва маҳсулотларнинг сотишга қўйилиши оқибатида нархларнинг тушиб кетиш ҳолатлари тушунилади.

Ортиқча талаб деганда, маълум товар ва маҳсулотларга (хизматларга) истеъмолчиларнинг талаби даражасидан кам ишлаб чиқариш натижасида неъматларнинг етишмаслиги ва бунинг оқибатида нархларнинг узлуксиз кўтарилиб бориши тушунилади.

Осма ёрлик деганда, товарларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотларни берадиган ва реклама вазифасини ўтайдиган бутилка ёки бошқа товарларга илиб қўйиладиган қоғоздан ёки пластикдан ясалган ёрлик тушунилади.

Очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) деганда, маблағлари бир қанча акциядорлар ҳисобидан (акцияларидан) ташкил қилинган, мулкни тасарруф этиш ва бошқаришда чекловлар қўйилмаган хўжалик юртувчи субъект тушунилади.

Очиқ рақобат деганда, бир хил маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида уларнинг баҳоси тўғрисида ахборотларнинг очиқ бўлишини таъминлаган ҳолда фаолият кўрсатиши тушунилади.

Оғзаки реклама деганда, бирор киши томонидан амалга ошириладиган бирорта товар, маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги ижобий хусусиятларни атрофдагиларга беихтиёр ёки атайлаб айтиб бериш орқали уларда шу товарга нисбатан ижобий туйғу уйғотиш тушунилади.

II

Паритет деганда, турли мамлакатлар валюталарининг олтин, кумуш миқдори бирликлари бўйича тенглаштириб бир хил ўлчамга келтириб олиниши тушунилади.

Парламент – французча «парле» гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Бизда икки палатали парламент фаолият кўрсатади. Биринчиси қонун чиқарувчи қуйи парламент – қонунчилик палатаси ва иккинчиси сенат бўлиб ҳисобланади.

Парол деганда, компьютердан фойдаланишда бегоналардан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган ва хавфсизликни таъминлайдиган воситалар тушунилади.

Партизанча маркетинг деганда, мутахассиснинг истеъдоди ва топқирлигига боғлиқ бўлиб, ноанъанавий усуллар билан товар ва хизматларни сотишни самарадорлигини ошириш йўллари тушунилади.

Партия – сўзи лотинча, «pars» – «қисм», «гуруҳ» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар, табақалар, катламларнинг бир қисмини, одатда уларнинг илғор ва энг фаол қисмини бирлаштирадиган сиёсий ташкилотни англатади.

Патентланган воситалар деганда, тегишли давлат идоралари томонидан товарларни белгиланган талабларга мувофиқ лицензиялаган ҳолда ишлаб чиқариш тушунилади.

Пенальти деганда, икки томонлама тузилган шартнома бузилган тақдирда, бузган томонидан тўланадиган жарима тушунилади.

Пировард истеъмолчи деганда, фойдаланувчиларга қайта сотиш мумкин бўлмаган харид қилинган ёки тақсимлаб берилган товар ва маҳсулотлар тушунилади.

Пластик карта деганда, маълум бир шахс номига берилган нақд пулсиз маблағларни қобул қилиш, сақлаш ва тўлавларни амалга ошириш воситаси тушунилади.

Порто-Франко деганда, мамлакатимиздаги иқтисодий эркин зоналарга товарларни божсиз олиб кириш ва олиб чиқиш қоидалари амал қиладиган порт тушунилади.

Почта деганда, турли жўнатмаларни жўнатиш ва қабул қилиш билан шуғулланадиган муассаса ёки шу муассаса жойлашган бино тушунилади.

Преференция деганда, иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлардан иборат чоралар мажмуи тушунилади.

Проводник деганда, поезд вагонларида йўловчиларга хизмат қиладиган шахс тушунилади.

Прокат деганда, бирор нарсани вақтинча ҳақ эвазига фойдаланиб, қайтариб бериш мажбурияти билан олинадиган ашёлар мажмуи тушунилади.

Протекционизм деганда, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилаш, айрим товарларни олиб келишни чеклаш ёки умуман тақиқлаш орқали давлатнинг хорижий рақобатчилардан ўзининг ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати тушунилади.

Профессия деганда, билим ва тажриба талаб қиладиган касб тушунилади.

Профессионал деганда, бирорта касбни чуқур билим ва тажриба эвазига орттирган мутахассис тушунилади.

Психологик нарх тайинлаш деганда, товар ва хизматларни ҳар бир бозор учун тўғри ва мақбул даражада белгиланган нарх тушунилади. Нархларнинг миқдори харидорлар руҳиятига мос бўлиши керак.

Психометрия деганда, респондентлар (асосан харидорлар)нинг маълум бир дунёқарашини ва хатти-ҳаракатларини миқдорий шаклда баҳолаш воситаси тушунилади. Бунда асосий ахборотлар сўровнома орқали амалга оширилади.

Пудрат деганда, бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни келишув ёки шартнома асосида бажариш тушунилади. Пудрат кўпинча қурилиш соҳасида қўлланилади ва хўжалик юритишнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Бу бош пудратчи (буюртмачи билан бевосита шартнома асосида ишлайди)

ва субпудратчиларга (бош пудратчи билан шартнома асосида ишлайди) бўлинади.

Пул-кредит сиёсати деганда, давлат томонидан иктисодий-ижтимоий юксалишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Пул деганда, ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ўзида ифодалайдиган миллий валюта шаклидаги махсус товар тушунилади.

Пул муомаласи деганда, товар-пул муносабатлари шароитида товарлар айланишига ҳамда нотовар характеридаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг ҳаракати тушунилади.

Пул тизими деганда, тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда товар-пул муносабатларини амалга оширишда ва пул муомаласини ташкил қилишда иштирок этадиган пул шакллари тушунилади.

Пулинг деганда, инвесторларнинг қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ бўлган барча операциялари тушунилади.

Р

Ратель деганда, барча қулайликларга эга бўлган кўчма меҳмонхона тушунилади. Бунга вазон уйларни киритиш мумкин.

Раҳбар ходимлар деганда, бевосита ижодий меҳнат билан шуғулланадиган, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган, жамоани ушбу қарорларни бажаришга сафарбар қила оладиган ва уларни бошқарадиган ходимлар тушунилади.

Реал даромад деганда, нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори тушунилади. Реал даромад аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадининг харид қувватини билдиради.

Рақобат деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот (иш хизмат)ларини кўпроқ сотиш, юқори фойда олиш ва нафтиликка эришиш учун иктисодий манфаатларининг тўхнашишида бир хил иктисодий эркинликнинг таъминланганлиги тушунилади.

Рақобатбардошлик деганда, махсулотнинг, иш, хизмат, корхона, худуд, давлатнинг рақобатчиларга нисбатан иқтисодий ўсишининг барқарорлигини, баҳосининг нисбатан пастлигини ва сифатининг юқорилигини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги ва уларнинг бошқаларга нисбатан устунлигидир.

Рақобат муҳити деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий тенглигининг таъминланганлиги, табақаланмаган бир хил иқтисодий эркинликнинг жорий қилинганлиги, уларнинг фаолиятига турли маъмурий давлат идоралари аралашувининг бартараф қилинишига қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар яратилганлиги ва уларнинг амал қилинаётганлиги тушунилади.

Реал даромад деганда, аҳолининг номинал даромадлари қийматининг солиқлар ва бошқа тўловлардан ортиб, баҳонинг ошишини қоплаган ҳолда, товарлар ва хизматларни сотиб олиш қобилияти тушунилади.

Реализация деганда, товар ва хизматларни ва бошқа ашёларни сотиш натижасида уларни пулга айлантириш тушунилади.

Реал иш ҳақи деганда, ходимнинг ҳақиқий меҳнати учун тўланадиган иш ҳақи бўлиб, товар ва хизматлар баҳосининг ошиши, солиқларнинг ўзгаришини ўзида ифода этган кўрсаткич тушунилади.

Ревальвация деганда, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қадрининг ошиб бориши тушунилади.

Резерв капитали деганда, хўжалик юритувчи субъектлар фойдасидан ажратмалар эвазига ҳосил бўладиган капиталнинг кўзда тутилмаган зарарлар ва қимматбаҳо қоғозлар курсининг тушиб кетиши натижасида рўй берадиган харажатларни қоплашга мўлжалланган маблағ тушунилади.

Резидент деганда, мамлакатда камида бир йилдан ортиқ яшайдиган солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Рейс деганда, йўналишининг бошланишидан охиригиз манзилигача бўлган йўлни босиб ўтишга мўлжалланган транспорт воситаларининг бир марталик ҳаракати тушунилади.

Реклама деганда, бирорта товарни (иш, хизматни) маълум хусусиятлари билан кўз-кўз қилиш мақсадида турли воситалар орқали аҳолига (истеъмолчиларга) маълум қилиш тушунилади.

Реконструкция (қайта тиклаш) деганда, фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш тушунилади. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга, оддий технологияларни юқори технологияларга алмаштириш кабиларга рухсат берилади.

Ректорат деганда, олий ўқув юртларининг ректор бошчилигидаги раҳбарлик аппарати тушунилади.

Рента деганда, мулк эгасининг бировларга фойдаланиш учун берилган мулки эвазига оладиган фойдаси тушунилади.

Рента муносабатлари деганда, ердан фойдаланиш эвазига вужудга келадиган кўшимча соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Рентабеллик деганда, корхона фаолиятининг фойдалик даражаси тушунилади. Унинг бир қанча кўрсаткичлари мавжуд: корхонанинг умумий рентабеллиги; харажатлар рентабеллиги; корхона активлари рентабеллиги, иқтисодиёт салоҳияти рентабеллиги; сотилган маҳсулот рентабеллиги; ўз маблағлари рентабеллиги, жорий активлар рентабеллиги, мажбуриятлар рентабеллиги кабилар. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун соф фойда суммасини қайси кўрсаткичнинг рентабеллигини топиш лозим бўлса, ўша кўрсаткичнинг миқдорига бўлиб юзга кўпайтириш лозим.

Рекреацион вақт деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни истеъмол қилиш даври тушунилади.

Рекреацион зона деганда, аҳолининг ёппасига дам олишини ташкил қилиш, улар томонидан йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини, саломатлигини ҳамда иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлган, алоҳида табиий-иқлим шароитига эга, қўриқланадиган ҳудуд тушунилади.

Рекреацион кадастр деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатишни амалга оширадиган жой ҳақидаги маълумот ифодаланган махсус ташкилотлар томонидан берилган ҳужжат тушунилади.

Рекреацион корхона деганда, фойда олиш мақсадида дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатишга мўлжалланган турли мулк шаклига асосланган ҳўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Рекреацион инфратузилма деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматлардан баҳраманд бўлиш учун зарур бўлган шароитларни таъминловчи субъектларнинг (боғлар, дам олиш зоналари, курортлар, коммунал хизмат корхоналари, транспорт тармоқлари, йўллар кабиларнинг) мавжудлиги тушунилади.

Рекреацион лойиҳа деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатишни ташкил қилишни режалаштириш моделини ишлаб чиқиш тушунилади.

Рекреацион маданият деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматлардан баҳраманд бўлишда маълум меъёрлар, амалдаги қонун ва нормаларга риоя қилиш, дам олиш жойининг бутлигини асл ҳолида сақлашга бўлган муносабат ва кўникманинг шаклланганлиги тушунилади.

Рекреацион потенциал деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатишга мўлжалланган табиий-биологик ҳудуд, барча инфратузилма объектларининг яхлитлиги тушунилади.

Рекреацион район деганда, аҳолининг ёппасига дам олишини таъмин қилиш имконияти мавжуд бўлган, алоҳида табиий-иқлим шароитига эга ҳудуд тушунилади.

Рекреацион ресурс деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлиги ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатишда фойдаланадиган барча рекреацион объектлар (эстетик завқ берадиган жойлар, шифобахш табиий масканлар, табиий ва антропоген тузилмалар, жисмлар ва табиат ҳодисалари, тарихий-маданий мерос объектлари каби) мажмуи тушунилади.

Рекреацион самара деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни истеъмол қилиши натижасида, ундаги индивидуал тарзда ҳосил бўлган қониқиш ҳисси, биологик ва психо-физиологик ҳолати тушунилади.

Рекреацион тармоқ деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатишга мўлжалланган корхона, таъминот ва муассасалар (дам олиш зоналари, рекреацион парклар, тиббий муассасалар, туристик фирмалар, сунъий сув ҳавзалари, овчилар, балиқчилар уйлари санатория ва курортлар каби) мажмуи тушунилади.

Рекреацион тизим деганда, рекреацион фаолиятни амалга оширишда қўлланиладиган барча субъектлар (соғломлаштириш, даволаниш, дам олиш муассасалари, туризм ва у билан боғлиқ субъектлар, туризмга хизмат қилувчи инфратузилма каби) тушунилади.

Рекреацион туризм деганда, дам олиш, даволаниш ва соғломлаштириш тадбирлари билан боғлиқ туризм тушунилади.

Рекреацион фаолият деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган фаолият тушунилади.

Рекреацион хизмат деганда, дам олувчининг йўқотилган жисмоний, ақлий ва маънавий кучини ҳамда саломатлигини ва иш

қобилиятини маълум миқдордаги ҳақ эвазига тиклашга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган хизматларни кўрсатиш жараёни тушунилади.

Ремаркетинг деганда, бозорда бирорта маҳсулот ҳаддан ташқари кўпайиши натижасида унга бўлган талабнинг пасайиб кетганлиги туфайли, талабни қондиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва фирманинг мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бозорда ўз ўрнини топиш билан боғлиқ фаолиятини қайта кўриб чиқишда қўлланиладиган маркетинг тури тушунилади.

Рефакция деганда, маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг сифати шартномада кўрсатилганлигига нисбатан пастоқ бўлса, мос равишда нарҳининг ҳам пасайтирилиши тушунилади.

Референдум деганда, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ маслаҳатига, ҳукмига тақдим этиш, умумхалқ овозига қўйиш деган маъно тушунилади.

Роялти деганда, лицензия берувчига келишилган лицензия шартномаси давомида савдо-сотик фойдасидан (белгиланган ставкада ёки фойизда) бериладиган тўлов тушунилади.

Рэкет деганда, зўрлик ва шантаж ишлатиб бировнинг мулкани тортиб олиш тушунилади.

Рэкетчи деганда, рекетни амалга оширувчи киши тушунилади.

С

Сайлов тизими деганда, ҳукуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган, шунингдек, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган, вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик лавозимига сайлашни ўтказиш ва ташкил этишга доир тартибот тушунилади. Сайловлар тизими – сиёсий тизимнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Сайлов ҳуқуқи икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси, сайловни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳукуқий меъёрлар йиғиндиси; иккинчи маъноси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов даврида ва бошқа тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқи.

Сайловлар деганда, халқнинг сайлов жараёнида хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий шаклларида бири сифатида намоён бўладиган муҳим демократик институт тушунилади.

Халқнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки, асосан, сайловлар орқали амалга оширилади. Шу маънода, мамлакатнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори, кўп жиҳатдан, сайлов тизимининг очиқлиги ва демократиклиги билан белгиланади.

Сальдо деганда, муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ тушунилади.

Самарадорлик деганда, мулк шаклидан қатъи назар, барча мавжуд ресурсларнинг самарали фойдаланиши ва харажатларнинг тежамкорлигини таъминлаш эвазига жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлашга қаратилган, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Самарадорлик кўрсаткичи деганда жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирок этадиган ресурслар ёки харажатларнинг самарадорлигини (натижавийлигини, фойдалилигини) рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.

Самарадорлик мезони деганда эришилган натижанинг, унга эришиш учун фойдаланилган ресурслар ёки қилинган харажатларга нисбати билан ўлчанадиган ўлчов бирлиги тушунилади.

Самарали иқтисодий сиёсат деганда, давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи тушунилади.

Санатория-курорт ёрдами деганда, жамиятдаги алоҳида категориядаги одамларни давлат ҳисобидан санаторияларда дам олдириш, даволаш ва соғломлаштириш хизматлари тушунилади.

Санатория-курорт хизмати деганда, курорт жойларда жойлашган субъектлар (санатория, профилактория кабилар) томонидан кўрсатиладиган дам олувчиларни жойлаштириш, овқатлантириш, даволаш ва дам олиш ишларини ташкил қилишга қаратилган хизматлар тизими тушунилади.

Саклов бирлиги/ҳисоб бирлиги деганда, жисмоний жиҳатдан ихтисослашган архив ҳужжати тушунилади.

Свифт деганда, ахборот комуникация технологиялари ёрдамида халқаро тўловларни амалга оширишнинг автоматлаштирилган тизими тушунилади.

Сектор деганда, институцион бирликлар йиғиндиси тушунилади. Уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуқи ҳам ўхшашиб кетади.

Сервис деганда, жисмоний ва юридик шахсларга, меҳнат жамоасига, ҳудудга, давлатга ва жамиятга ўта сифатли сертификатланган ва лицензияга эга хизмат кўрсатиш жараёни тушунилади.

Сервис фаолияти маданияти деганда, сервиснинг истеъмолчиларга қулай бўлган, бу борадаги миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ва инсоният тамаддунида эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда сервис хизматини аъло даражада кўрсатиш жараёнининг мажмуи ҳисобланади (А.Халикулов).

Сертификат деганда, у ёки бу фаолият, товар, иш, хизмат предмет ва жараёнларнинг маълум даражадаги сифатини тасдиқловчи расмий ҳужжат тушунилади.

Синергетика деганда, бирорта соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида алоҳида-алоҳида субъектлар кучларини бир жойга жамлаган ҳолда ҳаракат қилиш ёки бир куч билан узлуксиз ҳолда белгиланган мақсадга эришиш йўлида таъсир қилиш тушунилади.

Синергетик самара деганда, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани қўлга киритиш ҳамкорликда, барча дахлдор кучларни бирлаштирган ҳолда эришиш ёки битта кучни бир мақсад сари тизимли равишда йўналтириш эвазига эришиш тушунилади.

Солиқ имтиёзи деганда, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли тушунилади.

Солиқ кредити деганда, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли тушунилади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби деганда, солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек, улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим

этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби тушунилади.

Солиқ ставкаси деганда, солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри (%) тушунилади.

Солиқ юки деганда, мамлакат миқёсида солиқ юки барча солиқларнинг яппи ички маҳсулотдаги улуши билан ифодаланган миқдор тушунилади. Корхона миқёсида барча тўланган солиқларнинг сотилган маҳсулотга, фойдасига нисбати билан ҳам ўлчаниши мумкин. Умуман олганда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлари ва бошқа мажбурий тўловларининг йиғиндисини шу субъектнинг даромадига нисбати билан ҳам ўлчаш мумкин.

Солиқ юкини енгиллаштириш деганда, солиқларнинг фоииз ставкаларини камайтириш ва солиқлар бўйича турли имтиёзлар бериш тушунилади.

Солиқлар деганда, белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқларни унификация қилиш деганда, солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш тушунилади.

Сотувчи деганда, товар (иш, хизмат)ларни харидорларга белгиланган (келишилган) нарх эвазига сотиш билан шуғулланадиган шахс тушунилади.

Социал экология деганда, жамиятнинг табиат тизими билан ўзаро боғлиқлигини, инсонларнинг экотизимдаги ўзига хос ролини ва уларнинг бошқа жонзотларга нисбатан атроф-муҳитнинг сақланишидаги ўзига хос афзалликларини ўрганишга бағишланган махсус фан тушунилади.

Стационар туризм деганда, даволаниш ва соғломлаштириш мақсадида битта ёки иккита жойга гуруҳ ёки якка тартибда бориш тушунилади.

Суғурта нусха деганда, алоҳида қимматли ёки ноёб ҳужжатнинг бошқа моддий манбадаги, асл нусхада мавжуд бўлган

ахборотни ўқиш ёки кўриш (эшитиш) имконини берувчи кўчирма нусхаси тушунилади.

Супача деганда, йўловчиларни транспортга чиқариш ва ундан туширишга мўлжалланган йўл қопламаси сатҳидан баландроқ бўлган, вокзалларда, автовокзалларда (автостанцияларда) ва бошқа транспорт тўхтайдиган майдончалардаги махсус кўтарилган қурилма тушунилади.

Т

Табиат компонентлари деганда, планетада ҳаётни таъминлашга қаратилганер, тупроқ, ер ости ва ер усти сувлари, ҳаво атмосфери, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, коинот олами тушунилади.

Табиий ландшафт деганда, маълум иқлим шароитига мослашган тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот оламининг турли хўжалик ва бошқа фаолиятларни юритиш натижасида ўзгармасдан сақланиб қолган ҳудуд тушунилади.

Табиий ресурс деганда, маҳсулот, истеъмол молларини ишлаб чиқаришда хўжалик ва бошқа фаолият юритиш мақсадида энергия манбаи сифатида хизмат қиладиган, истеъмол қимматига эга бўлган табиат компонентларини ўз ичига оладиган табиий объектлар тушунилади.

Тадбиркор деганда, фаолиятини ташаббускорлик ва таваккалчилик асосида мустақил равишда ўз мулкидан ёки бошқалар мулкдан фойдаланиш йўли билан жамиятга нафи тегадиган ва ўзига маълум даража даромад (фойда) олишни таъминлайдиган, қонун доирасида мустақил фаолият кўрсатадиган ғайратли, ишбилармон шахс тушунилади.

Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектларга (тадбиркорларга) нисбатан фаолиятининг кенг қўламлилиги ва истиқболлилиги, харажатлардан мақсадли мувофиқ фойдаланиб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги, маҳсулотининг (иш, хизматининг) баҳоси оптималлиги в сифатининг юқорилиги билан ўз устунлигини таъминлай олиш қобилияти тушунилади.

Тадбиркорларнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлиги деганда, рақобатдош субъектлар товари (иш, хизмати)

сифати ва нархга нисбатан истеъмолчига (харидорга) қулайлиги, унга кетадиган харажатнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўпчилигини таъминловчи омиллар тизимининг мавжудлиги тушунилади.

Тадбиркорлик деганда, тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектларининг бошқа субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган мулкӣ жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада даромад (фойда) олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади.

Тайёр маҳсулот деганда, табиат неъматларини инсон эҳтиёжини фондириш учун истеъмолга тайёр ҳолга келтирилган маҳсулот тушунилади.

Таклиф деганда, аҳоли эҳтиёжларини қондириш учунбозорга олиб чиқилган муайян товарлар, хизматлар ва бошқа неъматларнинг барча ҳажми тушунилади.

Такомиллашган рақобат деганда эркин бозорда жуда кўп субъектларнинг бир хил маҳсулотлар билан бир хил мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши тушунилади.

Талаб деганда, харидор, истеъмолчиларнинг бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги билан бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжларнинг бир қисми тушунилади.

Талассология деганда, одам организмига денгиз суви ва ҳавосининг таъсирини ўрганадиган фан тушунилади. Ушбу фан замирида талассотерапия вужудга келган.

Талассотерапия деганда, соғломлаштириш мақсадида денгизда чўмилиш, иқлимидан ва куёш ваннасидан фойдаланишни омухта ҳолда кўшиб ишлатиш орқали даволаш усули тушунилади.

Таннарх деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ барча харажатлар мажмуи тушунилади.

Тариф деганда, юкларни, йўловчилар ва багажни ташиш учун белгиланган тўлов миқдори тушунилади.

Таркибий ўзгаришлар деганда, миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгартириб бориш тушунилади. Мазкур тадбир янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истикболга эга

бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Таркибий ўзгаришлар сиёсати деганда, давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Тартибга келтириш деганда, архив рўйхатларини тузиш, йиғма жилдларни шакллантириш ва расмийлаштириш, ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказишни ўз ичига олган ҳужжатларни илмий-техникавий ишлаш ва архивларда сақлаш учун тайёрлаш, шунингдек архив рўйхатларини тузиш бўйича ишлар мажмуи тушунилади.

Ташиш маркетинги деганда, йўловчилар сўрови ва талабларини ўрганиш тизимини яратиш, йўловчилар тарифи янги тизимини киритиш, транспорт хизматига бўлган талабни прогноз қилиш, ташишни тезкор ва стратегик режалаштиришларини амалга ошириш тизими тушунилади.

Ташкил қилинмаган туризм деганда, турстларнинг ўзлари мустақил равишда бирорта туристик ташкилотнинг кўмагисиз зарур ҳолларда ҳар бир хизматга ўзлари тўловни амалга ошириб қилинган саёҳати тушунилади.

Ташкилий туризм деганда, турфирмалар томонида бирорта тур бўйича олдиндан тўлов натижасида ташкил қилинган саёҳат тушунилади.

Ташқи қарз деганда, мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассаса-ларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми тушунилади.

Ташқи нодавлат қарзлар деганда, мамлакатдаги хусусий шахслар ва нодавлат ташкилотлари томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми тушунилади.

Ташқи савдо деганда, бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатларининг (экспорт ва импорт) амалга оширилиши тушунилади.

Ташқи савдо сиёсати деганда, бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги тенг ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаатдорлик

кўзда тутиладиган, товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб бориладиган кенг кўламли сиёсати тушунилади.

Ташувчи деганда, мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида ташийдиган транспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Таълим хизматлари деганда, инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тушунилади.

Таксимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар деганда, савдо, транспорт хизмати, воситачилик, брокерлик хизматлари каби ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган хизматлар тушунилади.

Тахдид ва хатарлар деганда, мавжуд мажоралар ва муаммоларнинг кескинлашуви, янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, минтақавий ва миллатлараро низоларнинг кучайиши, турли тўқнашувларнинг содир бўлиши, инқирозларнинг пайдо мавжудлиги каби беқарорлик ҳолатлар тушунилади.

Телекоммуникацион инфратузилма деганда, турли ахборотларни, хусусан, автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуаси тушунилади.

Телекоммуникация деганда, симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни масофадан узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни тушунилади.

Техник персонал деганда, раҳбар ва мутахассисларнинг ишини енгиллаштирадиган, ижодий меҳнат ва юқори малака талаб қилмайдиган оддий ёрдамчи ходимлар тушунилади.

Технологик жараёнларни модернизациялаш деганда, олдинги технологияларга нисбатан замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб

чиқарадиган тежамкор ва самарали технологияларнинг жорий қилиниши тушунилади.

Тиббий ёрдам деганда, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ташхис (диагноз) қўйиш, касалликларни профилактика қилиш, даволаш, тиклаш (реабилитация) каби жараёнларнинг касбий маҳоратини ишга солган ҳолда бепул амалга ошириладиган тиббиёт ходимлари меҳнат жараёни тушунилади.

Тиббий хизмат деганда, мижозларга (беморларга) тўлов асосида кўрсатиладиган тиббий хизматларни (ташхис қўйиш, касалликларни профилактика қилиш, даволаш, тиклаш ишларини) маълум даражада нархланган ҳолда ва ушбу нарх замирида барча харажатларни қоплаб фойда олиш кўзда тутилган тиббий хизматларга асосланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Тижорат банклари деганда, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек, хусусий мижозларга шартнома асосида фойда олиш мақсадида ҳар хил турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклар тушунилади.

Тижорат сири деганда, фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодий каби соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган бирорта шахсга (ихтирочи, мулкдор кабиларга) тегишли ахборот тушунилади.

Тижорат сирининг конфиденти деганда, тижорат қимматига эга бўлган тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Тижорат сирининг махфийлиги деганда, тижорат сирининг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланиш бўйича хавфсизлиги таъминланган тижорат қимматига эга бўлган ахборотлар тушунилади.

Тижорат сирининг мулкдори деганда, тижорат сирига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Тижорат сирини ошкор этиш деганда, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотлар мулкдорининг розилигисиз тижорат қимматига эга бўлган ахборотларни ноқонуний тарзда ошкор этилишига олиб келадиган ҳаракат тушунилади.

Тижорат сири режими деганда, тижорат сиридан фойдаланишни чеклайдиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа чоратадбирлар тизими тушунилади.

Товар деганда, маълум қийматга эга бўлган, инсонларнинг бирорта эҳтиёжини қондиришга ва сотишга мўлжалланган маҳсулот тушунилади.

Толерантлик деганда, турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси бир-бирини тушуниши англатилади.

Топографик кўрсаткичлар деганда, архив сақловхонасида ҳужжатли материалларнинг жойлаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар рўйхати тушунилади.

Транспорт хизмати деганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ҳамда жамиятнинг йўловчи ва юк ташиш билан боғлиқ эҳтиёжини сифатли хизмат кўрсатиш йўллари билан қондиришга қаратилган транспорт ходимларининг нафли фаолияти тушунилади.

Трафарет деганда, йўловчиларни йўналиш тўғрисида хабардор қилишга мўлжалланган кўрсаткичлар тушунилади.

Тунаш деганда, битта туристнинг бир суткада битта ҳудудда ёки мамлакатда бўлиб, бир кеча тунаши тушунилади.

Тур деганда, белгиланган маршрут бўйича белгиланган вақтда белгиланган туристик хизматлар мажмуи тушунилади.

Тур ташкилотчи деганда, бирорта туристик фирмага туристлар гуруҳини тўплашга кўмаклашувчи шахс ёки турагент тушунилади.

Турагент деганда, турли туристик фирмалар томонидан улгуржи шаклда етказиб берилган турларни ва бошқа туристик хизматларни чакана баҳода сотиш билан шуғулланадиган туристик фирмалар ёки шу соҳа билан шуғулланадиган жисмоний шахслар тушунилади.

Турагентлик фаолияти деганда, туристик хизматларни истеъмол қилувчи ва мазкур хизматларни кўрсатувчи субъектлар ўртасида воситачи ролини амалга оширадиган, ўзлари эса бевосита туристик хизматларни амалга оширмайдиган субъектлар фаолияти тушунилади.

Туризм деганда, жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан дам олиш, соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки

бошқа мақсадларда борадиган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда бир йил муддатдан ошмаган муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади.

Туризм бозори сигими деганда, туристик маҳсулотларни истеъмол қилиш учун, унинг сотувчилари билан шартнома тузган ва ундан фойдаланган туристик маҳсулот истеъмолчилари тушунилади.

Турист деганда, соғломлаштириш, ўз билимларини ошириш, касбий-ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда 24 соатдан 6 ойгача муттасил ёки бир кечадан кам бўлмаган муддатда бошқа жойда ётадиган ўзга давлатга ёки ҳудудга боровчи шахс тушунилади.

Туристик гуруҳ раҳбари деганда, туристик фаолият билан шуғулланадиган субъектининг вакили бўлган ва унинг номидан иш кўриб, туристларга ҳамроҳлик қилувчи, туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларининг бажарилишини таъминловчи жисмоний шахс тушунилади.

Туристик индустрия деганда, табиат бойликларидан, моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланган ҳолда туристларга туристик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, туристларга хизмат қилишга, уларга кадрлар тайёрлашга, маданий ва маиший хизматларни амалга оширишга, илмий ишланмаларни етказиб беришга қаратилган турли тармоқлар тушунилади.

Туристик инфратузилма деганда, туризмга хизмат қиладиган йўллар (автомобил, темирйўл, ҳаво каби), коммунал хизмат комплекслари (сув, электр энергияси, газ, иссиқлик кабиларни етказиб берадиган субъектлар), ўша ҳудудда жойлашган маҳаллий муассасалар (почта, телефон, телеграф, соғломлаштириш муассасалари, дўконлар, маданий муассасалар, спорт объектлари кабилар) ва ҳаракатлантиришга хизмат қиладиган транспорт воситалари мажмуи тушунилади.

Туристик йўлланма деганда, турист ёки туристлар гуруҳи учун турист-экскурсия ва мазкур хизматларни олиш ҳукукини берадиган ҳужжат тушунилади.

Туристик комплекс деганда, туристларга хизмат қиладиган барча бино, иншоотлар мажмуи тушунилади. Бунга туристларнинг яшашини таъминлайдиган меҳмонхоналар, овқатланишини ташкил қиладиган овқатхоналар (ресторан, кафе, бар ва ҳ.к.), ҳаракатини

таъминлайдиган транспорт воситалари, дам олишига хизмат қиладиган театрлар, кинотеатрлар, томоша қиладиган музейлар, манзарали табиат, чўмилишга мўлжалланган сув хавзалари, спорт билан шуғулланадиган стадионлар, спорт майдончалари киради.

Туристик маҳсулот деганда, туристларнинг сафар пайтида истеъмол қилиш учун зарур бўладиган ва маълум истеъмол қийматига эга бўлган моддий ашёлар ва хизматлар мажмуи тушунилади.

Туристик объект деганда, туристларни ўзига жалб қиладиган табиат манзаралари ва инсоннинг қўли билан яратилган ноёб маданий, тарихий, археологик обидалар мажмуи тушунилади.

Туристик ресурс деганда, маълум ҳудудда жойлашган табиий-иклим, этнографик ва маданий-тарихий объектлар тушунилади.

Туристик сертификат деганда, туристик хизматлар сифатини ва уларнинг муайян стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиқловчи давлат томонидан тасдиқланадиган ҳужжат.

Туристик товарлар деганда, сувенир ва бошқа товар маҳсулотлари, туристларга ёки сайёҳларга туристик хизмат кўрсатиш жараёнида зарур бўладиган туризм мақсадларига мўлжалланган истеъмол товарлари тушунилади.

Туристик фаолият деганда, туризмни ташкил қилиш билан шуғулланадиган туроператорлик ва турагентлик ҳаракатларини ўз ичига оладиган туризмга оид фаолият тушунилади.

Туристик фаолият субъектлари деганда, белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган фирмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тушунилади.

Туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия деганда туристик фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи тегишли ташкилотдан бериладиган махсус рухсатнома.

Туристик фирма деганда, туристларга туристик хизматларни кўрсатишга мўлжалланган, расмий рўйхатдан ўтган, тижорат мақсадида фаолият кўрсатадиган юридик шахс тушунилади.

Туристик хизматлар деганда, туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчилари (туристлар) билан уларни ишлаб чиқарувчилар (турфирмалар ва туристларга хизмат қилувчи бошқа субъектлар) ўртасида содир бўладиган туристик маҳсулотлар ва

хизматларни истеъмоли қилиш жараёнидаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Туристик экскурсия фаолияти деганда, туристик фаолиятнинг экскурсияларни ташкил этишга доир қисми қисми бўлиб, тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва бошқа объектлар билан таништириш мақсадида олдиндан тузилган йўналишлар (маршрутлар) бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигидаги 24 соатдан ошмайдиган саёҳат тушунилади.

Туроператор деганда, туризмни реклама қилувчи ва турмаҳсулотларни ишлаб чиқарб, улгуржи шаклда оммавий фойдаланиш учун етказиб бериш билан шуғулланаувчи туристик фирмалар тушунилади.

Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмоли қилиш даражасининг ҳолати тушунилади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар деганда, бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида корхона (фирма) фаолиятига хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси деганда, муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбати тушунилади. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар кирилади.

У

Угра деганда, ундан тайёрланадиган ҳамирни узун ва майда қилиб кесган ҳолда суюқ қилиб пишириладиган миллий таъом тушунилади.

Уддабурон деганда, касбига мос келадиган ҳар қандай ишни ўз вақтида ва сифатли бажаришга қодир бўлган мутахассис тушунилади.

Узоқ муддатли депозитлар деганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлари тушунилади.

Уй хўжалиги деганда, оила мулкига асосланган шу оила хўжалиги ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш ва уни оила аъзолари ва ёлланган кишилар ўртасида тақсимлаш мақсадида ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолият билан шуғулланиш учун бир оила аъзолари атрофида уюшган кишилар (шу жумладан, ёлланган кишилар) гуруҳи тушунилади.

Уйғунлаштириш деганда, истеъмолчиларнинг фикрини товар ҳақидаги фикрларини ҳақиқий товарнинг хусусиятлари билан бир-бирига мувофиқлаштириш тушунилади.

Уклад деганда, бирорта жамият ёки жараёнларнинг тузулиши, тартиби тушунилади.

Улгуржи нарх деганда, корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқарган товар ва маҳсулотларини қайта сотиш учун қандайдир бир субъектга кўгара (кўп ҳажмда) сотишда қўлланиладиган таннархга яқин нарх тушунилади.

Улов деганда, оамларнинг бир манзилдан иккинчи манзилга бориши учун миниб борадиган юриш воситаси (хайвон, транспорт воситалари) тушунилади.

Умуминсоний бойликлар деганда, барча халқларга, бутун инсониятга хизмат қиладиган моддий ва маънавий бойликлар мажмуи тушунилади.

Универмаг деганда, кенг қўламдаги товар ва маҳсулотлар билан савдо қилувчи харидарлар учун анча қулайликларга эга бўлган йирик дўкон тушунилади.

Унификация деганда, турли хилдаги иқтисодий жараёнлар, маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни ягона тизимга, бир хилликка келтирмоқ, уйғунлаштирмоқ тушунилади.

Унумли меҳнат деганда, меҳнат натижасида моддий неъмат (товар, иш, хизматнинг бир тури) ишлаб чиқариш тушунилади.

Унумсиз меҳнат деганда, меҳнат натижасида номоддий неъматларни (асосан хизматнинг аксарият номоддий қисмини) ишлаб чиқариш (кўрсатиш) тушунилади.

Урбанизация деганда, аҳолининг саноат ишлаб чиқаришга ва замонавий технологияларга қизиқишининг ортиши эвазига шаҳарларга тўпланиш жараёни тушунилади.

Устав деганда, бирорта хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолиятини қамраб оладиган ички меъёрий ҳужжат тушунилади.

Устама деганда, товарнинг нархига қўшиб ҳисоблайдиган қўшимча маблағ тушунилади.

Утилизация деганда, фойдаланиш муддати тугаган, аммо ёроқли бўлган нарсалардан яна қўшимча равишда фойдаланиш тушунилади.

Уюшма деганда, бир қанча бир-бирига яқин субъектларнинг бирор мақсадни биргаликда амалга ошириши учун тўпланган гуруҳи тушунилади.

Уюшган туризм деганда, бир гуруҳ туристларни турфирмалар орқали белгиланган маршрут бўйича барча талабларга жавоб берадиган саёҳатни ташкил қилиниши тушунилади.

Ф

Фабрика деганда, хом ашё ва материаллардан техника ёрдамида асосан тўқимачилик маҳсулотлари ва улардан тайёр буюмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона тушунилади.

Файл деганда, маълум ахборотларни компьютер хотирасида сақлашга мўлжалланган дастурий маҳсулот тушунилади.

Факс деганда, ахборотларни электрон тарзда узатиш ва қабул қилиб олишга мўлжалланган ускунага ўрнатилган махсус рақам тушунилади.

Факт деганда, бирорта ҳодиса ёки жараёнлар, предметлар тўғрисида аниқ далилни тасдиқловчи маълумот тушунилади.

Фактура деганда, бирорта субъектдан иккинчисига жўнатишган товар (маҳсулот)ларнинг турлари бўйича миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилган ҳужжат тушунилади.

Фаолият деганда, бирорта шахснинг (юридик, жисмоний) ўз вазифаси доирасида олиб борадиган ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Фауна деганда, бирорта мамлакат, ҳудудга ёки даврга мансуб бўлган ҳайвонлар дунёси тушунилади.

Фельдшер деганда, олий маълумотли (малакали) шифокор ёрдамчиси вазифасини бажарадиган ўрта махсус маълумотга эга бўлган тиббиёт ходими тушунилади.

Ферма деганда, қишлоқ хўжалик соҳасининг чорвачилик, парандачилик каби йўналишлари билан шуғулланадиган, ўз ерига ва иншоотларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Фермер деганда, қишлоқ хўжалик соҳасининг чорвачилик, парандачилик, ўсимликчилик каби йўналишлари билан шуғулланадиган, ўз ерига ва иншоотларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг эгаси (бошқарувчиси) тушунилади.

Фермер хўжалиги деганда, ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Фестивал деганда, санъатнинг маълум бир тури бўйича белгиланган вақтда ва белгиланган жойда ўтказиладиган санъат соҳаси бўйича оммавий кўрик танлови билан боғлиқ бўлган санъат байрами тушунилади.

Физиотерапия деганда, одам организмни турли сунъий таъсирлар (юқори частотали электр қуватини бериш, оғрик қолдириш учун минералларни электр токи бин организмга сингдириш кабилар) билан даволаш йўллариини ўрганадиган ва амалга оширадиган усуллар (фан) мажмуи тушунилади.

Филармония деганда, мусиқа, кўшиқчилик каби йўналишлар бўйича саъатни тарғиб қилувчи ва санъаткорларни етиштирувчи саъат муассаси тушунилади.

Филиал деганда, бирорта йирик корхона ёки муассасага мансуб бўлган, унинг йўналиши бўйича фаолият олиб борадиган мустақил субъект тушунилади.

Фирма деганда, тегишли тарзда расмийлаштирилган ва мустақил тарзда бирорта соҳа бўйича (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш каби) фаолият олиб борадиган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Фитосенот деганда, инсонлар учун фойдали бўлган бир-бири билан боғлиқ ўсимлик дунёси тушунилади.

Флора деганда, бирорта мамлакат, ҳудудга ёки даврга мансуб бўлган ўсимликлар дунёси тушунилади.

Флотель деганда, сувда сайр килишга, сайёҳларга турли сифатли хизматлар кўрсатишга (балиқ овлаш, сув чанғи, сувда сузиш, бассейн, тринажёр каби) мўлжалланган махсус сузувчи меҳмонхона тушунилади. Ушбу меҳмонхона шаҳар ичдаги сувларда тўхтаб турган ҳолатда бўлиши ҳам мумкин.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акциядорлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Фоииз нормаси (ставкаси) деганда, фоииз ёки фоиизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоиизда ифодаланиши тушунилади.

Фойда деганда, корхонанинг маҳсулотларни (иш, хизматларни) сотишдан тушган тушумидан унга кетган харажатларни қоплагандан кейинги қисми тушунилади. Бу ялпи **фойда**, деб аталади. **Соф фойда** деганда, ялпи фойдадан турли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан кейинги қисми тушунилади.

Фойда суммаси деганда, корхонанинг молиявий натижаларини пулда ифодаланган умумлашган кўрсаткичи тушунилади.

Фойдаланувчи деганда, архив ҳужжатларидан зарур маълумотларни олиш ва улардан фойдаланиш учун архивга мурожаат этувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.

Фойдалилик деганда, бирорта ресурс, ҳаракат, жараёнларнинг бир бирлигига белгиланган муддатда тўғри келадиган фойда олиш даражаси тушунилади. Одатда ушбу кўрсаткич иқтисодий адабиётларда ва амалиётда **рентабеллик** кўрсаткичи сифатида ифодаланади.

Фольклор деганда, санъатнинг халқ оғзаки ижодига асосланган қадимий тури тушунилади.

Фонд деганда, маълум бир мақсад учун ғамлаб қўйилган маблағ ва бошқа бойликлар тушунилади. Корхона фонди деганда, шу субъект фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ва тўпланган моддий ҳамда молиявий маблағлар мажмуи тушунилади. Жамоат фонди деганда, бирорта жамоат ташкилоти ёки муассасаларга уюшган жамоат аъзоларини турли йўналишларда қўллаб

қувватлашга мўлжалланган моддий ва молиявий бойликлар тушунилади.

Фонд бозори деганда, қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнларини амалга оширувчи махсус ташкиллаштирилган бозор тушунилади.

Фондлаштириш деганда, архив хужжатларининг фондларга тегишлилигини ва архив фондларининг даврий чегараларини аниқлаш бўйича ишлар мажмуи тушунилади.

Форс-мажор деганда, шартнома қилган субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда келиб чиқадиган шартларни бажариш имконияти чекланган вазиятлар тушунилади. Бундай вазият кўп ҳолларда икки тарафнинг қўшимча келишуви асосида ҳал қилинади.

Форс-мажор келишуви деганда, икки томоннинг ҳам шартномани бажариш имконияти ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда чекланган пайтда томонлар нима қилишligи ҳақида олдиндан келишилган ва бу шартномада ўз ифодасини топган шартлар тушунилади.

Форум деганда, бирорта мавзуга бағишланган илмий-назарий, амалий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўзида мужассам этган кенг кўламли анжуман тушунилади.

Фотосафари деганда, ноёб тарихий, ижтимоий ва табиий объектларни ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликларни фото суръатга олиш мақсадида қилинган саёҳат (сафар) тушунилади.

Фототелеграф деганда, турли расмлар, хатлар, расмий хужжатларни телеграф орқали расм шаклида жўнатиш тушунилади.

Фототерапия деганда, ултрабинафша, инфрақизил нурлар ёрдамида ёруғлик билан даволаш тури тушунилади.

Франчайзинг деганда, йирик компания (фран-чайзер) ҳамда кичик фирмалар (фран-чайзи) ўртасидаги шартнома тизими бўлиб, унга асосан франчайзига фран-чайзернинг маҳсулотларини унинг товар белгисидан фойдаланган ҳолда сотиш ҳуқуқи берилиши тушунилади.

Франшиза деганда, маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган алоҳида нуфузга ва имтиёзга эга бўлган ҳуқуқ тушунилади.

Франчайзер деганда, аниқ ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти билан шуғулланишга лицензия

(рухсатнома)га эга бўлган хўжалик юритувчи субъект (корхона, компания, акциядорлик жамияти кабилар) тушунилади.

Франшиз контракти деганда, ишлаб чиқарувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) субъект бошқа субъектларга товар ва хизматларни махсус имтиёзлар асосида узоқ муддат давомида мунтазам равишда етказиб бериш мажбурияти тушунилади.

Фрахт деганда, транспорт воситаларига йўловчи ва юк ташиш учун таърифда белгиланган келишилган суммани тўлашга қаратилган битим тушунилади.

Фуқаролик жамияти деганда, Конституциявий ҳуқуқ назариясида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ ва демократияга асосланган зарурий ва оқилона усули, инсонга унинг иқтисодий ва сиёсий борлиқнинг шакллари эркин танлаш ҳуқуқи қафолатланадиган, инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган ижтимоий тузум тушунилади.

Фуқаролик жамияти институти деганда, жамиятда қарор топган муайян ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий фаолиятни амалга оширадиган нодавлат ташкилотлари тушунилади.

Фуқаролик масъулияти деганда, жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ютуқ ва муваффақиятига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўлайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиш лозимлигини англаши тушунилади.

Функция деганда, бирорта субъектнинг ўз фаолиятини амалга ошириш учун лозим бўлган алоҳида вазифалари мажмуи тушунилади.

Фуқаро деганда, бирорта мамлакатда доимий яшайдиган ва шу мамлакатга мансуб аҳоли тушунилади.

Фуқаролик жамияти деганда, бирорта мамлакатда доимий яшайдиган ва шу мамлакатга мансуб аҳолининг бирор мақсад ва йўналишга эга бўлган уюшган гуруҳи тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқи деганда, бирорта мамлакатда доимий яшайдиган ва шу мамлакатда яшашга, фаолият юритишга, қонуний мажбурияти ва бурчига эга бўлган шахснинг ҳуқуқи тушунилади.

Х

Хабар деганда, содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисалар тўғрисида оғзаки, ёзма ҳолатда, телефон, радио, телевидение ва бошқа босма оммавий ахборот воситалари орқали етказиладиган маълумот тушунилади.

Хабарнома деганда, бирорта бўлган ва бўладиган ҳодиса ва жараёнлар ҳақида махсус чақирув қоғози тушунилади.

Хавотир деганда, бирорта содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар натижалари ҳақида тегишли одамларнинг ҳадиксираб ташвишланиши тушунилади.

Хаёл деганда, кишининг тасаввур қилиши, ўйлаши, орзу қилиши тушунилади.

Хаёлий рақобат деганда, харидорларнинг рақобатчилар ўртасидаги энг паст баҳоли товари (иш, хизмат)ни хаёлан харид қилишга йўналтирилган ҳаракати тушунилади.

Хазина деганда, бирорта шахс, корхона, давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюмлар (олтин, қумуш каби нодир металллар) пул ва бошқа бойликлар сакланидиган жой тушунилади.

Хайрия деганда, мухтожларга бериладиган хайр-эҳсон тушунилади.

Хакер деганда, информатика соҳасида ҳар қандай кўринишдаги конунга зид, яъни ўзгалар компьютер тармоғига ноқонуний кириб, уларнинг маълумотларини олиш, дастурларни чалкаштириш, вирусларни тарқатиш каби ноқонуний ҳаракатлар содир этувчи шахс тушунилади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) деганда, халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида ташкил этилган халқаро молия институти тушунилади. Бу ташкилот 1944 йилда ташкил этилган. ХВЖ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов баланснинг камомати билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот бўлиб ҳисобланади. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган. Унга аъзо давлатларнинг сони йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Халқаро ташкилотлар деганда, халқаро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳайтида ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига, умуманжаҳон халқаро сиёсий-иқтисодий муносабатлар жараёнида ҳаракатга киришадиган халқаро ташкилотлар мақомига эга субъектлар тушунилади.

Халқаро транзит деганда, хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари жўнатган мамлакат ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлиши лозимлиги кўзда тутилган ташилиш тушунилади. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса — билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

Харидор деганда, ўз эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларни (иш, хизматларни) сотиб олувчи тушунилади.

Хизмат деганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли фаолияти тушунилади.

Хизмат ижтимоий соҳа сифатида тан олинishi, инсонлар ҳаётини яхшилашга, япаш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган фаолият билан шуғулланадиган субъектлар тамонидан кўрсатиладиган хизматларда ўз ифодасини топади.

Хизмат иқтисодий соҳа сифатида тан олинishi, бевосита хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи эканлигида ва шу жараёнида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг бир қисми яратилишида намоён бўлиши инobatга олинади.

Хизмат кўрсатиш деганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан наф келтирадиган онгли фаолиятининг хизматларни кўрсатишга йўналтирилган қисми тушунилади.

Хизмат кўрсатишнинг табиати деганда, унга кимнинг манфаати нуктаи назардан қаралиши тушунилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси деганда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истёсмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари тушунилади. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт,

алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (хукукий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Хизмат сифати деганда, жамиятнинг (одамларнинг, корхоналарнинг, давлатнинг) хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлалигича юқори савияда қондиришга қаратилган ва уларга кам харажатлар билан тегишли даражада моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтирадиган нуқсонсиз хизматлар мажмуи тушунилади (А.Холикулов).

Ходимлар сони деганда, корхонада банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони тушунилади. Сон жиҳатидан ходимлар сони, меҳнат салоҳияти билан тенг бўлади.

Ходимлар малакаси ва кўникмасини модернизациялаш деганда, ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш эвазига замонавий усулларда бошқариш, техника ва технологияларни ишлатишга қодир ходимларни янгидан шакллантириш тушунилади.

Хонадон хўжалиги деганда, бир хонадонда яшовчи бир ва ундан кўп оилаларнинг биргаликда ўзларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун оила мулкига асосланган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятини амалга ошириш ҳамда фойдани оила аъзолари ва хонадоннинг бошқа аъзолари ўртасида тақсимлаш мақсадида бир хонадонда (оила аъзолари билан бошқа кишиларнинг ҳам) бирга яшовчи кишилар тушунилади.

Хорижий рақобат деганда, мазкур мамлакат субъектларининг хориждан импорт қилинган товарлари таъсирида бўлиши тушунилади.

Хусусий меҳнат деганда, мустақил равишда якка тартибда товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар меҳнати тушунилади.

Хусусий мулкдор деганда, моддий ва номоддий неъматларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳукукига эга бўлган жисмоний шахс тушунилади.

Хусусий тадбиркорлик деганда, фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида ҳаракатдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускорликка асосланган хўжалик фаолияти тушунилади.

Хўжалик механизми деганда, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу жараёнларни тўғри режалаштириш, рағбатлантириш ва бошқаришнинг турли усулларида фойдаланган ҳолда ташкиллаштириш тизими тушунилади.

Ч

Чавандоз деганда, мусобақада илдам олдинга кетадиган, илғор шахс, корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Чайқов бозори деганда, маҳсулотни ишлаб чиқармасдан, етиштирмасдан фақат сотиб олиб сотадиган, олиб сотарлар савдо қиладиган бозор тушунилади.

Чайқовчи деганда, бирорта бозорда туриб бировлар етиштирган ёки ишлаб чиқарган маҳсулотини арзон нархга сотиб олиб, ўзининг фойдасини қўшиб қимматроққа сотадиган, яъни фақат олди-сотди билан шугулланадиган шахс тушунилади.

Чакана савдо деганда, сотувчи томонидан харидорнинг талабига қараб, доналаб, майдалаб ёки кичик ҳажмда истеъмол учун сотиш жараёни тушунилади.

Чала иш дейилганда, охиригача етказилмаган, тугалланмаган, тўлиқ бўлмаган предмет, ходиса ва жараёнлар тушунилади. Масалан чала уй, чала ҳайдалган, чала бой, чала шоир, чала туғилган, чаламулла, чаласавод ва ҳ.к.

Чалғитмоқ деганда, олди-сотди жараёнида сифатсиз товарини (молини) мақтаб, харидорни чалғитиб сотиб юборишда қўлланиладиган сотувчининг найранги тушунилади.

Чанқовбосди ичимлик деганда, одамнинг чанқаган, сувсираган пайтида ичиладиган сув, чой, турли шарбатлар каби суюқликлар ва инсонларнинг бир-бирига меҳрининг ташналиги тушунилади.

Чаппасига айланди деганда, бирор бир режалаштирилган, мўлжалланган ишнинг тескарисига айлангани, бирор нарсани қўйганда олди орқасига қараб қолгани, бирор нарсани тахлаганда ости устига чиқиб қолган ҳолатлари тушунилади.

Чарағон кўчалар деганда, равшан ёритилган кўчалар тушунилади.

Чартер рейс деганда, денгиз ёки ҳаво орқали йўловчи ёки юк ташиш учун кема ёки самолёт эгаси билан уни ёлловчи шахс ўртасидаг тузилган шартнома асосида амалга ошириладиган бир ёки бир неча марталиқ рейс тушунилади.

Чарчоклик аломати деганда, ишлаётган кишиларнинг ҳориб-чарчаб қолиши, фойдаланилаётган асбоб-ускуна ва технологияларнинг тез-тез бузулиб бошлаши тушунилади. Шундай ҳолат рўй беравергач ушбу одамларни дам олдириш, техника ёки технологияни модернизация қилиш (янгилаш) лозим бўлади.

Чатиштириш деганда, ирсий жиҳатдан бир-бирига ўхшамайдиган икки жинсий хужайрани табиий ёки сунъий қўшилиши орқали янги нав, янги зотни юзага келтириш тушунилади.

Чегара деганда, давлатларни, ҳудудларни бўлиб турадиган маълум бир чмзик ёки иқтисодий жараёнда белгиланган меъёр доирасидаги фаолият, ҳаракат тушунилади.

Чеклаш деганда, маълум бир чегара, меъёр доирасидан чиқмасликни қатъий тартиб асосида белгилаб қўйиш тушунилади.

Чексизлик деганда, ишнинг ҳам, майдоннинг ҳам, изтиробнинг ҳам, хурсандчиликнинг ҳам чеки чегараси йўқ бепаён, битмас-туганмас ҳолат тушунилади.

Чет эл инвестициялари деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий, молиявий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар тушунилади.

Чигал режа деганда, чалкашиб, мураккаблашиб, қийинлашиб кетган, бошини ва охирисини топиб бўлмайдиган ишларни бажариш учун тузилган режа тушунилади.

Чидамли техника деганда, турли шароитларда ўзгармайдиган, узоқ муддат хизмат қиладиган, мустаҳкам ишланган, ҳар хил вазиятларда ўз хусусиятларини йўқотмайдиган воситалар тушунилади.

Чидамсиз деганда, турли оғир табиий ва ижтимоий шароитларга бардош бера олмайдиган, узоқ муддат давомида хизмат қилаолмайдиган, турли шароитларда ўзининг хусусиятларини сақлай олмайдиган предметлар ва жонли жонзотлар тушунилади.

Чиланган (слесарь) деганда, металл буюмларини кўлда ясовчи, темирчи, тузатувчи мутахассис тушунилади.

Чилла деганда, йилнинг энг иссиқ ва энг совуқ қирқ куни тушунилади. Ёзнинг чилласи 25 июндан 5 августгача, қишнинг чилласи 25 декабрдан 5 февралгача бўлган вақт оралиғида бўлади.

Чилпарчин қилмоқ деганда, бир бутун нарсани парча-парча қилиб бўлақларга (қирқтага) бўлмоқ, сидирмоқ тушунилади. Чилчил қилмоқ деганда, рамзий маънода битта нарсани қирқта қирқта қилиб, майда бўлақларга бўлиб ташламоқ тушунилади.

Чиниктирмоқ деганда, одамларнинг ўз организмни меҳнат ёки жисмоний тарбия билан ҳар қандай иссиқлик ва совуқлик билан боғлиқ оғир шароитга, касаллик ва шу кабиларга бардош бериш қобилиятини оширмоқ тушунилади.

Чипта деганда, транспорт воситадаридан йўловчи сифатида фойдаланишга бўлган ҳуқуқини ҳамда йўловчи ва ташувчи ўртасида ташувлар юзасидан ошкора шартномалар тузилганлигини тасдиқловчи қатъий ҳисобда турадиган йўловчининг ҳақ тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат тушунилади.

Чирмашмоқ деганда, маҳкам ёпишиб, ўралиб олиб, тирмашиб юқорига интилмоқ тушунилади. Бунини инсонларга қиёс қилинса, бирор мақсадга эришиш учун жон-жаҳди билан тирмашиб, мақсадга эришгунча ҳаракат қилиш тушунилади.

Чиройли тамоша деганда, ёқимли, жозибали, гўзал, кўркем, шакли ва мазмуни жиҳатидан ҳаммага манзур бўладиган, завқ бағишлайдиган тамоша тушунилади.

Читфуруш деганда, чит савдоси билан шуғулланувчи савдогар тушунилади.

Чиқим деганда, бирор фаолиятни амалга оширида сарфланиши кўзда тутилган (сарфланган) моддий, молиявий харажатлар тушунилади.

Чиқинди деганда, бирор нарсанинг керакли қисми ишлатилгандан кейинги қолдиги, шунингдек, ушбу жараёнда турли қўқимларнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Чиқит деганда, бирор нарсани ишлатиш жараёнида вужудга келган яроқсиз нарса тушунилади. Масалан, бомахона чиқитлари, ошхон чиқитлари, уй-рўзғор чиқитлари. Ҳозирги шароитда чиқиндилар қайта ишланиб яна истеъмолга, фойдаланишга яроқли товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Чойлашмоқ деганда, улфатларнинг, якин биродарларнинг бирга чой ичишиб ўтириб суҳбат қуриши тушунилади.

Чойфуруш деганда, бозор ва бошқа жойларда чой савдоси билан шуғулланувчи савдогар, тижоратчи тушунилади.

Чойчақа деганда, майда харажатлар учун мўлжалланган оз миқдордаги пул тушунилади. Айрим ҳолларда тахчил молни топиб бергани учун дўкончига бериладиган устама ҳақ тушунилади.

Чора деганда, бирор мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки бирорта хавфнинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, бажаришга масъуллар, бажариш вақти кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи.

Чорвачилик деганда, қишлоқ хўжалигида чорва молларини боқиш, урчитиш, чорва маҳсулотларини (гўшт, сут, тухум каби) етиштириш билан шуғулланишга мўлжалланган соҳа тушунилади.

Чорпоя деганда, катта хавлига қўйиб фойдаланадиган тўрт оёқли корават тушунилади.

Чорраҳа деганда, транспорт қатнайдиган тўртта кўча ёки йўл кесишган серкатнов, гавжум жойи тушунилади.

Чорсупа деганда, тўрт томонинг узунлиги бир хил бўлган ҳовлига ўрнатилган (қурилган) супа.

Чоғиштирма деганда, бирорта нарсани, воқеа ва ҳодисани ўзига ўхшаш бошқа нарсалар билан таққослаш, қиёслаш тушунилади.

Чувринди деганда, эски-туски, увода, жулдур кийинган қашшоқ одам тушунилади.

Чуввара деганда, миллий таъомлар оиласига мансуб бўлиб, ичига қийма гўшт солиб тугулган, матидан кўра кичикроқ ҳамир овқат тушунилади.

Чўкинди деганда, суюқликлардан фойдаланиш жараёнида тингандан сўнг тагига чўккан қуйқаси ёки тагига тўпланиб қолган лойқаси тушунилади.

Чўл деганда, доимий қуруқ, иссиқ иқлимли, сувсиз, ўсимликлар жуда кам ўсадиган бепаён саҳро тушунилади.

Чўпон деганда, яйловларда майда молларни ҳайдаб боқувчи чорвачилик соҳасида фаолият олиб борадиган касб соҳиби тушунилади.

Ш

Шариат деганда, Аллоҳ томонидан жорий қилинган ислом оламида бажарилиши лозим бўлган амалий ҳукумлар мажмуи тушунилади.

Шартнома деганда, жисмоний ёки юридик шахсларнинг маълум муддатга ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган битим тушунилади.

Шарқона деганда, шарқ халқларига хос бўлган ахлоқ-одоб, урф-одатлар, диний ва миллий қадриятларни ўзида ифода этадиган тушунчалар мажмуи тушунилади.

Шарҳлар (архив ишида) деганда, архив ҳужжатларининг алоҳида комплекслари таркиби ва мазмуни тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлардан иборат бўлган, уларнинг манбашунослик таҳлили билан тўлдирилган архив маълумотномалари тушунилади.

Шаршара деганда, дарё оқимида баландликдан пасга қуйилиб тушадиган, хушманзара таббий кўринишга эга бўлган, одамларга завқ берадиган таббий туристик объект тушунилади.

Шафқатсизлик деганда, инсонлар ёки жониворларга азоб бериш ва қийнаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар орқали руҳий зўриқишга мажбур қиладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Шафқатсиз рақобат деганда, рақобатчиларнинг бозорда шафқатсизларча ҳаракатига асосланган бўлиб, товарни (иш, хизматни) таннарихидан паст баҳода сотиш, бошқа рақобатчиларни ғайри қонуний йўллар билан синдиришга ҳаракат қилиш, савдода махфий келишувлар орқали бошқалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш, ёлгон ахборотлар тарқатиш кабиларда намоён бўлиши тушунилади.

Шахс деганда, ўзини тўлиқ англай оладиган, ўз устида мунтазам ишлайдиган, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқа оладиган нуфузли ва етакчи киши тушунилади.

Шахсий даромад деганда, жисмоний шахсларнинг солиқ тўлангунга қадарги барча даромади тушунилади.

Шахсий етуклик деганда, ўзининг барча ҳаракатларини ўзи назорат қила оладиган инсоннинг жамият, Ватан, ота-она олдидаги бурчини тўлиқ ва тўғри англайдиган онгли шахс тушунилади.

Шахсий намуна деганда, бирорта шахснинг Ватан, халқ, оила ва жамият олдидаги бурчини муваффақият билан адо этишда бошқаларга ўрнак ва ибрат бўладиган ҳаракатлари мажмуи тушунилади.

Шахсий транспорт деганда, жисмоний шахсларнинг шахсий мулки бўлган ҳаракатланиш воситаси тушунилади. Туризмда шахсий транспортда ҳам сайр қилиш мумкин.

Шахсий қобилият деганда, инсоннинг ўз бурчини бажаришда иқтидор, истеъдод, лаёқат каби фазилатларини ишга соладиган, ўзини бошқара оладиган ва назорат қила оладиган билимга эгаллиги тушунилади.

Шахсий турмуш деганда, шахснинг ўз ихтиёри билан жамиятда ўрнатилган тартиблар доирасида эркин яшаши, ўзининг шахсий ва оилавий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириши ва ўзига ўзи хизмат қилиб, тегишли рағбатга эга бўлиши тушунилади.

Шахсни камол топтириш деганда, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим шarti ва таркибий қисми бўлиб, шахсни ривожлантиришга қаратилган, инсоннинг салоҳият ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида нафақат давлат, жамият таъсири, балки шахснинг ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришни ҳам тақозо этадиган жараён тушунилади.

Шаҳар агломерацияси деганда, бир-бирига яқин жойлашган, ўзаро боғланган, иқтисодий, маданий-маъиший алоқалари, транспорт ҳаракати яхлит тизимга эга бўлган шаҳар ва шаҳарчалар бирлиги тушунилади.

Шаҳар географияси деганда, шаҳардаги объектларнинг (саноат, туристик, маданий каби) жойлашувини ифодаладиган мажмуа (фан, шаҳар картаси картаси кабилар) тушунилади.

Шаҳар режаси деганда, шаҳардаги диққатга сазовор жойлар, объектларни ўзида ифода этган карта-схема тушунилади. Бу туристлар учун шаҳардаги объектларни танлаш ва уларга ташриф қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

“Швед дастурхони (швед столи)” деганда, овқатланиш жойига ташриф буюрувчи дастурхонга қўйилган ҳар қандай таъомдан истаганича ўзи танлаб истеъмол қилишга мўлжалланган овқатланиш шакли тушунилади. Бу кўпинча расмий қабуллардаги зиёфатларда, айрим тадбирларда қўлланилади.

Шейпинг деганда, соғломлаштириш марказлари, курортлар ва санаторийларда қоматни ва соғлиқни яхши сақлашга қаратилган махсус тренажёрларда қилинадиган бадан тарбия машқлари тушунилади.

Шенген битими деганда, қўшни мамлакатларга чегара постларидан бир-бирига назоратсиз ўтган ҳолда ташриф буюриш ҳуқуқини берадиган шартнома тушунилади. Бундай шартнома 1995 йил 26 мартда 7 та Европа мамлакатлари (Бельгия, Нидерландия, Люксембург, ГФР, Франция, Испания, Португалия) ўртасида тузилган. Ушбу шартнома туризмнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Шерикчилик деганда, бир қанча хўжалик юритувчи субъектлар (давлат ва хусусий тадбиркорлар) томонидан ўзаро ҳамкорлик асосида иқтисодий-ижтимоий фаолиятни йўлга қўйишда ҳар бирининг ҳуқуқи, бурчи ва мажбуриятларини ифода этадиган ўзаро муносабат тушунилади.

Шеф деганда, бирорта уюшма ёки жамоанинг раҳбари, бошлиғи, доҳийси тушунилади.

Шикоят деганда, алоҳида шахснинг ёки аҳолининг нормал яшашига ҳалақат берадиган бирорта тартибдан ёки кўрсатиладиган хизматлардан норозилиги туфайли оғзаки ёки ёзма эътирози тушунилади.

Шинаванда деганда, кўп ҳолларда маданий хизматларга, санъатга (қўшиқ, куй, расм ва ҳ.к.ларга) қизиқувчи, эшитувчи, унга ихлос қўйувчи ишқибоз мухлис киши тушунилади.

Шинам меҳмонхона деганда, кишининг баҳри-дили очиладиган, кўркам қилиб дид билан безатилган, барча қулайликларга эга меҳмонхона тушунилади.

Широварлар дўкони деганда, ширали нарсалардан, қанд-курс, мева-чева, қандолат ва бошқа ширинликларга ихтисослашган савдосотиқ қиладиган жой (бино) тушунилади.

Ширбоз кабоб деганда, сут эмиб ўсаётган семиз қўзи гўштидан тайёрланган кабоб тушунилади.

Ширгуруч деганда, гуручни сутга пишириб тайёрланган шавла симон қуйқ таом тушунилади. Ушбу таом аксарият ҳолда нонуштада истеъмол қилинадиган миллий таомларимиздан бири.

Шириндимоғ меҳмонлар деганда, кайфияти яхши, димоғи чоғ, хурсанд меҳмонлар гуруҳи тушунилади.

Ширинкома деганда, олди-сотди жараёнида ўртада турган воситачига, у ердаги иштирокчиларга сотувчи ва олувчилар томонидан бериладиган ҳақ, пул тушунилади.

Ширинсухон бошловчи деганда, ёкимли сўзлайдиган, ширин сўз, мантиқли ва мазмунли гапирадиган шахс тушунилади.

Ширмойи нон деганда, туристларга (меҳмонларга) сут кўшилиб қилинадиган махсус тайёрланган нон тушунилади.

Ширчай деганда, сут кўшиб дамладиган ва истеъмол қилинадиган кўк ёки қора чай тушунилади. Айрим ҳудудларда унга туз, мурч, саригё каби нарсалар ҳам қўшиб тайёрланади.

Слагбаум деганда, йўлнинг поезд ёки бошқа транспорт воситаси ўтадиган жойларида қатновни вақтинча тўхтатиб қўйишга мўлжалланган кўтарма ғов, тўсиқ тушунилади.

Сницель деганда, қирқиб олинган лаҳм гўштдан ёки тўхмоқланган гўштдан пиширилган ясси юпка котлет тушунилади.

Шоввоз деганда, ҳар қандай ишни эплай оладиган, қойил қиладиган эпчил, азамат киши тушунилади.

Шовинизм деганда, миллатчиликнинг ўта тажовузкор шакли бўлиб, ўзга миллатларни камситиш, таҳқирлаш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, миллий тақаббурлик, миллий худбинлик иллатларини ўзида мужассам этган миллатчилик тушунилади.

Шогирд деганда, бирор касбни устоздан ўрганувчи шахс тушунилади. Агар у ўтган замон билан ифодаланадиган бўлса, бирорта устоздан ниманидир ўрганган шахс шу устознинг шогирди ҳисобланади. Бирор устознинг ўзини кўрмасида, таълимотини ўрганиб, унинг ишларини давом эттирувчи издош ҳам шогирд бўлиб ҳисобланади, қачонки у мазкур кишини устоз, деб тан олса.

Шодиёна деганда, хурсанд бўлиб, севиниб, қувониб, тантана қилиб ўтказадиган дамлар тушунилади.

Шойи дегананда ипакдан тўқилган газлама, мато тушунилади. Қадимда соҳга мансуб ипакли кийим, ипак газламадан тикилган кийим сифатида қаралган.

Шонли шаҳар деганда, дунёга донг таратган, шон-шарафга эга бўлган, олам аро шуҳрат қозонган боқий шаҳар тушунилади. Бунга Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби юртимизнинг бетакрор шаҳарларини мисол келтиришимиз мумкин.

Шоссе деганда, тош терилган, асфальт ёки бетон ётқизилган асосан автомобиллар қатновига мўлжалланган кенг асфальт йўл тушунилади.

Шоу-бизнес деганда, таниқли санъаткорлар иштирокида юқори даромад олишга мўлжалланган тадбиркорлик йўли билан ташкил қилинган томоша тушунилади.

Шоу-дастур деганда, аҳолига, айниқса, туристларга мўлжалланган қизиқарли кўнгилочар маданий тадбирлар (концертлар, ва бошқа томоша тадбирлари) мажмуи тушунилади.

Шошилинч ёрдам хизмати деганда, одамларга тезлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш лозим бўлган тиббий муассаса тушунилади. Бу мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда ташкил қилинган бўлиб, аҳолини бепул даволашга мўлжалланган тиббий муассаса ҳисобланади.

Шох – подшоҳ.

Шоҳаншоҳ – улуғ шоҳ, улуғ подшоҳ, шоҳларнинг шоҳи.

Штрихли код деганда, ҳар бир мамлакат ва ҳар бир товарнинг халқаро миқёсда қабул қилинган белгиси ҳамда бешта рақамдан иборат коди тушунилади. Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида ушбу кодларнинг аҳамияти жуда катта бўлмоқда.

Э

Эвокация деганда, одамлар, корхона, ташкилот ва бошқа муҳим нёъматларни уруш, табиий офат каби хавфлардан сақлаш мақсадида бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилади.

Эволюцион ривожланиш деганда, тадрижий тарзда босқичма-босқич ривожланиш тушунилади.

Эволюция деганда, табиат ва жамиятда узлуксиз, тадрижий равишда босқичма-босқич давом этадиган ва сифат ўзгаришларига олиб борадиган миқдорий ўзгаришлар тушунилади.

Эгасиз мулк деганда, бирор шахсга қарашли бўлмаган, қонуний эгалик ҳуқуқи белгиланмаган мулк тушунилади.

Эквивалент деганда, бирор нарсага тенг, унга мос келадиган ёки бирор нарсанинг ўрнини боса оладиган бошқа нарса тушунилади.

Экзотика деганда, бирорта мамлакат ёки ҳудудга хос бўлиб, узоқдаги бошқа мамлакат ёки ҳудуд аҳолисига қизиқ, ғайри оддий

бўлиб кўринадиган табиат, урф-одатлар ва бошқа қадриятлар мажмуи тушунилади. Ушбу атама кўпоқ экотуризмда қўлланилади.

Экипаж деганда, транспорт воситаларини (самолёт, кема, автомобил ва бошқа ташиш воситаларини) бошқарадиган кишилар гуруҳи тушунилади.

Эколог деганда, экологиянинг барча жиҳатлари ва жуда кўп қирралари билан шуғулланадиган мутахассис тушунилади.

Экологик деганда, экология билан боғлиқ ҳолат тушунилади.

Экологик амалиёт деганда, табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш орқали инсонларнинг яшаши учун соғлом шароитни вужудга келтиришга қаратилган амалий ишлар мажмуи тушунилади.

Экологик аудит деганда, корхоналарнинг экологик муаммолари ва мажбуриятларини аниқлаш мақсадида унинг атроф-муҳит ҳолатига таъсирининг норматив-қонунчилик талабларига, атроф-муҳитни муҳофаза этиш мезонларига ҳамда экологик хавфсизлик масалаларига мослигини тегиншли ҳужжатлар асосида доимий равишда ҳолис аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириб борилиши тушунилади.

Экологик барқарорлик деганда, инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларнинг ўзгаришига ҳеч қандай таъсир этмайдиган экологик вазиятнинг қарор топиши тушунилади.

Экологик бошқарув деганда, инсонларнинг яшаши учун соғлом шароитни вужудга келтиришга, табиат ресурсларининг камайишига йўл қўймасликки қаратилган табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларини тизимли амалга ошириш ташкил қилиш чора-тадбирлари мажмуи тушунилади.

Экологик вазият деганда, атроф-муҳитнинг, яъни инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларнинг экологик талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолатда яшаш муҳити тушунилади.

Экологик дастур деганда, инсонларнинг экологик таъсирдан сақланиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва табиатдан фойдаланиш устувор тадбирларини амалга оширишни маълум муддатга режалаштириш тушунилади.

Экологик жамғарма деганда, атроф-муҳит, инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларни асл ҳолида сақлаш ва экологик талабларнинг бузулиши натижасида етказилган

зарарларни тиклашга мўлжалланган маблағлар йиғиндиси тушунилади.

Экологик зарар деганда, атроф-муҳит, инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабилар ҳаётининг ёмонлашишига экологик омиллар натижасида таъсир қилиши тушунилади.

Экологик инқироз деганда, экологиянинг атроф-муҳит, инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларнинг ҳаётига, уларни тиклаб бўлмайдиган даражада таъсир қилиши натижасида вужудга келган ҳолат тушунилади.

Экологик-иқтисодий муносабатлар деганда, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг таркибий қисми бўлиб, инсонларнинг табиатдан фойдаланиш, экологик ресурсларни муҳофаза қилиш, иқтисодий жараёнларни (ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабиларни) экологиялаштириш билан боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Экологик компонент деганда, экологик тизилмаларни ҳосил қилувчи асосий табиий-энергетик манбаларнинг, яъни ер, сув, tuppoқ, шамол, куюш, газ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби компонентларнинг мавжудлиги тушунилади.

Экологик концепция деганда, табиат, табиат қонунлари, жамият ва жамият қонунларининг ўзаро уйғун ҳаракати ва ўзаро таъсири натижасида уларнинг мутаносиб ривожланиши тўғрисидаги илмий асосланган қарашлар тизими тушунилади.

Экологик маданият деганда, атроф-муҳитни, инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларнинг ҳаётини асраб-авайлашга қаратилган кўникманинг ва унга қатъий амал қилиш одатининг аҳоли онгида шаклланганлиги тушунилади.

Экологик маълумот деганда, экологияга оид барча ахборотлар тизими тушунилади.

Экологик меъёрлар деганда, табиат ва инсониятнинг барча қадриятлари билан асл ҳолида сақланиб қолишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларнинг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган чегараси тушунилади.

Экологик мониторинг деганда, ваколатли органлар томонидан атроф-муҳит ва экологик ресурслар ҳолатини маълум мезонлар ва талаблар асосида кузатиш, баҳолаш ва прогнозлаш тушунилади.

Экологик муаммолар деганда, экологик объектларни асл ҳолида сақлаш ва айрим йўқотилганларини тиклаш билан боғлиқ турли ташвишларнинг мавжудлиги тушунилади.

Экологик мувозанат деганда, экологик ҳолатни белгилловчи омилларнинг уйғунлашуви туфайли содир бўладиган эковазиятнинг нисбий турғунлиги тушунилади.

Экологик муносабат деганда, инсонларнинг табиат ресурсларидан самарали фойдаланишга, уларни қайта тиклаш ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлари ва табиатни асраб-авайлашга қаратилган ҳаёт тарзининг шакллانганлиги тушунилади.

Экологик назорат деганда, тирик организмларнинг сақланиши ва ривожланишини таъминлашга қаратилган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонун ва қоидаларга барча вазирлик, идоралар, корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан амал қилинишини турли ваколатли давлат ва нодавлат идоралари томонидан текшириб бориш тушунилади.

Экологик сертификация деганда, экологик объектларнинг белгиланган экологик талабларга мос келишини ва уларнинг инсонлар ҳаётига, мулкларнинг хавфсизлигига салбий таъсир этмаслигини тасдиқловчи ҳужжат тушунилади.

Экологик сиёсат деганда, давлатнинг экологик объектлардан самарали фойдаланиш, уларни сақлаш, муҳофаза қилиш, тирик организмлар, айниқса инсонларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади.

Экологик суғурта деганда, кўзда тутилмаган экологик вазиятнинг ўзгаришидан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида кўриладиган зарарлардан ҳимояланиш учун амалга ошириладиган суғурта мажбуриятлари тушунилади.

Экологик таълим деганда, инсонларнинг табиат, ҳайвонот ва ўсимлик оламини асраб-авайлаш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларни ўргатишга қаратилган илмларни бериш билан боғлиқ жараёнлар мажмуи тушунилади.

Экологик танглик деганда, атроф-муҳитнинг, яъни инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларнинг экологик талабларга

жавоб бера олмайдиган ҳолатга тушиб қолган, экологик жиҳатдан такликали ҳолатда яшаш муҳити тушунилади.

Экологик тарбия деганда, инсонларнинг табиий атроф-муҳитга ва бошқа экологик объектларни асраб-авайлаш, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби кўникмаларни сингдиришга қаратилган турли тарбия воситалари мажмуи тушунилади.

Экологик тизим деганда, тирик организмларнинг (инсони, табиат олами, ҳайвонот дунёси кабиларнинг) яшаш муҳити йиғиндиси бўлиб, уларнинг табиат ва жамият ўртасидаги узвий боғлиқликдаги қонуниятлар асосида шаклланган ҳолати тушунилади.

Экологик туризм деганда, экотуристлик объектларга (эстетик завқ берадиган табиатнинг бетакрор жойлари, шифобахш табиий масканлар, табиий ва антропоген геотузилмалар, жисмлар ва табиат ҳодисалари, тарихий-маданий мерос объектлари, маҳаллий халқнинг этник яшаш тарзи кабиларга) соғломлаштириш, даволаниш, дам олиш, руҳий ва ҳиссий кучни таклаш, уларни ўрганиш, жисмоний ривожланишни таъминлаш мақсадига қаратилган ташкилий равишда уюштирилган оммавий туризм тушунилади.

Экологик хавфсиз муҳит деганда, инсонларнинг тоза, соғлом, қулай яшашини таъминлайдиган муҳим ҳаётий шароитларга эга бўлишдек талабини тўла қондира оладиган атроф табиий ва ижтимоий муҳитнинг мавжудлиги тушунилади.

Экологик хавфсизлик деганда, тирик организмларнинг қулай яшашини ва ривожланишини таъминлайдиган муҳим ҳаётий шароитларга эга бўлишдек талабини тўла қондира оладиган атроф табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларнинг кўзда тутилганлиги ва уларнинг барқарор амал қилиши тушунилади.

Экологик экспертиза деганда, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа жараёнларнинг атроф-муҳитга ва жамиятнинг экологик хавфсизлигига салбий таъсир этмаслигини таъминлашга доир талабларга риоя этилишини текширишни амалга оширадиган назорат тушунилади.

Экологик қишлоқ деганда, туристларнинг табиат қўйнида дам олишини таъминлайдиган сўлим табиатига, миллий ўзига хос урф одатларига ва яшаш тарзига эга бўлган қишлоқ тушунилади. Бундай қишлоқларда туризмни амалга ошириш учун барча инфра-тузилмалар (меҳмонхона, овқатланиш шаҳобчалари, кўнгилочар

муассасалар, йўллар, ташиш воситалари кабилар) мавжуд бўлиши лозим.

Экологик ҳуқуқ деганда, тирик организмларнинг яшашини таъминлашда табиат билан жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган кенг қамравли ва кўп тармоқли ҳуқуқий тизимлар мажмуи тушунилади.

Экологик ҳуқуқий меъёрлар деганда, фуқароларнинг бутунги ва келажақ авлоди кулай атроф табиий муҳитга эга бўлиши, соғлиқни сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлигини таъминлашга бўлган ҳуқуқ ҳамда ҳуқуқий нормалари мажмуи тушунилади.

Экологик ҳуқуқининг объекти деганда, амалдаги қонунлар билан ҳимоя қилинадиган табиий ҳолда сақланиб келинаётган атроф муҳит, инсонларнинг урф-одатлари ва бошқа экологик тизимга кирувчи объектлар тушунилади.

Экология деганда, табиат ва жамият ўзаро таъсирининг умумий қонуниятлари, яъни инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси кабиларнинг атроф-муҳит (ер, ер ости бойликлари, сув ва сув ресурслари, атмосфера ҳавзаси) билан ўзаро муносабатлари мажмуи тушунилади.

Экология фани деганда, табиат ва жамият ўзаро таъсирининг умумий қонуниятлари, яъни инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик кабиларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари, жамиятнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва экологик ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга йўналтирилган тадбирлар ва қонуниятларни ўргатадиган таълимот тушунилади.

Эколот деганда, турли товуш, акс садо каби овозларни ўлчашга мўлжалланган асбоб тушунилади.

Экостаз деганда, ижтимоий экологияда инсон – жамият – табиат тизимидаги ўзаро муносабатларнинг таъсири ва бир-бирига мувофиқлиги натижасида биргаликда ривожланишини таъминлаш тушунилади.

Экотизим деганда, табиатда инсонлар, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси каби бирга яшовчи организмлар ва уларнинг яшаш муҳити тушунилади.

Экранлаштириш хизмати деганда, бирорта бадий асарни кинофильмга ёки телефильмга айлантириш билан боғлиқ ижодий хизматлар мажмуи тушунилади.

Экскурсия деганда, музейларга, тарихий обидаларга, табиат қўйнига ва бошқа туристик ресурсларга қўпчилик бўлиб бориш ва уларни кўриш ва тамоша қилиш тушунилади.

Экспедиция деганда, маълум гуруҳ кишиларнинг, қўп ҳолларда илмий ходимларнинг бирор жойни ёки ҳодисани ўрганиш учун қилинган сафари тушунилади.

Эксперимент деганда, бирорта илмий фараз ёки тавсияларни амалиётга қўллаш мумкинлигини синаш мақсадида ўтказиладиган тажриба тушунилади.

Эксперт комиссияси (ЭК) деганда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан, бошқарув (иш юритиш), илмий-техника ва бошқа махсус ҳужжатларнинг қимматлилиги ва уларни архивда сақлаш учун топширишга тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган, доимий фаолият юритувчи экспертиза комиссияси тушунилади.

Эксперт-текширув комиссияси (ЭТК) – давлат архивлари, ҳудудий архив иши бошқармаларида бошқарув (иш юритиш), илмий-техника ва бошқа махсус ҳужжатлар қимматлилиги экспертизасини ташкил этиш ва ҳужжатларни архивларга сақлаш учун топширишга тайёрлаш бўйича услубий ва амалий ишларни ўтказиш ҳамда давлат архивларининг жамлаш манбаи бўлган ташкилот, муассаса, корхоналарнинг Марказий эксперт комиссиялари (МЭК) ва эксперт комиссиялари (ЭК) фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш учун тузиладиган доимий фаолият юритувчи комиссия;

Экспонат деганда, музей ва турли кўргазмаларда намоиш қилишга қўйиладиган ҳар хил санъат асарлари, миллий буюмлар ва бошқа қимматликларга эга бўлган нарсалар тушунилади.

Экспорт деганда, товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқа қимматликларни ташқи бозорга чиқариш тушунилади.

Экспрес транспорт деганда, маршрут давомида кам тўхтайдиган, тез юришга мўлжалланган транспорт воситаси тушунилади.

Экстрасенс деганда, атроф-мухитни, борлиқни идрок қилиш ҳамда ўзга кишилар ва ҳайвонларга таъсир кўрсатишда ғайри табиий қобилиятга эга бўлган шахс тушунилади.

Эмиссия деганда, қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши тушунилади. Барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш ҳам эмиссиянинг бир кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Элат деганда, аҳолининг миллат шаклига келмасдан олдинги бирлигини белгиловчи кишилар гуруҳи тушунилади.

Элеватор деганда, ғаллани қабул қилиш, тортиш, қуришти, сақлаш ва юклаш механизмлари билан жиҳозланган махсус замонавий ғалла омбори тушунилади.

Электричка деганда, электр қуввати билан юрадиган, асосан йўловчи ташишга мўлжалланган поезд тушунилади.

Электрлаштириш деганда, бирорта корхона ёки ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш натижасида электр энергиясидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш тушунилади.

Электровоз деганда, электр кучи билан ишлайдиган ва вагонларни тортишга мўлжалланган локоматив тушунилади.

Электромонтёр деганда, электр тармоқлари ва асбоб ускуналарини ўрнатиш, ишга солиш ҳамда назорат қилиб туриш хизматларини бажарадиган ихтисослашган мутахассис тушунилади.

Электро-пайванд деганда, металлларни электр оқими ёрдамида пайвандлаш билан боғлиқ хизматнинг тури тушунилади.

Электростанция деганда, электр энергиясини ишлаб чиқаришга ва уни бир жойга тўшлаб тарқатиб беришга мўлжалланган хизмат кўрсатувчи корхона тушунилади.

Электротерапия деганда, электр оқими, электр ва магнит майдонларидан даволаш ва соғломлаштириш туризмида фойдаланишга мўлжалланган даволаш усули тушунилади.

Элита меҳмонхона деганда, энг яхши сараланган, ҳамма хизматларни юқори савияда кўрсатишга мўлжалланган юқори категорияли меҳмонхона тушунилади.

Элита хўжалиги деганда, селекция йўли билан етиштирилган уруғлик ёки шу йўл билан олинган зотли ҳайвонларни етиштириш билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалиқ соҳасида фаолият кўрсатувчи субъект тушунилади.

Эмакдошлар хизмати деганда, хизмат кўрсатиш соҳасида бир-жон, бир-тан бўлиб хизмат қиладиган кишилар, ҳамкорлар гуруҳи тушунилади.

Эмбарго деганда, чет эл товарлари, хизматлар ёки валюта бойликларини давлат чегарасидан киритиш ёки шундай нарсаларни олиб чиқиб кетишни ҳукумат томонидан тақиқлаш чора-тадбирлари тушунилади.

Эмблема деганда, бирорта корхона, ташкилот, бирлашма, гоё ёки тушунчанинг шартли ёки рамзий белгисини ифодаловчи бўртма нақш кўринишига эга бўлган безак тушунилади.

Эмигрант деганда, ўз ватанини мажбуран ёки ихтиёрий тарзда тарк этиб бошқа мамлакатларга доимий ёки вақтинча яшаш учун кетиб қолган киши тушунилади.

Эмиссия деганда, Марказий банк рухсати билан пул ёки қимматли қоғозларни муомалага чиқариш жараёни тушунилади.

Эмоционал хизмат деганда, ички ва ташқи кўзғотувчиларга таъсир қиладиган, уларни амалга ошириш натижасида одамларни ҳаёжонга соладиган, тўлқинлантирадиган руҳий кечинманинг пайдо бўлишига туртки бўладиган хизматлар мажмуи тушунилади.

Эмоция деганда, ички ва ташқи кўзғотувчилар таъсири натижасида одамда пайдо бўладиган, уни ҳаёжонга соладиган, тўлқинлантирадиган руҳий кечинма тушунилади.

Энага хизмати деганда, бошқа кишининг фарзандини тарбиялаб, уни улғайтириш билан боғлиқ хизматларни бўйнига олган аёл киши меҳнати тушунилади.

Эндокринология хизматлари деганда, эндокрин системаси аъзоларининг тузулиши, ишлаб чиқарадиган гормонларни, улар фаолияти бузулиши натижасида келиб чиқадиган касалликларни, уларнинг диагностикаси, даволаш усуллари ва олдини олиш йўлларини ўргатадиган, соғломлаштириш ва даволаш туризмида қўлланиладиган тиббиёт соҳаси билан боғлиқ хизматлар тушунилади.

Энергия деганда, ҳаракат, фаолият каби куч талаб қиладиган жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган қувват тушунилади.

Энциклопедия деганда, табиат, жамият ва инсон тафаккури тўғрисидаги илм-фаннинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзида битилган илмий ёки илмий оммабон тўплам тушунилади.

Эпицентр деганда, ернинг зилзила, портлаш каби жараёнлар маркази ҳисобланган устки қисми тушунилади. Ушбу ҳодисадан қолган белгилар экологик туризмнинг объекти ҳисобланади.

Эркин хизмат деганда, ҳар қандай тўсиқ, ғов, монеликдан ҳоли бўлган, ихтиёрий равишда қонун доирасидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган хизмат тушунилади.

Эркин индустриал-иқтисодий зона деганда, хорижий мамлакатларга турли шакллардаги иқтисодий ҳамкорлик ва тадбиркорлик билан шуғулланиш учун рухсат этилган мамлакат ҳудудининг бир қисми тушунилади. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган. Ўзбекистонда бундай ҳудудлар Навоий, Тошкент ва Жиззах вилоятларида ташкил қилинган ва қилинмоқда.

Эркин сайловлар дейилганда халққа ўз лидерларини танлаш, лидерлар ҳақида ўз фикрларини эркин билдириш, баҳсли масалаларда эркин мунозарага кириш ва эркин сайлаш ҳуқуқини беради. Сайловларда сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти-вақти билан учрашувлар ўтказиб турадилар. Сайланиш имконияти бундай вакилларга халқнинг эътибор беришларини ва мос равишда халқнинг фикр-иродасига уларнинг фаолиятини йўналтиришларини талаб қилади.

Эрозия деганда, тупроқ, тоғ жинслари, металл, тери шиллик пардаси кабиларнинг табиий ёки механик ҳодисалар таъсирида емирилиши, нураши, яллиғланиши тушунилади.

Эрудицияли гид деганда, туризм соҳасида ва маршрутга киритилган туристик объектлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлган, ўқимишли туристларни бошловчи билимдон ва нотик киши тушунилади.

Эсдалик деганда, эсда қоладиган таъссурут, хотира, ёдгарлик ҳамда шу мақсадда берилган махсус совға тушунилади.

Эсдалик дафтари деганда, одамларнинг, айниқса, туристларнинг хотираларни ва таъсуротларни ёзиб борадиган кундалик дафтари тушунилади.

Эскалатор деганда, метро, катта дўкон, йирик меҳмонхоналарда одамларни юқорига чиқариш ва пастга туширишга

мўлжалланган узлуксиз ҳаракат қилиб турадиган зинапоя тушунилади.

Эскича одат деганда, илгариги вақтга мансуб бўлган расм-русмлар, олдиндан сақланиб келинаётган миллий қадриятлар тушунилади. Ушбу одатлар экологик ва тарихий туризм учун туристик объект сифатида фойдаланилиши мумкин.

Эстакада деганда, транспорт воситалари ва пиёдалар ўтишига мўлжалланган, алоқа линиялари, турли мақсадларга хизмат қиладиган қувурлар ўтказиш, юклаш тушуриш ишларини амалга ошириш учун ер юзидан маълум баландликда қурилган, дарёлар ва сойлар устидан ўтадиган бир неча устунлар устига ўрнатилган тўйсинсимон конструкциялардан иборат кўприксимон иншоатлар тушунилади.

Эстетик ҳудуд деганда, ер юзининг инсонлар завқини ва ҳайратини уйғотадиган гўзал, нафосатли ва латофатли жой тушунилади.

Эъозли меҳмон деганда, эҳтиром кўрсатилиши лозим бўлган юқори ҳурматга сазовор меҳмон тушунилади.

Эътироф деганда, бирорта жараён, объект, қилинган иш, амалга оширилган фаолиятнинг яхшилигини, ҳаққонийлигини ва борлигини тан олиш тушунилади.

Эҳтиёт қилиш деганда, туристлар ҳаётининг хавфсизлигини, мулкнинг сақланишини таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш тушунилади.

Эхтиросли бошловчи деганда, зўр ҳис-туйғу, завқ-шавқ билан жўшқин гапирадиган ва ўзига ром қиладиган бошловчи тушунилади.

Ю

Ювелир деганда, қимматбаҳо металл ва тошлардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ходим, усто тушунилади.

Юк деганда, бирорта манзилдан иккинчи манзилга етказиб қўйиладиган това, маҳсулот ва бошқа ашёлар тушунилади.

Юк жўнатувчи деганда, юкларни ташувчига тегишли ҳужжатлар асосида маълум миқдордаги товар ва маҳсулотларни тегишли манзилга ва шахсга тўлиқ етказиб бериш шарти билан ортиб юборадиган ва етказилганлиги учун тўлаовни ўз зиммасига олган шахс тушунилади.

Юк йўлланмаси деганда, юкни олувчи ва жўнатувчи аник шахсларнинг манзили кўрсатилган ҳолда жўнатилган ёки жўнатиладиган юкларнинг ҳажми, нархи ва суммаси ифода этилган ҳужжат тушунилади.

Юк олувчи деганда, жўнатилган юкни ҳажми, нархи, суммаси ва сифатини кўриб қабул қилиб олувчи ва мазкур товарларга пул тўлаш мажбуриятини олган шахс тушунилади.

Юк ташиш жараёни деганда, юк жўнатувчининг манзилидан юк олувчининг манзилигача бўлган масофани босиб ўтиши ва бунда товарнинг сони ва сифатини тўлиқ сақлаган ҳолда етказиши билан боғлиқ жараёнлар тушунилади.

Юк деклорацияси деганда, товарни бир давлатдан иккинчи давлатга чегарадан ўтказишда божхона органлари учун зарур бўлган юкларга доир ҳужжат тушунилади.

Юксак технологиялар деганда, мураккаб товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун замонавий рақамлаштирилган илғор одамларнинг иштироки чекланган технологиялар тушунилади.

Юмор деганда, жамиятдаги турли камчиликларни ҳазил-кулги билан етказиш йўли билан инсонларни тарбиялаш тушунилади.

ЮНЕСКО – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган муассасаси. 1946 йилда ташкил қилинган.

ЮНИДО – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) саноат тараққиёти бўйича ташкилотининг қисқартирилган номи. Бу ташкилотнинг мақсади ривожланаётган мамлакатларнинг саноатини тараққий эттиришга кўмаклашишдан иборат бўлган БМТнинг ихтисослашган муассасаси.

ЮНКТАД – БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси. 1964 йилда ташкил қилинган. Ҳозир унинг 168 та аъзоси бор.

Юридик жавобгарлик деганда, қонунчилик, одилликни бузганлик учун қўлланиладиган жазонинг муқаррарлиги тушунилади.

Юридик шахс деганда, ўзининг уставига, мустақил балансига, мулкига, уларга эгалик ҳуқуқига эга бўлган, судда давоган ва жавобгар бўла оладиган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Юрта деганда, одамларнинг яшашига мўлжалланган ёғоч ва кийгиздан ясалган қора уй ёки ўтов тушунилади. Бу ҳозирги пайтда

мамлакатимизнинг чол зоналарида экологик туризмни ривож-
лантиришда кенг қўлланилмоқда.

Юстиция деганда, сул муассасалари тизими, уларнинг
ҳуқуқини амалга ошириш бўйича барча жараёнларнинг қамраб
олиниши тушунилади.

Я

Ягона иқтисодий кенглик деганда, бир қанча давлатлар
худудида амал қиладиган кўп томонлама шартнома муносабат-
ларида асосланган эркин иқтисодий ҳудуд тушунилади.

Ягона солиқ тўлови деганда, кичик бизнес субъектларини
қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига
соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тушунилади. Унинг
миқдори ҳозирги пайтда 5 %ни ташкил қилади.

Ягона турист деганда, ўзининг саёҳат маршрутини, вақтини
ўзи мустақил белгилайдиган хорижий ёки мамлакатимиз фуқароси
тушунилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик деганда, якка тартибдаги
тадбиркор томонидан мустақил, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк
ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида,
шунингдек мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга
йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилиши
тушунилади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) деганда, мамлакатимизнинг
маълум ҳудудларида, асосан вилоятларда бир йил давомида ишлаб
чиқарилган товар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг
жами бозор қиймати тушунилади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деганда, мамлакатда бир йил
давомида ишлаб чиқарилган товар, бажарилган ишлар ва кўрса-
тилган хизматларнинг жами бозор қиймати тушунилади.

Янги маҳсулот ёки товар деганда, бозорда пайдо бўлган
эҳтиёжини қондириш учун янгидан киритилган маҳсулотлар ва
товарлар тушунилади.

Янги товар концепцияси деганда, янгидан ишлаб чиқари-
ладиган товарларнинг барча хусусиятлари, шу жумладан, нархи
қандай бўлиш кераклиги тўғрисида илмий ва амалий жиҳатдан
асосланган тасаввурлар тизими тушунилади.

Яримпансион деганда, меҳмонни кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш, икки маҳал овқатлантириш, кузатиб қўйиш каби хизматларни ўз ичига оладиган комплекс хизмат тури тушунилади.

Ярлик деганда, бирорта товарни тўлиқ характерловчи, товар ҳақидаги тўлиқ маълумотни берувчи талон тушунилади.

Ярмарка деганда, бирорта қулай жойда чекланган вақт давомида ташкил қилинган бирорта санага ёки мавсумий сотишга бағишланган йирик товарлар ва маҳсулотлар бозори тушунилади.

Яшаш қулайлиги деганда, яшаш учун тегишли асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, табиатнинг мусаффолиги, ҳудуднинг қулайлиги, маҳсулотларнинг етарлилиги каби шароитлар мавжудлиги тушунилади.

Яшил зона деганда, шаҳар чеккасида жойлашган ўрмонлар, турли ўсимликлар, бутазорлар, дав-дарахтлар билан қопланган, аҳолининг дам олиши ва ҳавони кислород билан бойитишга мўлжалланган ҳудуд тушунилади.

Яшил йўлак деганда, давлат чегарасини кесиб ўтадиган, божхона мажбурий кўриги шарт бўлмаган махсус мўлжалланган жой (зелённый коридор) тушунилади.

Яширин иқтисодиёт деганда, солиқдан қочиб мақсадида номанетар айрибошлаш, ёлланган ишчиларни рўйхатга киритмасдан меҳнат ҳақи учун нақд пул тўлаш, ташқаридан киритиладиган товарларни божхонасиз ўтказиш каби ноқонуний ҳаракатлар тушунилади.

Яширин реклама деганда, бирорта товар (маҳсулот)ни ўзини айтмасдан бошқача йўллар билан инсон руҳиятига таъсир қилиш тушунилади. Масалан, замонавий аёл расмини чиқарган, унда аёл сигарета чекиб турибди олдида коньякнинг бутилкаси қўйиб қўйилган. Кўриниб турибдики, аёллар замонавий бўлиши учун сигарета чекиш керак, коньяк ичиш керак деган тушунчани аёллар руҳиятига сингдирилмоқда. Бу ерда сигарета ва коньяк яширин реклама маҳсулоти ҳисобланади.

Ў

Ўғит деганда, тарбия жараёнида тарбияланувчига йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган турли насиҳатлар тушунилади.

Ўжар деганда, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлатиб бўлмайдиган, истеъмолчиларнинг гапларига кулоқ солмайдиган, ўз фикрини маъқуллаб, ўз билганидан қолмайдиган қайсар одам тушунилади.

Ўзаро муносабат деганда, икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасида бирорта ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки бошқа масалаларда ўзаро келишув тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди — қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати — Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди — хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало, базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Бугунги кунда мазкур фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

Ўзгариш деганда, инсоннинг ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида мавжуд ҳолатдан бошқача ҳолатнинг юз бериши натижасида ижобий ёки салбий томонга ўтиш тушунилади.

Ўзини-ўзи бошқариш деганда, ўзининг имкониятларини, фаолиятини, чуқур ўйлаган ҳолда бировнинг таъсирисиз ўзига тегишли қарорларни қабул қилиш қобилиятига эгалик тушунилади.

Ўзлаштирмоқ деганда, ўзига тегишли бўлмаган нарсаларни қонуний ва ноқонуний йўллар билан ўзиники қилиб, эгаллаб олмақ

тушунилади. Таълим соҳасида ўқувчиларнинг ўзлаштириши, билимни мукаммал эгаллаши билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Ўйин деганда, болаларнинг, туристларнинг ва бошқа кишиларнинг бўш вақтида кўнгил очиш, дам олиш ва тарбиялашга қаратилган эркин ҳаракати тушунилади. Маълум қондалар асосида ўтказиладиган турли спорт мусобақалари ҳам ўйинларга киради.

Ўйлаш деганда, бирор ишни бажаришда обдон фикрлаб, мулоҳаза қилиш, ҳаёлидан ўтказиш тушунилади.

Ўймакор деганда, тахта, ганч, мармар, метал, тош кабилардан ясалган предметларни (буюмларни) ўйиб, турли шаклдаги нақшларни ҳосил қилувчи уста тушунилади.

Ўйчан деганда, атрофдаги вақеъа ва ҳодисалардан холи ҳолда ўзининг ҳаёли билан банд бўлган шахс тушунилади.

Ўлан деганда, тўй-ҳашам, байрам, халқ сайллари каби тантанали тадбирларида халқ оғзаки ижодида ўланчилар ва бахшилар томонидан ижро этиладиган ашула ва қўшиқлар тушунилади.

Ўлик табиат деганда, ҳайвонат ва ўсимлик оламига мансуб бўлмаган, ўсиш, ривожланиш ва ўзгаришлардан тўхтаган табиатга мансуб нарсалар мажмуи тушунилади.

Ўлка деганда, мамлакатимизда бирор маъмурий-худудий бирликка эга ёки иқтисодий, маданий жиҳатдан ўзига хос манзарага эга бўлган ҳудуд тушунилади.

Ўлкашунос деганда, алоҳида ўлкаларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи мутахассис ёки илмий ходим тушунилади.

Ўлкашунослик деганда, мамлакатимизнинг алоҳида ўлкалари табиати, тарихи, географик жойлашуви каби хусусиятларини ўрганадиган фан тушунилади.

Ўлпон деганда, ердан фойдаланилганлиги учун тўланадиган солиқ (ер солиғи) тушунилади.

Ўлчагич деганда, нарсаларнинг оғирлиги, узунлиги, вазни каби ўлчамларини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб тушунилади.

Ўлчам деганда, табиат ва жамиятда учрайдиган нарсаларнинг ҳажмини, узунлиги, оғирлиги каби ҳолатларини ифодалайдиган рақам кўрсаткичи (килограм, метр каби) тушунилади.

Ўлчов бирлиги деганда, муайян нарсанинг вазни, нархи, ҳажми, узунлиги кабиларни баҳолаш учун асос қилиб олинадиган миқдорий номланиш тушунилади.

Ўмармоқ деганда, давлатнинг, айрим ҳолларда бошқа кишининг мулкини яширинча ноқонуний йўллар билан (фирибгарлик, ўтирлик каби) ўзлаштириш тушунилади.

Ўнбоши деганда, бизнинг ҳудудларда ўнта кишига раҳбарлик қиладиган шахс тушунилади.

Ўнқир-чўнқир йўл деганда, бирор манзилга борадиган йўлнинг юзаси чуқурликлар ва дўнгликлардан иборат бўлган баланд-паст, нотекис, ўйдим-чуқурликлар тушунилади.

Ўнғай асбоб деганда, бирор нарсани бажаришга мўлжалланган, айнан шунга мос, қулай бўлган ва осон бажарилишини таъминлайдиган жиҳоз тушунилади.

Ўпқон деганда, сувни тортиб кетадиган, ер остидаги кўринмас чуқурлик, ғовак, бўш жой тушунилади. Одамларга қиёс қилганда еб тўймайдиган, тўйса ҳам қўймайдиган, текин бўлса олишдан, ўзлаштиришдан тўхтамайдиган киши тушунилади.

Ўрам деганда, товар ва бошқа буюмларнинг яхлит қилиб ўраб қўйилган бўлаклари тушунилади. Агар у битта бўлса бир ўрам, ўнта бўлса ўн ўрам деб ишлатилади ва маълум маънода ўлчов бирлиги сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўрганиш деганда, бирор илм, касб ёки жараённинг содир бўлишини батафсил билиб олиш учун қилинган тадбирлар, интилиш ва ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Ўрганмоқ деганда, деганда бирорта илм йўналиши, касб, иш, предмет кабиларнинг хусусиятларини билиб олиш тушунилади.

Ўргатиш деганда, ўрганувчига ўргатувчи томонидан бирорта илм йўналиши, касб, иш, предмет кабиларнинг хусусиятларини ўргатадиган билим бериш жараёни тушунилади.

Ўринбосар деганда, турли корхона, ташкилот ва идораларда бошлиқ ёки раҳбарнинг вазифасини бажариш ҳуқуқига эга бўлган расмий ёрдамчи, муовин тушунилади.

Ўриндош деганда, ўзининг асосий лавозими бўла туриб, яна ўзининг касбига мос бошқа лавозимда ишлаб турадиган шахс тушунилади.

Ўрмон деганда, турли дарахтлар ўсадиган географик ландшафт элементларини ҳосил қилувчи ғуж ўсган ўсимликлардан иборат ҳудуд тушунилади.

Ўрманзор деганда, ўрмон дарахти ва бошқа шунга хос ўсимликлар билан қопланган ҳудуд тушунилади.

Ўрмоншунослик деганда, ўрмоннинг пайдо бўлиши, яратилиши, ўрмон ҳаётининг бардавомлигини, ундаги маҳсулотларининг таркибий тузулиши ва улардан фойдаланиш каби хусусиятларини ўрганадиган фан тушунилади.

Ўртаҳол аҳоли деганда, яшаш даражаси бўйича ўта бой ҳам, ўта камбағал ҳам бўлмаган, кундалик ҳаёти учун неъматлар етарли бўлган аҳоли қатлами тушунилади.

Ўртача ходимлар сони деганда, корхонада рўйхатга киритилган доимий, мавсумий ва вақтинча ишлайдиган ҳамда ушбу корхонадан вақтинча ишламасада маош оладиган ходимлар (давлат ва ижтимоий ташкилотларнинг топшириғига асосан шу корхона рўйхатида бўла туриб бошқа ишни қилаётганлар, маъмуриятнинг рухсати билан келмаганлар, қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинганлар, ўқиш учун татил олганлар кабилар) умумий сонининг ўртачаси тушунилади. Буни аниқлаш учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонини маълум муддатдагиларини қўшиб ушбу сонга бўлинади. Масалан, бир йиллик ўртача ходимлар сонини қўшиб 12 га бўлиш йўли билан аниқланади.

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони деганда, ҳисобот даврида рўйхатдаги ходимлар сонининг ҳар бир кунда рўйхатда турганларини қўшиб, шу даврдаги тақвим кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланган кўрсаткич тушунилади.

Ўсимликшунос деганда, ҳаво ва тупроқдаги органик ва анорганик моддалар билан озиқланадиган, анаргоник моддаларни органик моддаларга айлантирадиган хусусиятларга эга, бирор жойга ўрнашган организмни, яъни ўсимликларни ўрганадиган мутахассис, илмий ходим тушунилади.

Ўсимликшунослик деганда, ўсимликларнинг турлари, экилиши, ўстириш технологиялари, фойдали жиҳатлари каби қирраларини ўрганадиган фан тушунилади.

Ўтин деганда, ёқиш учун ишлатиладиган ёғоч, тахта, поя, шох, қағоз каби ёнувчи моддалар мажмуи тушунилади.

Ўткир деганда, яхши кесадиган, учи найзаланган кесувчм асбобларга хос баҳо тушунилади. Агар уни одамга қиёс қилинса, қобилиятли, имконияти юқори даражали, сўзлари таъсирчан, зеҳинли киши тушунилади.

Ўтов деганда, Марказий ва Ўрта Осиё, Жанубий Сибирь халқларининг енгил материаллар, кигиз кабилардан конуссимон

қилиб қуриладиган кўча уй тушунилади. Бугунги кунда туристик объектларда мавсумий давр учун бундай кўча уйлардан фойдаланилмоқда.

Ўтпараст деганда, ўтти Худо деб билгувчи, ўтга сиғинувчи, оташпараст диний йўналиш тушунилади.

Ўчок деганда, атрофи ёпиқ олд томонидан ичига ўт солиб ёкиладиган ва устига қозон ўрнатиладиган қурилма тушунилади.

Ўқитувчи деганда, таълим-тарбия берадиган, фанларни ўқитадиган, дарс берувчи киши тушунилади.

Ўқувчи деганда, бирорта ўқув юртида, асосан мактабда таълим олаётган ва айрим нарсаларни мунтазам ўқиб турадиган шахс тушунилади.

К

Қатнов жадвали деганда, транспорт воситаларининг рейсни бажариш вақти, жойи ва изчиллиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган ахборот берувчи жадвал тушунилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакллантирилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой

қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Қонун – олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан ёки аҳоли томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказиш талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган меъёрий–ҳуқуқий ҳужжат.

Қонун устуворлиги деганда, қонуннинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмронлиги, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бирорта фуқаро қонунга бўйсунмаслиги мумкин эмаслиги, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солиниши, унинг барча иштирокчилари ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши лозимлиги тушунилади. Мазкур тамойил асосида ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда биринчи галда конституция ва кейинчалик қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туришига асосланади.

Қонунчилик деганда, иккита йўналишда изоҳлашни тақозо қилади. 1) давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишнинг асосий усулларида бири бўлиб, давлат ҳукумати органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий муносабатларни тўла тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки мазкур муносабатларнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Қонунчилик палатаси деганда, сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз элликга депутатдан иборат бўлган, барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатаси тушунилади.

Қора бозор деганда, муайян товар, иш ва хизматларни норасмий йўл билан яширин тарзда юқори нархда савдо-сотиқни амалга оширадиган жой тушунилади.

Қўл юки деганда, йўловчи томонидан бепул ташиладиган ташиш учун идишга жойланган, белгиланган вазндан ортиқ бўлмаган қўлда олиб кетишга мўлжалланган буюмлар тушунилади.

Қўриқхона деганда, мамлакатимизнинг маълум қисмида экологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида

хўжалик фаолиятдан чиқарган ҳолда барча табиат компонентларини, яъни ер ости, ер усти бойликларини, ҳайвонот ва наботат дунёсини асл табиий ҳолича сақлаб қолиш учун ажратилган махсус давлат томонидан молиялаштириладиган ва қўриқланадиган жой тушунилади.

Қўшимча материаллар деганда, яратилган маҳсулотнинг бутловачи қисмини ташкил қиладиган энг зарур неъматлар (хом ашё ва материаллар) тушунилади.

Қўшимча маҳсулот деганда, мулкдорнинг мулкига мос равишда ходимларни ишлатиш натижасида оладиган даромади тушунилади. Бунда мулкдорнинг даромади ишлашга қабул қилинган ва шу субъектда фаолият кўрсатадиган ходимлар томонидан яратилади.

Қўшимча меҳнат деганда, моддий неъмат ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимнинг қўшимча иш вақтида қўшимча маҳсулот (товар, иш, хизмат) яратиш учун сарф қилган меҳнати тушунилади.

Қўшма корхона деганда, турли мулк эгаларининг маҳсулот (иш, хизмат каби)ларни ишлаб чиқариш учун харажатларни, фойда ва тижорат таваккалчиликларини ўзаро баҳам кўришга асосланган ҳамкорликда қилинадиган фаолият тушунилади.

Ғ

Ғаввос деганда, сув ўтказмайдиган махсус кийимда сув остидаги ишларни бажарувчи (сув остида дур изловчи) шахс тушунилади.

Ғавго деганда, бетартиб шовқин-сурон, бақир-чақир, қий-чув овозлар, жанжал, муштлашиш каби ноўрин ҳолатлар тушунилади.

Ғавғоли бозор деганда, шовқин-сурон, бақир-чақир, қий-чув бўлиб, расталари ҳам, маҳсулотлари ҳам бетартиб жойлашган бозор тушунилади.

Ғаддор савдогар деганда, алдамчи, хиёнатчи, мунофиқ сотувчи тушунилади.

Ғадир-будир идиш деганда, сирти силлиқ бўлмаган нотекис идиш тушунилади.

Ғазаб деганда, кучли даражада аччиқланиш ҳисси, қаҳр тушунилади. Ушбу ҳолат ғирромлик қилган пайтларда, ноҳақликни кўрганда содир бўлиши мумкин.

Ғазабли харидор деганда, ғазоби тўлган, қаттиқ жаҳли чиқиб, ғоят аччиқланган харидор тушунилади.

Ғазалхон суҳандон деганда, тўй-ю-тантаналарга хизмат қиладиган ўз фикрларини ғазал айтиш билан ифода этадиган тўй олиб боровчи тушунилади.

Ғазна деганда, бирорта субъектга қарашли ва унинг тасарруфидаги хазина тушунилади.

Ғазначи деганда, корхона ва ташкилотларда ғазнага масъул бўлган шахс тушунилади.

Ғайрат деганда, бирорта ишга иштиёқ билан, бутун ақлий ва жисмоний кучини сафарбар қилиб, белгиланган ишни тез ва сифатли бажаришга киришмоқ тушунилади.

Ғайратли раҳбар деганда, кучли ғайратга эга, тиришқоқ, мақсад сари чекинмасдан, интилувчи раҳбар тушунилади.

Ғайри деганда, инсонга нотаниш, ёт, бегона, ўзга нарса ёки жараёнлар тушунилади.

Ғайри илмий асар деганда, илмга дахли бўлмаган, илм-фанга ҳилоф асар тушунилади.

Ғайри инсоний ҳаракат деганда, инсонга хос бўлмаган одатлар тушунилади.

Ғайри расмий ҳужжат деганда, расмий бўлмаган, қонун йўли билан қилинмаган, ноқонуний ҳужжат тушунилади.

Ғайри қонуний ҳужжат деганда, қонунга зид, қонунга ҳилоф, ноқонуний тузилган тушунилади.

Ғалаба деганда, бирорта мақсадга эришилган, муваффақият билан зафар кучилган ёки маррани қўлга киритган натижа тушунилади.

Ғаламис кишилар деганда, инсонлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солувчи, ғийбат ва фитна юритувчи одамлар тушунилади.

Ғалати раҳбар деганда, ҳаммага маълум бўлган фазилат ва одатлардан бошқача одат ва фазилатларга эга, тушуниб бўлмайдиган раҳбар тушунилади.

Ғалвачи ходим деганда, ҳар нарсага жанжал қилиб, ғалва қилаверадиган такаббур ходим тушунилади.

Ғалла деганда, бошоқли экинлардан озуқа сифатида фойдаланиладиган дон маҳсулотлари тушунилади.

Ғаллазор деганда, бошоқли экинлардан озуқа сифатида фойдаланиладиган дон маҳсулотларини етиштириладиган майдон тушунилади.

Ғаллакор деганда, бошоқли экинлардан озуқа сифатида фойдаланиладиган дон маҳсулотларини етиштириш иши билан шуғулланадиган ходим, деҳқон тушунилади.

Ғаллахона деганда, озуқа сифатида фойдаланиладиган дон маҳсулотларини сақлайдиган омборхона тушунилади.

Ғалтак деганда, бирор юкни ташишга, ҳаракатлантиришга мўлжалланган гилдиракли қурилма тушунилади.

Ғамламоқ деганда, бирор нарсани бирорта мақсад учун маълум вақт давомида тўплаб қўймоқ тушунилади.

Ғамхона деганда, қайғу-ғам ва ҳасратли жой (оила, ишхона ва б.) тушунилади.

Ғамхўр деганда, қайғуга шерик, юпатувчи, ҳамдард бўлувчи, раҳимдил киши тушунилади.

Ғани деганда, бой, бадавлат, давлатманд, ўзига тўқ киши тушунилади.

Ғаним деганда, душман, рақиб киши тушунилади.

Ғанимат деганда, шахс, ҳолат ёки нарсанинг вақтинча мавжудлиги, йўкотилгандан кейин қайтмайдиган эканлиги тушунилади.

Ғараз деганда, бировларни кўролмаслик оқибатида ёмонликни кўзда тутган ҳасадгўй киши муносабати тушунилади.

Ғариб деганда, камбағал, ночор ҳолатдаги аҳволи танг, бечора киши тушунилади.

Ғаройиб деганда, жуда кам учрайдиган, қизик ва камёб нарсалар ва кишилар тушунилади.

Ғарқ деганда, сувга чўкиб кетиш, хаёлан бирор нарсага кўмилиб кетиш жараёни тушунилади.

Ғассол деганда, ўлик ювувчи киши тушунилади.

Ғаюр деганда, ғайратли, жонқуяр, фидои, тиришқоқ киши тушунилади.

Ғашлик деганда, таъби хиралик, нохуш, руҳиятдаги қоникмаслик ҳолат тушунилади.

Ғижимланган кўйлак деганда, букланиб, тахи бузулган ҳолатда тиришиб қолган кўйлак тушунилади.

Ғирром рақобат деганда, субъектларнинг бозорда ўрнатилган рақобатга оид тартиб ва қоидаларига амал қилмасдан, ўз манфаатини устун қўйган ҳолда, ғирромлик йўлини тутиб иштирок этиши тушунилади.

Ғов деганда, бирор томонга ўтишга, бирор нарсани бажаришга имкон бермайдиган тўсиқ, қурилма тушунилади.

Ғоя деганда, бирорта фаолият билан шуғулланиш ёки мавжуд фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган дунёқараш, ҳаёлий мўлжал тушунилади.

Х

Ҳаваскор деганда, бирор соҳага қизиқиши натижасида шу соҳани ўз ихтиёри билан ўрганувчи киши тушунилади.

Ҳаваскор сотувчи деганда, сотиш билан шуғулланишни яхши кўрадиган, аммо шу соҳа бўйича мутахассис бўлмасда савдо-сотиқ сирларини ўрганишга иштиёқи баланд киши тушунилади.

Ҳаваскор туризм деганда, бир киши, битта оила, бир гуруҳ шахслар тўпланиб ўз ихтиёлари билан туристик ташкилотлар кўмагисиз саёҳат уюштириши тушунилади.

Ҳадик деганда, бирор кимса ёки нарсадан салбий таъсир ёки захмат етишидан қўрқув, чўчиш тушунилади.

Ҳадя деганда, тadbиркорларнинг (мулкдорнинг) кам таъминланган оилаларга ёки муҳтож бўлган шахсларга (саховат, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларга) текинга бериладиган совғаси, тортиғи ёки тўхфаси тушунилади.

Ҳаётий давр деганда, инсон ва ҳайвон каби жонуворларнинг туғулгандан, ўсимликларнинг юзага келгандан то ўлгунча (йўқ бўлгунча) яшаган даври тушунилади.

Ҳаётий цикл деганда, товарнинг ишлаб чиқарилишидан, сақлаши, транспортда ташиб етказиши ва бозордан истеъмолчига сотилганча бўлган даврни қамраб олиши тушунилади.

Ҳаёт-мамот деганда, фирма ва компанияларнинг инқироз пайтида яшаб кетиши ёки тугатилиши каби хатарларнинг мавҳум ҳолати тушунилади.

Ҳажм деганда, товар, иш, хизматларнинг ўлчови бўлиб, уларнинг бажарилган қисмининг умумий миқдори тушунилади. Булардан ташқари бирорта жисмнинг бўйи, баландлиги, энини ифодалайдиган фазода эгаллаб турган ўрни (катта-кичиклиги) ҳам шу предметнинг ҳажмини кўрсатади.

Ҳайбатли деганда, кўзга ташланадиган кўринишга эга бўлган, салобатли, улуғвор киши (жисм, товар, маҳсулот каби) тушунилади.

Ҳайвонд еганда, инсондан бошқа сезиш ва ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай тирик жонли нарса тушунилади.

Ҳайдовчи деганда, махсус ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлган транспорт воситаларини бошқарувчи шахс тушунилади.

Ҳайикмоқ деганда, бирор ҳатти-ҳаракат, муомала каби ҳаракатларни амалга оширишда кимдандир чўчимоқ, қўркмоқ, боина олмаслик тушунилади. Бундай ҳолат кўпинча хизмат соҳасига энди кириб келган ёш мутахассисларда бўлади.

Ҳайкал деганда, шахс хотирасини абадийлаштириш учун ёки ҳайвон гавдасини қаттиқ материалларда ўйиб ясалган тасвирини кўрсатувчи архитектура ва ҳайкалтарошлик иншооти тушунилади.

Ҳайрат деганда, турстларнинг тарихий ёки бошқа маданий ёдгорлик обилаларини кўрганда уларга махлиё бўлиб, кучли даражада ҳаёжонланиб ҳайратда қолиши тушунилади.

Ҳайфсан деганда, бирор ходимга бирорта хатоси ва ишдаги камчилиги учун жазо сифатида расмий бериладиган танбеҳ ёки жиддий огоҳлантириш тушунилади.

Ҳайъат деганда, бирорта вазифани бажаришга бағишланиб, сайланган кишилар гуруҳи тушунилади. Кўп ҳолларда мажлислари бошқаришга мўлжалланган раёсат, бирорта асарни нашр қилишга мўлжалланган таҳририят гуруҳлари кабилар бўлиши мумкин.

Ҳаким раҳбар деганда, жамоанинг бошини қовуштира оладиган, фирмани самарали ишлашини таъминлайдиган донишманд бошқарувчи тушунилади.

Ҳаловатли жой деганда, тинч, осойишта дам оладиган ва завқладиган маскан тушунилади. Кўп ҳолларда экотуризмнинг мақсади айнан шундай жойларни ташкил қилишга қаратилган.

Ҳалокатли ҳолат деганда, бирор сабаб туфайли юз бериши мумкин бўлган фалокатли, хавф-хатарли ҳолатга тушиб қолиш тушунилади.

Ҳалол маҳсулот деганда, истеъмолга ярокли бўлган, ичига турли диний ва тиббий нуктаи назардан истеъмолга хилоф бўлган нарсалар қўшилмаган маҳсулот тушунилади.

Ҳалол рақобат деганда, жуда куп майда сотувчи ва харидорларнинг бозорда тегишли тўлиқ ахборотларга эга бўлсада бозорнинг талабини, товар ҳажми ва нархини назорат қилиш имкони бўлмаган ҳолда иштирок этиши тушунилади.

Ҳамдард шериклар деганда, бир-бирининг ташвиши, ғам-ғуссасини бирга кечирувчи, қайғудош шериклар тушунилади.

Ҳамёни қуруқ харидорлар деганда, пул соладиган халғачасида пули йўқ харидорлар тушунилади.

Ҳамжиҳат жамоа деганда, бирорта ишни биргаликда амалга оширадиган, бир-биридан ажралмас, аҳил жамоа тушунилади.

Ҳамкасб деганда, иқтисодиётнинг бир ёки бир неча тармоғида бир хил касбни бажарадиган касбдошлар тушунилади. Масалан, қандай тармоқ ёки соҳалигидан қатъи назар, уша ерда фаолият кўрсатадиган бухгалтерлар ҳамкасблар ҳисобланади.

Ҳамкор ташкилотлар деганда, бирорта соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда ҳамкор бўлиб фаолият кўрсатиш тушунилади. Масалан, нон ишлаб чиқаришда ун ишлаб чиқарувчи, энергия ва газ кабилар билан таъминловчи субъектларнинг ҳамкорлиги яхши натижа беради.

Ҳаммуаллифлик деганда, бирорта илмий, адабий, санъат асарларини биргаликда бажарган ва улар бир хил муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган кишилар тушунилади.

Ҳамюрт деганда, битта юртда туғилиб ўсган кишилар, юртдошлар тушунилади. Худди шундай ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ каби иборалар ҳам қўлланилади.

Ҳаракат деганда, бирор вазиятдан чиқиш учун тадбир билан интилиш тушунилади. Бунга фирманинг бозордан тегишли ўрин олиши, янги бозорларни эгаллаши, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариши каби ҳолатларда қилинадиган интилишларини мисол қилиш мумкин.

Ҳарбийлаштирилган иқтисодиёт деганда, давлат бюджетининг аксарият қисмини ҳарбий мақсадларга йўналтириш тушунилади.

Ҳаром деганда, шариат ҳукмига мувофиқ ейиш, ичиш каби истеъмода фойдаланишга ярамайдиган, таъқиқланган нарсалар

тушунилади. Бировнинг мулкани турли найранглар, ўғрилиқ йўли билан ўзлаштириш каби нопок ҳолатлар ҳам ҳаром ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб деганда, барча иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ўлчаб, уларнинг натижасига баҳо бериш учун қўлланиладиган ўлчовлардан фойдаланиш тушунилади.

Ҳисоб-фактура (счёт фактура) деганда, сотувчининг сотган товарининг ҳажми, нархи ва умумий суммаси кўрсатилган бўлиб, товарни олиш ва унга пул тўлаш учун асос бўлувчи ҳужжат тушунилади.

Ҳалол деганда, мол топиш, истеъмол қилиш, яшашнинг ҳамма жабҳасида исломда кўзда тутилган меъёрларга асосланган шароитнинг яратилганлиги ва шу тарзда ҳаёт кечириш тушунилади.

Ҳалол туризм деганда, туристлар учун истеъмол қилинадиган, фойдаланадиган, хорид чиқарадиган барча жараёнларда исломий меъёрларга амал қилган ҳолда ташкил қилинган шароит тушунилади.

Ҳамроҳ деганда, кишиларнинг бирор сафарга чиқишида, бирорта ишни бажаришида ёнида кўмаклашишга тайёр шерик тушунилади.

Ҳовли деганда, бирор шахсга ёки ташкилот, корхонага тегишли бўлган маълум чегарага эга ҳудуд тушунилади.

Ҳомий деганда, бева-бечораларга, етим-есир, мухтож кишиларга, қурилаётган, таъмирланаётган ижтимоий объектларга ўзининг моддий ва молиявий кўмагини ўз ихтиёри билан аямайдан берадиган савобталаб киши тушунилади.

Ҳомийлик деганда, ижтимоий-иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, бирорта тadbирни юқори савияда ўтказилишини таъминлашда юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган бегараз ёрдам тушунилади.

Ҳостел деганда, яшашга, асосан тунашга мўлжалланган, катта-катта хоналарга эга арзон ётоқхоналар (меҳмонхоналар) тушунилади.

Ҳудуд деганда, маълум чегарага эга бўлган, ўзига хос таббii шароит, давлат, давлат ичкарисида айрим қулайликларни ёнобатга олган ҳолда шартли равишда бўлинган минтақа тушунилади. Ўзбекистоннинг марказий (Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари), зарафшон воҳаси (Самарқанд, Навоий, Бухор вилоятлари), жанубий

(Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятлари), шимолий (Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), водий (Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари) ҳудудлари мавжуд.

Худудий иқтисодиёт деганда, маълум ҳудуд чегарасида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол ҳодисаларини ўзи ичига олган жараёнлар мажмуи тушунилади.

Хужжат деганда, бирорта ҳодиса ёки жараённинг содир бўлганлигини тасдиқловчи, тегишли шахслар томонидан тасдиқланган (имзоланган) ҳуқуқий мақомга эга бўлган қоғоз тушунилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. – 398 бет.
2. Маркетинг терминлари изоҳли луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар / Масъул муҳаррир Баҳодир Эргашев: Т.: “Шарқ”, 2012. – 512 бет.
3. Пардаев М.Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга оид тушунчалар. Самарқанд, СамКИ, 1997. – 112 бет.
4. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти фанидан калит сўзлар ва атамаларнинг таърифлари ҳамда луғовий маънолари. /Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 176-234 бетлар.
5. Тухлиев И.С., Пўлатов М.Э., Бердимуратов А.Ш. Туризм атамаларининг изоҳли луғати. – Самарқанд, СамИСИ, 2021. – 252 бет.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. 5-жилдлик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

ҚАЙДЛАР УЧУН

[illegible]

ҚАЙДЛАР УЧУН

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are approximately 20 lines visible. The paper appears to be a standard notebook page or a sheet of stationery. There is no handwriting or other markings on the page.

МАМАЮНУС ПАРДАЕВ

ИҚТИСОДИЁТГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2022

Мухаррир:	Ш.Кучербаева
Дизайнер:	У.Ортиқов
Компьютерда саҳифаловчи:	Ш.Мирқосимова



E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.

Босингга рухсат этилди 10.02.2022.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 9,50. Нашр босма табағи 9,25.

Тиражи 600. Буюртма № 3.

43100

65

ISBN 978-9943-7802-3-1



9 789943 780231